

ТАКОМИЛЛАШИБ
БОРАЁТГАН
СОҲА

3



«ОЛТИН ОСТАНА»НИ
ҚАДРЛАЙЛИК

4

ОБИДАЛАР
МОЗИЙДАН
СЎЗЛАР

6-7



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!
ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 15 апрель, шанба • 15 (3649)-сон

«SUZUKI» - НАМАНГАН ЙЎЛЛАРИДА



Мотоцикллар сирена, овоз кучайтиргич, маёкчалар билан жиҳозланган. Соатига 160 км тезликда ҳаракатланиш имкониятига эга бўлиб, 100 кмга 2,8 литр ёнилғи сарфлайди.

Наманган вилояти ички ишлар бошқармасига чет элда ишлаб чиқарилган «SUZUKI» мотоцикллари келтирилди. Замонавий қулайликларга эга бўлган бу транспорт воситаси шаҳар кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда қўл келмоқда. Мотоцикллар йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимларига берилди.

Суратда: йўл-патруль хизмати ходимлари, сержантлар Дилшод Норматов ва Акмал Аҳмаджоновлар янги мотоциклда хизматга жўнаш олдидан.



POSTDA.TV



**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Қелгуси ҳафта учун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов олиб борди.

Ҳайъат мажлисида аввал республика ИИВ жазони ижро этиш муассасаларидаги ишларнинг аҳволи ҳамда жазони ўтаб озодликка чиққан шахсларни ишга жойлаштиришларида ҳудудий ички ишлар идоралари томонидан ёрдам берилиши масаласи кўриб чиқилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги Қарори талабларининг бажарилиши ва бу борада амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Ҳайъат мажлиси қатнашчилари гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш борасидаги Халқаро конвенциялар ва

Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларини бажариш бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш жараёни қандай кечаётганига эътибор қаратилди.

Мажлис якунида республика ички ишлар идораларида хизмат итларини тайёрлаш, жиноятларни иссиғида фош этиш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишда хизмат итларидан фойдаланиш ишларининг аҳволи кўриб чиқилди.

Ҳайъат мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ, республика ИИВ Бош бошқармалари бошқармалари ва мустақил бўлимлари раҳбарлари иштирок этишди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

БУГУНГИ ҲАРАКАТ — ЭРТАНГИ БАРАКАТ

Қашқадарёлик галлакорларнинг кейинги йилларда қўлга киритаётган ютуқлари эътиборлидир. Маҳаллий эртапишар, серҳосил навлар танлаб экилаётгани ҳосилдорлик ошишига олиб келаяпти. Ҳозирда мавжуд галлазорлардан 800 минг тонна дон етиштириш режалаштирилган. Бундай юксак мақсадга эришиш учун анча тер тўкишга тўри келади. Шу боис, айни кунларда галла майсаларини юксак агротехника қоидалари асосида парваришлаш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари олиб борилмоқда. Майсаларни пайҳон қилинишидан асраш, далаларга чорва моллари киришининг олдини олиш чоралари кўрилди. Бу борада вилоят деҳқонларига ички ишлар идоралари ходимлари камрабаста бўлишаётир. Улар аҳоли ўртасида республика Вазирлар Маҳкамасининг экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш бўйича қабул қилган қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Ҳозирги кунга қадар аҳоли кўп яшайдиган ҳудудларга яқин бўлган галлазорларнинг атрофи четан деворлар билан ўралган. Бу эгасиз қолдирилган айрим чорва молларининг далага кириб, майсаларни нобуд қилишининг олдини олишда қўл келаяпти. Бундан ташқари, ҳар бир галла майдонини доимий кўриқлаш учун кузатув масканлари ташкил этилган. Кенг жамоатчилик вакиллари орасидан танлаб олиниб, 1458 нафар дала қоровули тайинланган. Автомобиллар юролмайдиган ҳудудларни назорат қилиш учун отлар ажратилган. Бироқ жойлардаги профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва фаолларнинг саъй-ҳаракатига қарамай вилоятда 40дан ортиқ пайҳон ҳолатлари аниқланди. Айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиб, улардан 357 минг сўмдан ортиқ жарима ундириб олинди.

Масалан, Миришкор тумани Жейнов қишлоғида яшовчи Рўзимурод Жўраевнинг 6 бош қорамоли «Сетора» фермер хўжалигининг галла майдонига кириб, 0,4 сотих майдонни пайҳон қилгани аниқланди. Нишон тумани ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тунги кузатув пайтида «Сарбон дон» фермер хўжалиги галла майдонида Ҳасан Бобоқуловга тегишли 9 бош қорамол 0,3 сотих майдондаги майсаларни пайҳон қилгани маълум бўлди. Барча ҳолатлар бўйича қонуний чоралар кўрилди.

Албатта, баравж ўсаётган майсаларни оёқости қилишдан тап тортаётган шахсларга жазо бериш билан кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Барчамиз ўзимизга тегишли бўлган молларни қаровсиз қолдирмасликка ҳаракат қилсаккина, дастурхонимиз тўкинлиги таъминланади. Бугунги ям-яшил галлазорлар эртанги ризқ-рўзимиз эканлигини унутмайлик.

Баҳодир ЭРГАШЕВ.

САМАРАЛИ ТАДБИРЛАР

Урганч тумани ИИВ барча хизматларининг вакиллари иштирокида ўтказилаётган «Орият», «Усмир», «Қидирув», «Тоза ҳаво», «Арсенал», «Тозалаш», «Назорат» каби ўнлаб тадбирлар эл тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг кескин камайишига олиб келаяпти.

— Саъй-ҳаракатларимизга қарамай айрим фуқаролар қонунга хилоф иш туттиш, жиноятлар содир этишга уринишмоқда, — дейди туман ИИВ бошлиғи, подполковник Мақсуд Эшчонов. — Масалан, «Истиқбол» фермерлар уюшмаси 3-бўлими ҳудудида истиқомат қилувчи Р. Сотимбой 16 калибрли ов милтигини 6 донга жанговар ўқи билан ноқонуний сақлаётгани аниқланди. Шунингдек, С. Қаландаров номли фермер хўжаликлари уюшмасида яшовчи Р. Йўлдошга тегишли «ВА3-21011» русумли автомашина салонига героин борлиги маълум бўлди. Тадбир давомида «Истиқбол» фермерлар уюшмаси ҳудудида истиқомат қилувчи С. Ҳайитов ҳамда «Пахтакор» фермерлар уюшмасида яшовчи Р. Каримовлар хонадонига қайд этилган ўғирликлар ҳам «иссиғида» фош этилди.

Туманда бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ўқув муассасалари вакиллари билан ҳамкорликда кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадбирларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш билан бир қаторда аҳоли хушёрлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яна бир муҳим омил — аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш диққат марказида.

Яқинда тумандаги «Саноат» коллежида ички ишлар бўлими, прокуратура ҳамда туман ҳокимлигининг аҳолини иш билан таъминлаш бўлими ҳамкорлигида «Бўш ўринлар ярмаркаси» ўтказилгани фикримизнинг далилидир. Тадбир чоғида Урганч тумани ва шаҳридаги ишчи кучига зарур бўлган корхона ва ташкилотларнинг талаби ўрганиб чиқилди. Натижада биринчи кунгиде 39 киши иш билан таъминланди. Айни пайтда қутилганидек самара бераётган бундай тадбирлар давом эттирилмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Ички ишлар идораларида ўтказилаётган ишловотлар жараёни соҳани мارد ва жасур, маънавий етук, жисмонан баркамол, билимли кадрлар билан мустаҳкамлашни тақозо этади. Давр шиддат билан одимламоқда. Бугун талаб ҳам, масъулият ҳам ортган. Курраи заминнинг ҳали у, ҳали бу ерида юз бераётган террорчилик ҳаракатлари соҳа ходимларидан хушёрликни, шу билан бирга юксак касбий маҳорат, жасурилик ва фидойиликни талаб этади. Шу маънода республика ИИВ Академиясида сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курслар ташкил этилгани бу борада муҳим қадам бўлди.

Яқинда мазкур курсларни битирган бир гуруҳ сержантлар Навоий вилояти ички ишлар идоралари ходимлари сафига қўшилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбир тантанали тус олди. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари, полковник Камол Раҳматов хизматни бошлаш арафасида турган йигитларга омад

СЕРЖАНТЛАР ХИЗМАТДА

тилар экан, эл-юрт тинчлик, осойишталигини таъминлаш фоят улуг ва шарафли иш эканлигини алоҳида таъкидлаб шундай деди:

— Халқимиз ва ҳукуматимиз сержантларга катта ишонч билдирмоқда. Ҳозирги кунгача ИИВ Академияси Олий курсларини битирган 74 нафар йигит сафимиздан жой олди. Уларни лавозимларга тайинлашда эғаллаган мутахассислигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бирига тажрибали ходимлар мураббий этиб тайинланди. Бу эса уларнинг касб сирларини пухта эгаллашларида қўл келади.

— Ички ишлар идораларида хизмат қилиш юксак орзуим эди, — дейди кичик сержант Сайфиддин Сайфуллаев. — Мана мақсадимга эришдим. Орзуларим рўёбга чиққанидан онажоним айниқса, хур-

санд. Бор куч-ғайратимни, билимимни шу ишга бағишлайман деб, аҳд қилдим.

Ҳа, қарашларидан қатъият ва шижоат ёғилиб турган сержантларнинг ниятлари улуг. Илоҳим, ёруғ, пок ниятлари уларга ҳамиша йўлдош бўлсин!

Кўтаринки руҳда бошланган мазкур тадбир икки авлод учрашувига айланди. Шу кунги кўп йиллар ички ишлар тизимларида фаол ва самарали хизмат қилиб келган бир гуруҳ ходимлар иззат-икром билан нафақага кузатилди. Уларга бошқарма раҳбарияти томонидан самимий миннатдорчилик билдирилиб, шогирдлари эҳтироми сифатида тўн кийдирилди, гуллар тақдим этилди. Фоят шуқуҳли ўтган бу тадбир барчада бирдек яхши таассурот қолдирди.

Нигора РАҲИМОВА,
майор.

МАҚСАД БИТТА — ОСОЙИШТАЛИК

Асака шаҳар ички ишлар бўлимида жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар самараси яққол сезилмоқда. Айни пайтда шаҳар ҳудудида «Антитеррор-Тозалаш» профилактик тадбири ўтказилаяпти. Унда ички ишлар ходимлари билан бирга кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этишмоқда. Тадбир давомида хонадонлар, жамоат жойлари, ташландиқ бинолар, кўп қаватли уйларнинг ертўлалари текширилди.

Шунингдек, содир этилган бешта жиноят фош этилди. Жумладан, Шаҳрихон кўчасидаги кўп қаватли

уйларнинг бирида яшовчи К. Воҳид гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланишда гумонланиб, холислар иштирокида текширилганда, унинг ёнидан героин чиқди. Шунингдек, жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган Л. Наталья ушланди. Корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари ўртасида «Осойишта ҳаётнинг қадрига етайлик» мавзусида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса эл-юрт осойишталигини сақлашдир.

Азизхон БУЗРУКОВ.





Кейинги пайтда республика Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси тизимида кўплаб янги ўт ўчириш қисмлари барпо этилди. Улар аҳоли мол-мулки, давлат тасарруфидagi моддий бойликларни асраб-авайлашга муносиб

хисса қўшишмоқда. Масалан, Фарғона водийсини Тошкент шаҳри билан боғловчи Камчиқ довонида, Қашқадарё вилоятининг бир нечта туманларида, Наманган вилоятининг Поп, Мингбулок, Чортоқ туманларида ташкил этилган ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмлари соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини энгиллаштириш, ёнгинларни тезда бартараф этишга хизмат қилмоқда. Зеро, мазкур қисмлар энг замонавий

ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАЁТГАН СОҲА

ёнгин ўчириш автомашиналари, ёнгинга қарши курашда ишлатиладиган бошқа зарур техникалар билан жиҳозланган.

Қаерда ёнгин чиқса, ёнгин ўчирувчилар шу жойда ҳозир унозир. Улар талофатнинг олдини олиш ва алангани тизгинлашда машаққатлардан чўчимай, матонат кўрсатишади. Олов иссиқлик ва ёруғлик бўлиш билан бирга вақти келганда ҳалокат, кулфат ҳамдир. Ундан тўғри фойдаланилсагина бизга беминнат хизмат қилади. Акс ҳолда ёнгин содир бўлиб, ташвиш келтиради. Ёнгин ўчирувчилар кечасио кундузи ҳаловатни унутиб, «жаҳаннам» ичига кирдилар. Чунки улар ўт ичида қолган кишилар, моддий бойликларни қутқаришни муқаддас бурч, деб билишади.

Шу ўринда олов билан юзма-юз бўлган ходимнинг

руҳий тайёргарлиги қандай бўлиши керак, деган ҳақли савол тугилиши табиий. Бундай тайёргарлик соҳа ходимларининг катта майдонлардаги ёнгинларни ўз вақтида, талофатсиз ўчириш, турли вазиятларда тўсиқлардан қаққон ҳаракатлар билан ўтиш, мавжуд техника воситаларидан моҳирона фойдаланиш, баланд иморатларда содир бўлган ёнгинларни ўчиришга қаратилган амалий машғулотларни ўташ жараёнида мустаҳкамланади.

– Мен ИИБ Академиясидаги сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсларида олти ой таҳсил олдим, – деди Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ ходими С. Отабоев. – Ўқиш жараёнида назарий билимларни эгаллаш билан бирга амалий машғулотларда ҳам иштирок этдим. Бир хонадонда содир бўлган ёнгинни ўчирганимизда уй

эгаси миннатдорчилик изҳор этди. Бундан кўнглим тоғдек кўтарилиб, ушбу касбни танлаганимдан фахрланиб кетдим.

Ёнгинларни тезда бартараф этиш биринчи навбатда ёнгин ўчириш техника ва анжомлари сонига, сифати ва ҳам боғлиқ. Шу маънода республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош-бошқармасига қарашли ўта мураккаб ва катта ёнгинлар, фалокатлар ва табиий офатларда биринчи навбатда авария-қутқарув ишларини амалга оширишга ихтисослаштирилган отрядда барча шароитлар муҳайё қилинган. Отряд аъзолари фавқулодда вазиятларда, бинолар кулаганда, фалокат ва ёнгинлар содир бўлганда махсус «Розенбауер» қутқарув автомобили, барча турдаги металл ва бетонларни қирқиш, сиқилган ҳаво орқали 9 тонна ва ундан ортиқ оғирликда бўлган бетон пли-

таларни кўтаришга мўлжалланган мослама, махсус тутун сўргичлардан фойдаланилар.

Темир йўлни мамлакатимизнинг қон томири, дейишади. Дарҳақиқат, юк ташини, йўловчиларни манзилга элтишда темирйўлчиларнинг ўз ўрни бор. Темир йўллар хавфсизлигини таъминлаш учун эса бекатларда фаолият кўрсатаётган ёнгин ўчириш поездларининг хизмати каттадир. Чунки ёнгин ўчирувчиларнинг оёғи етмаган жойга темир йўл излари бўйлаб поездлар тезда етиб боради ва хавфли ҳолатларнинг олдини олади. Ишни тўғри ташкил этиш, фавқулодда вазиятларда тез ва аниқ ҳаракат қилиш учун эса ходимлар доимо машқлар ўтказиб туришади.

Кўриниб турибдики, рўй берган офатларни даф этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Лекин моддий бойликларни ўт балосидан асраш нафақат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ўзини шу юрт фарзандиман, деб билган барча-барчанинг муқаддас вазифаси эканлигини унутмаслик зарур.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
майор.

ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Бугунги кунда Бухорода кўплаб тарихий обидалар, диққатга сазовор жойларни кўз қорачигидек асраб-авайлашда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Вилоятда 12 та ҳарбийлаштирилган, 10 та касбийлаштирилган ёнгин ўчириш қисмлари фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг моддий-техника захираси мустаҳкамланиб, замонавий ёнгин ўчириш автомашиналари ва алоқа воситалари билан таъминланмоқда.

Бухоро шаҳридаги учта ҳарбийлаштирилган ёнгин ўчириш қисмлари ва Вобкент, Шофиркон, Пешку, Жондор, Олот туманларидаги ёнгин хавфсизлиги бўлинмалари бинолари тўлиқ таъмирланиб, замон талаблари асосида жиҳозланди. 1920 йилдан ҳозирги кунга қадар ёнгин хавфсизлиги хизмати тарихини акс эттирувчи тарғибот маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда уларнинг сиёсий онги, дунёқароши, жисмонан чиниққанлиги ҳамда хизмат вазифаларини бажаришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқарма ва қисмлардаги маърифат ҳамда жанговар тайёргарлик бўйича ўқув хоналари қайта таъмирланиб, жиҳозланди. Содири бўлиши мумкин бўлган катта ва мураккаб ёнгинларни бартараф этишда шахсий таркибнинг тажрибаси ва жанговарлигини ошириш мақсадида ҳар йили режага асосан ёнгин ўчириш амалий-тактик машғулотлар ўтказиб келинмоқда.

Ходимлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 31 та замонавий алоқа воситалари ҳамда 36 та компьютер

олинди. Ўтган давр мобайнида 100 га яқин ёнгин ўчириш машиналари тўлиқ таъмирланди. Вилоят ёнгин хавфсизлиги хизмати фаолиятидаги илгор тажрибаларни тарғиб этиш маркази ва музей барпо этилди. Ғиждувон ва Шофиркон туманларидаги ёнгин ўчириш қисмларида тўрттадан ўқув синфи, овқатланиш, дам олиш ҳамда хизмат хоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, вилоят ҳудудидаги милиция таянч пунктларига ходимлар бириктирилиб, ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Шунингдек, ёнгинга қарши тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиши йўлга қўйилди. «Тозалаш», «Антитеррор», «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги», «Қидирув», «Қорадори», «Меҳмон», «Спитамен» каби тезкор-профилактик тадбирлар ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда юқори даражада ўтказилгани ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ботир АБДУЛЛАЕВ,
майор.

КҮРИК-ТАНЛОВ

ЎЗИГА ХОС БЕЛЛАШУВ

Шу йил 4-5 апрел кунлари республикадаги ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг аҳоли турар жойлари, халқ хўжалиги тармоқлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш борасидаги ишларини барқарорлаштириш мақсадида «Давлат ёнгин назоратининг энг яхши хизматчиси» кўрик-танлови ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, Навоий кон металлургия комбинати ва Транспорт ИИБ ЁХБларида бўлиб ўтган саралаш босқичларида галиб чиққан ходимлар иштирок этишди.

Кўрик-танлов шартларига кўра иштирокчилар Тошкент тиббиёт академиясининг ёнгин хавфсизлиги ҳолатини тўлиқ ўрганиб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ва тест саволларига жавоб бериш орқали касб маҳорати ҳамда би-

лимларини намоён этишди. Навоий кон металлургия комбинатининг 2-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми муҳандиси, капитан Г. Аглиева республика ИИБ ЁХББ тизимидаги «Давлат ёнгин назоратининг энг яхши хизматчиси» деб топилди. Унга Бош бошқарманинг Фахрий ёрлиги топширилди. Иккинчи ўрин Андижон вилояти ИИБ ЁХБ инспектори, катта лейтенант Р. Олимов, учинчи ўрин Наманган вилояти Чортоқ тумани ИИБ ЁХБ инспектори, лейтенант

Р. Ҳамроев ва Тошкент шаҳри Бектемир тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, капитан С. Муҳидиновларга насиб этди.

Даврон ҚАМБАРОВ,
капитан.

ХОНАДОННИНГИЗДА КҮНГИЛСИЗЛИК БЎЛМАСИН

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг корхона, муассасалар вакиллари, маҳалла фаоллари, газлаштириш ва электр тармоқлари идоралари ходимлари билан биргаликда олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай ҳамон фуқароларимиз томонидан табиий газ, электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари кузатишмоқда.

Тойлоқ туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалигида яшовчи Ў. Расулов электр иситиш печини ёқиб, қаровсиз қолдириши натижасида ёнгин келиб чиққан. Натижада уйининг шифти ва том қисми ёниб, анча моддий зарар етказган.

Самарқанд шаҳри Фарҳод кўрғонига яшовчи Д. Б. уйда иситиш печи мўриси кураётганда ёнгин хавфсизлиги қоида-си ҳамда қурилиш меъёрига риоя этмаслиги натижасида ёнгин чиққан.

Кўшрабод туманидаги Фузулий номи 12-ўрта мактабда дарс ўтиляётган хонада печка мўриси тагидан чиқаётган тутун ўқувчилардан бирининг эътиборини тортади. Бу ҳақда хабар олган ёнгин ўчирувчилар бир

неча дақиқада ёнгинни бартараф этишди. Текшириб кўрилганда қурилиш жараёнида иситиш печининг мўриси нотўғри қурилгани маълум бўлди.

Электр симлари эскириб, яроқсиз ҳолга келганига бепарволик билан қараган Самарқанд тумани, Қўшмачит қишлоғида истиқомат қилувчи З. Р. атрофга аччиқ ҳид тарала бошлагандан кейингина ўзини ҳар томонга ура бошлади. Аммо кичик аланга катталашиб, бир неча дақиқа ичида уйнинг том қисмига ўтди. Ёрданга етиб келган одамлар қанчалик уринишмасин олов қўшнининг томига ўралайди. Бепарволик туфайли чиққан ёнгин учта хонадоннинг томи ва уй жиҳозларини кулга айлантirdi.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, ҳар бир фуқаро олдий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмас экан, ёнгинлар келиб чиқаверади. Истагимиз шуки, кўнгилсизликлар ҳар бир хонадонни четлаб ўтсин.

Аслиддин ИРГАШЕВ,
Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант.



«ОЛТИН ОСТОНА»НИ ҚАДРЛАЙЛИК

Аслида ёмон одам бўлмайди. Сароб орзулар, бемақсад манзиллар томон интилган киши чалғиб, асл инсонийлик қиёфасини йўқотиши мумкин. Шу боис, уларни тўғри йўлга солиш, айниқса, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш энг муҳим вазифалар сирасига киради. Бу борада жойлардаги милиция таянч пунктлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари биргаликда тадбирлар ташкил этишаётгани яхши натижа бермоқда. Аммо шунга қарамай айрим ота-оналар кундалик ташвишлар билан ўралашиб, фарзандлари тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйишаётгани салбий оқибатларга олиб келаяпти. Фикримизнинг далили

сифатида Музработ туманида бир тунда содир бўлган икки жиноят тафсилотига тўхталсак. Фуқаро Заргул Эшқобилова-ни ўз уйи олдида тумanning Наврўз маҳалласида яшовчи, 26 ёшни қаршилаган, муқаддам судланган Наргиза ҳамда коллеж талабаси Ҳ. Лола маст ҳолда уриб, қулоғидаги сариқ металлдан ясалган сирға ва қўлидаги узугини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинишди. Ушбу ҳодиса бўйича Наврўз маҳалласи диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Хадича Чориева ўз фикрини қуйидагича ифодалади: «Мени ташвишга солаётган нарса аёлларимизнинг ичкиликка ружу қўяётгани. Буни тасаввур қила олмайман. Биз но-

жўя ҳаракат қилган бу қизлар билан кўп бор тушунтириш ишларини олиб борганмиз. Бироқ фойдаси бўлмади. Охи-роқибат маҳалла аҳлининг юзи-ни ерга қаратишди. Лоланинг ота-онаси Самарқанд вилоятига кўчиб кетишганига бир йилча бўлаяпти. Гоҳ у дугонаси, гоҳ бу дугонасиникида яшаб, бекор юрди. Биз ўз навбатида ота-онасига хат ҳам юбордик. Бироқ улардан негадир жавоб келмади. Наҳотки ўз қизларининг тақдирига шунчалик бефарқ бўлишса?».

Лоланинг ҳаёти билан 9 ой давомида на ота-онаси, на коллеж жамоаси қизиққан. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бу аҳволда уйма-уй юрган 19 ёшли қизнинг тарбияси не кечади? На-

тижада у ичкиликка ружу қўйиб, тарбияси оғир ёшлар сафига қўшилган. Ушбу назоратсизликнинг оқибати эса жиноят билан тугаганлиги ачинарли ҳолдир.

Иккинчи ҳодисанинг фожиага айланишига ҳам меъёрдан ортиқ спиртли ичимлик истеъмол қилиш сабаб бўлган. Шу тумanning Файзобод маҳалласида яшовчилар, муқаддам судланган Ҳ. Шавкат, Ҳ. Акрам ҳамда Н. Акмаллар кеч соат 22.00 ларда маст ҳолда ўзаро жанжаллашиб қолишди. Оқибатда Акрам билан Акмал Шавкатнинг бош ва тана қисмларига уриб, қочиб кетишди. Оғир тан жароҳати олган Шавкат воқеа жойида вафот этади. Маҳалладагилар билан суҳ-

батлашар эканмиз, улар ҳақида ҳеч ким ёмон фикр айтмади. Фожиа содир бўлган тунда бу жанжалга ўз вақтида барҳам берадиган биронта киши ёки кўни-кўшни топилмагани бизни жуда ажаблантирди.

Биз содир бўлган ушбу воқеалар юзасидан бирор қарор чиқаришдан йироқмиз. Сўнгги пушаймон қимматга тушиши, ёшлар тарбиясига озгина эътиборсизлик нохуш оқибатларга олиб келишини эслатиб ўтмоқчимиз, холос. «Маҳалланг – ота-онанг», «Ён қўшни – жон қўшни», «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади» каби ҳикматли сўзларга амалда содиқ қолсақкина юзимиз шувут бўлмайди. Ана шундагина «Олтин остона» саналган маҳалларимизда тинчлик, осойишталик, хотиржамлик ҳукм суради.

Собир НОРМУРОДОВ,
майор.

ИЖОБИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ОМИЛИ

Ички ишлар идораларида ўтказилаётган иш-хотлар эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш билан бирга ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлида олиб борилаётган ишларнинг дебочаси ҳамдир. Бунда бевоқиф маҳаллаларда, халқ орасида фаолият юритаётган милиция таянч пунктларининг ўрни беқийс эканлиги сир эмас. Мазкур масканларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, рўй бераётган жиноятларнинг мудҳиш оқибатларини фуқаролар онгига етказиш орқали уларнинг ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Бобур маҳалласи Асака шаҳрининг энг гавжум гўшаларидан биридир. Бу ерда уч мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

– Асосий эътибор ёшлар орасида бекорчилар бўлмастлигига қаратиляпти, – деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирзабахром Мамадалиев. – Шу мақсадда футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка каби спорт тўғрақлари ташкил этганмиз. Ҳозирда 90 нафар



қиз касаначилик билан шуғулланишмоқда.

Худудда тинчлик, осойишталикни сақлашда маҳалла фаолларининг тутган ўрни катта. Шу боис, ёши улуг инсонлар, кўчабошилар аҳоли ўртасида ақдапарастлик, диний-экстремистик ҳаракатларнинг аянчли оқибатлари ҳақида тушунча бериб, уларни тўғри йўлдан адашмасликка чақиришяпти.

– Маҳалла фуқаролар

йиғини билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар яхши самара бермоқда, – деди мазкур худуд профилактика инспектори, катта лейтенант Иқболжон Рўзиматов. – Бу борада айниқса, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Манзураҳон Мадаминжонова, маҳалла посбонлари Қаҳрамон Фуломов ва Камолиддин Расуловларнинг саяё-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Профилактика инспектори, маҳалла посбонлари ва фаоллардан иборат тунги гуруҳлар ташкил этилиб, худуд назорат остига олингани яхши самара берапти. Ҳамкорликда уюштирилаётган тадбирлар туфайли ўтган йили 70 дан ортиқ нотинч оиладаги муҳит ижобий томонга ўзгарди. Жазони ижро этиш муассасасидан келган икки нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла фаоллари ва ички ишлар ходимлари биргаликда олиб бораётган ишлар ижобий кўрсаткичлар омили бўлмоқда.

Азизхон БУЗРУКОВ.
Суратда: профилактика инспектори, катта лейтенант Иқболжон Рўзиматов маҳалла фаоллари билан.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ўтган йил ва 2006 йилнинг биринчи чораги натижалари бўйича маҳалла фуқаролар йиғинимиз ва худудий профилактика инспектори, лейтенант Шердил Курбонов туман, вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Бу бежиз эмас, албатта. Маҳалламизда шу давр мобайнида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Эришилаётган бундай муваффақиятларга машаққатли меҳнат, ўзаро ҳамфикрлик, вазиятга тўғри баҳо бериш ва адолатли ечим топиш, мурожаатларни ўз вақтида ўрганиб чиқиб, тўғри қарор қабул қилиш каби омиллар сабаб бўлаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Бугунги кунда гўшамизда 3000 нафарга яқин аҳоли яшайди. Битта умумтаълим мактаби, 50 дан зиёд фермер хўжаликлари, учта хусусий корхона, маданият уйи ҳамда бошқа бир қанча кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Худудда криминоген вазиятни барқарор сақлашда маҳалла идораси милиция таянч пункти билан бир бинода жойлашгани, ҳафталик ва ойлик иш режалари ҳамкорликда тузилаётгани катта аҳамият касб этапти. Бундан ташқари маҳалладаги ҳар қандай ўзгаришларга ўз вақтида эътибор бериш, нотинч оилалар билан тушунтириш ишларини тўғри олиб бориш, муқаддам судланганларнинг турмуш тарзини ўрганиб чиқиш, четга чиқиб кетганлар ва келиб қолганлар фаолиятини тўғри таҳлил қилиш, ёшлар тарбиясига атрофлича ёндашиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кабилар ўз самарасини бераётир.

Фаолларимиз ички ишлар ходимлари билан доим ҳамфикр ва ҳамнафасдирлар. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Жасур Қиличев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Бибигул Аҳмедова, маҳалла котиби Акбар Хайруллаев, фаоллар, яраштириш комиссияси аъзолари ва кенг жамоатчилик бирор дақиқа ҳам ўз ёрдамлари, маслаҳатларини аяшмаяпти. Шунингдек, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ўқтамжон Хайдаров ва туман ҳокимининг ўринбосари Карима Қудратоваларнинг яқин ёрдамлари ҳис этиб келмоқдамиз. Ҳамкорлик қаерда яхши йўлга қўйилиб, маслаҳатлашиб иш юритилса жамоа яхши натижаларга эришишига яна бир бор амин бўлдик.

БАҲАМЖИҲАТ БЎЛСАК

Пастдарғом туманида саксондан зиёд маҳалла мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Профилактика инспекторлари ишни яхши ташкил этишлари учун бу хусусиятларни яхши билишлари лозим. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, худудда осойишталикни таъминлашда уларга маҳалла фаоллари ва посбонлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври ичида маҳаллалардан ўнлаб ариза ва шикоятлар кўриб чиқилди. Оилаларда, кўни-кўшнilar ўртасида келиб чиққан аксар низо ва келишмовчиликлар жойида ҳал этилди.

– Биз биринчи галда фуқароларни бирлаштиришга, жипслаштиришга ҳаракат қиламиз, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, капитан А. Аҳоров. – Шу мақсадда тез-тез аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган учрашув, суҳбатлар ўтказамиз.

Ходимларимиз ва жамоатчи ёрдамчиларимиз бундай тадбирлар чоғида

аҳолини қизиқтирган долзарб масалаларни муҳокама қилишди, ўзаро ҳамкорликни янада яхшилаш йўлларини белгилаб олишди. Ана шундай ҳамкорлик самараси ўлароқ яқинда рангли металлларни ўғирлаш билан шуғулланган жиноий гуруҳ қўлга олинди. Улар 19-26 ёш оралиғидаги тўрт йигит бўлиб чиқди. Р. Парда уйида ов милтигини ноқонуний равишда сақлаб келаётгани аниқланди. Бир неча кўшнисининг молларини ўғирлаган кимса тутилди.

Ходимларимиз ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан ишлашга алоҳида эътибор беришди. Ичкиликка ружу қўйганлар, оилавий жанжаллар ҳам шулар жумласидандир. Ҳар бир маҳаллада тунги постлар ташкил этилган. Маҳаллада оқсоқолларнинг қанчалик катта роль ўйнашини-ку гапириб ўтирмай. Уларнинг иштирокисиз қанчалаб муаммоларни ҳал қилишнинг иложи бўлмасди. Ҳаёт давом этар экан, ҳар қадамда бирор муаммо чиқиши табиий, албатта.

Масалан, маҳаллалардан биридаги Самарқанд кўчасида нотинч оила яшарди. Ота-она ичкиликка берилиб, бола-

лари назоратсиз қолгач, кўчабезорига айланган. Уларнинг дастидан кўни-кўшнida ҳам ором йўқ. Нима қилиш керак? Маҳалла фаолларини йиғдик. Кенгашга ҳалиги масъулиясиз ота-онани чақирдик, роса изза қилдик. Болаларни назорат қилиш учун бообру кишиларни бириктирдик, уларни оталиққа олвучилар ҳам топилди. Бу чораларимиз тезда ўз самарасини берди. Ҳозир мазкур оила аъзолари аҳил-иноқ яшашмоқда. Катталар ишлашяпти, болалар мактабга катнашяпти.

Аммо баъзан бундай чоралар ёрдам бермаган ҳолатлар ҳам бўлади. Бир оила бошлиғи ичкиликка муккасидан кетган эди, кунда-кунора жанжал кўтарарди. Аммо уйдагилар буни бошқалардан яширишга ҳаракат қилишарди. Ҳойнаҳой, маҳалла-кўйдан уялишарди, чоғи. Биз бир неча марта у билан суҳбатлашдик. Оила аъзоларига ҳам бунинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ётиғи билан тушунтирдик. Уни доволашга юбормоқчи бўлдик. Афсуски, таклифимизга кўнишмади. Оила бошлиғи ўзини босиб олишга ваъда берди. Орадан кўп ўтмай фожиа юз берди. Ариқ ёқасидан уни ўлиб ётган ҳолда топилди. Ўтказилган тезкор-қидирув ишлари қотилликни ўғли амалга оширганлигини аниқлади.

Суҳбатдош: Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.

Ғ. АСАДОВ,
Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Юқори-Искоғаре» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, истефодаги майор.

МАРДЛИК — МАНГУЛИК

ЎҒЛИМДАН ФАХРЛАНАМАН

2005 йил 12 май куни ўғлим — подполковник Музаффаржон Рустамовнинг уйда маҳаллага ош бериб, худойи қилдик. Музаффаржон ишдан соат 18.00 лар чамасида келиб, маросимда иштирок этди. Тахминан соат 19.30 ларда: «Ишга боришим керак», — деди. Шерикларинг билан ерсан деб у-бу нарсалардан тугиб бердим. Кейин دادаси (истеъфодаги подполковник Турсунбой Рустамов) билан уйимизга ташлаб қўйди. Кетар чоғи, «Яхши дам олинг, онажоним» — деб юзларимдан ўйиб, хайрлашди.

Эртасига, яъни 13 май куни соат 11.00 ларда ўғлимнинг жасдини олиб келишди. Уйимиз вилоят ҳокимияти ҳудудида бўлганлиги сабабли кечаси билан ўқ овозларини эшитиб, ухлаёлмадик. Телефонлар ишламайди, нима бўлаётганлигини билолмаймиз. Эрталаб ўқ овозлари бироз узоқлашгач, кўчага чиқиб «Акромийлар» оқимига мансуб каллакесар, террорчилар тинч аҳолига нисбатан қуролли

ҳужум уюштиргани ва ҳокимиятни эгаллаб олиш мақсадида беғуноҳ одамларнинг қонини тўққанлигини билдик.

Ўғлимиз Музаффаржон биринчи бўлиб вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБга ҳужум қилган «Акромийлар»га рўбарў бўлиб ҳалок бўлганини айтишди. Унинг ҳаётдан умиди катта эди. «Қизларим Гулҳаё ва Махлиёларни турмушга узатиб, мен ҳам сизлардек, қатор-қатор набиралар кўрсам»,

дея орзу қиларди. Афсус, орзулари амалга ошмади, набираларим отасиз қолишди.

Худога минг қатла шукурки, халқимиз, она-Ватан ўзининг фидойи фарзандларини унутмайди. Андижон воқеаларига бир йил бўлаяпти. Шаҳар, вилоят ҳокимликлари, ички ишлар бош-қармаси, вазирлик вакиллари доимо ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Байрам ва бошқа кунларда бизни ёлғизлатиб қўйишмаяпти. Қўпуровчиларга қарши кураш чоғида ўғлим каби ҳалок бўлган ўғлонларнинг хотираларини абадийлаштириш, ёдгорликлар қўйиш каби савобли ишлар амалга оширилаяпти. Она-Ватанга бўлган фидойиликни юқори баҳолаган Юртбошимиз Музаффаржонни ҳам «Жасорат» медали билан тақдирладилар. Бизга эса турли имтиёзлар яратиб беришаяпти.

Мусибат қанчалик оғир бўлмасин, халққа, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш йигит киши учун шарафли бурч эканлигини ёшларимиз теран англаб етишларини истардим.

Музаффардек мард, жасур ўғилга она бўлганимдан бир умр фахрланиб ўтаман.

**Марҳум подполковник
Музаффаржон Рустамовнинг
онаизори Қундузхон Рустамова.**

ТЕЗКОР РЕЖАЛАР АСОСИДА

Юртимизда тинчлик-осойишталик, юрт ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашда ўз-ўзини бошқариш идоралари — маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам ҳукуратимиз томонидан маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш, илғор иш услубларини тарғиб қилиш, юзага келтирилган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоятимизда ҳам аҳолининг Ижтимоий муҳофазасини ташкил этиш, қишлоқ жойларида қўшимча иш ўринларини яратиш ва бошқа бир қанча ижобий ишлар яхши йўлга қўйилган. Айниқса, ҳудудларда тинчлик, осойишталикни таъминлашда ўз-ўзини бошқариш органлари ва ички ишлар идоралари ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Жойларда «Ўз уйингни ўзинг асра», «Маҳалланг тинч — сен тинч» каби шиорлар остида кўплаб тadbирлар ўтказилаётгани бунинг исботидир.

Андижон вилояти ички ишлар бошқармасида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда ҳам бу борада амалга оширилаётган ибратли ишлар, илғор услуб ва муаммолар хусусида баҳс юритилди. Йиғилишда вилоятдаги маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга атрофлича баҳо берилди.

— Кези келганда шуни эътироф этиш керакки, — деди республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А. Гадойбоев ўз сўзида, — вилоятнинг ҳар бир маҳалласида профилактика инспекторлари, посбонлар билан ҳамкорликда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, тинчлик-хотиржамликни сақлашда ички ишлар идоралари ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан аҳоли ҳамжиҳатлиги йўлга қўйилган. Бажарилаётган хайрли ишлар билан бир қаторда камчиликлар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни бартараф этиш, тегишли чоралар кўриш юзасидан тезкор режалар ишлаб чиқилмоқда.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

ХОТИРА АЗИЗ, ЁД ЭТИШ ФАХР

Журналист Ражаббой Раупов юртимизга ажал, ёвузлик бошлаб кирган қабих ниятли, хиёнаткор кимсаларнинг ўқиға учиб, эл-юрт, Ватани учун жон фидо қилган ички ишлар ходимлари ҳақида «Ватанга бахшида умр» номли янги асарини ёзиб тугатди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу суратлар ўша китобга киритилган. Унинг қаҳрамонлари Фахриддин Тиркашев, Отабек Қуватов ва Мансур Турғуновни воёга етказган ота-оналари нигоҳларида фарзандларидан ёдгор бўлиб қолган сўнгги суратларни кўксиларига босиб, жоҳил кимсаларга қарата: «Сизларнинг ҳам онангиз бордир, сизларни ҳам она туққандир, минг лаънат сиздек ватан хоинларига!» — деган нидо ёғилиб турибди.

...Инсон умри айрилиғу аламлардан бегона эмас. Шунинг учун ҳам умримиз жо бўлган қисқагина фурсатни мужассам этиб, бир сўз билан ҳаёт деймиз. Ҳаёт билан эса кимдир эрта, кимдир кечроқ хайрлашиб, хотирага

кўчади. Бунинг турфа сабаблари бордир, аммо ҳеч ким ўзига ўзи ўлим тиламайди. Ўшанда мотамсаро онанинг:

— Армонларга кўмиб кетган болам-а, онанг ўлиб, сен қолсанг бўлмасмиди?! — деб юрак-бағри-

ни тилка-пора қилиб бўзлаётган ноласига дош бериш оғир эди. Назаримда онанинг ноласи нафақат йиғилганлар, балки Яратганга ҳам етгулик қайғу, мотам эди...

2004 йил 1 апрель куни пойтахтимизда содир

этилган террорчилик ҳаракатлари чоғида мардлик, жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари орасида Жўшнинг асл фарзанди — Шайхонтоҳур тумани ИИБ патруль-пост хизмати ходими, катта сержант Фахриддин Тиркашев, пайариклик сержант Отабек Қуватов ва каттақўрғонлик катта лейтенант Мансур Турғуновлар ҳам бор эди.

Ватанимиз тинчлиги йўлида жон фидо қилган бу уч қаҳрамон оиласининг қайғусига шерик бўлиш, ҳамдардлик билдириш ва ижодкор сифатида уларнинг ҳаётини ўрганиш чоғида амин бўлдимки, ёвузлик барчанинг қалбида нафрат уйғотди. Хоин ижрочилар халқимизнинг қарғишига учради. Бугун ўша машғум кун ҳақида яна эслар эканман, Президенти-

мизнинг «Шундай ваҳшийликларнинг олдини олиш учун жон фидо этган мард йигитларни хотирлар эканмиз, хаёлимизга беихтиёр, бу беғуноҳ инсонларнинг айби нима эди, ахир уларнинг ҳам бола-чақаси, ёру дўстлари, бу ҳаётдан умидлари бор эди, улар ҳам бахтли бўлишга ҳақли эди-ку?» деган армонли мулоҳазалари ёдимга тушади. Сохта диний-экстремистик оқимларнинг қулига айланган, фарз ниятларини яширинча амалга оширишга уринган гуруҳлар ниятига етолмади. Аммо тинчлигимизни бузишди, беғуноҳ фуқароларимиз ҳаётига зомин бўлишди. Ўз халқи, Ватанига хиёнат қилган ёвуз тўда лаънатга учради, қилмишлари қисқа фурсатда фош этилди.

Инсон инсоннинг заволига айланган ўша қора

кун ҳақида ҳали кўп эсланар, аммо худди сиз-у биз каби яшашга, фарзандлар ўстиришга, уларнинг камолини кўришга ҳақли бўлган йигитлар энди орамизда йўқ. Кун кеча улар биз билан бирга, ҳаёт аталмиш сурурли дамлардан масрур эди. Қалблари орзуларга тўла, касбларидан, умрларидан мамнун, ширин-шакар фарзандлари, оилалар, дўсту биродарларига меҳрибон, узоқларни кўзлаб иштиёқ билан яшашаётганди. Улар тақдирига Ватан учун жон беришдек фахр — қаҳрамонлик ёзилган экан, демак, айрилиққа-да чидаймиз. Ана шундай таскинбахш, ёрқин хотиралар бизга суянч бўлади, қалбимиздан армонларни қувади. Уларнинг аллақачон фахрга айланган азиз хотирасига суяниб яшашда давом этамиз.

Ражаббой РАУПОВ,
журналист.



ОБИДАЛАР

Тарихдан маълумки, Шарқ, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Мовароуннаҳр дунё цивилизациясида алоҳида ўрин тутган. Жаҳон илм-фани, маданиятининг ривожланишида беқиёс ҳисса қўшган кўплаб улғу алломалар айнан шу ерда яшаб ижод этишган. Уларнинг бой илмий мероси ҳозиргача ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Шу билан бирга аجدодларимиз томонидан қурилган меъморий обидалар ҳам инсон ақл-идрокининг беназир дурдоналари сифатида оламга машхур.

Меъморчилик шундай бир санъатки, унда ижодкор халқнинг тарихи, тафаккури, орзу-умидлари, ўзига хос хусусиятлари, дунёқарashi, қўйингки, барча хислатлари намоён бўлади. Жумладан, кўҳна шаҳарларимизда чиройини кўз-кўз қилиб турган маҳобатли меъморий обидалардаги оддий гиштдан тортиб нақшинкор кошнлару ўймакорлик санъатининг нодир дурдоналаригача ўтмишдаги халқимиз ҳаёти, маданиятидан дарак беради.

Мовароуннаҳрда қадимий шаҳарлар кўп. Албатта, бирор гўшани шаҳар деб айтиш учун унга асос бўлиши, яъни ўша давр ҳаёт заруратига кўра турар жойлар, хунармандчилик устахоналари, карвонсаройлар, масжиду мадрасалар, зодагонлар яшайдиган салобатли саройлар бўлиши керак. Марказий Осиёнинг бир қатор шаҳарлари Буюк ипак йўлининг карвонсаройи, олди-сотди, мол алмашув манзиллари бўлган. Савдо-сотик ривожланган жойда шаҳарсозлик, меъморчилик ҳам тараққий этган, албатта.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Кўқон, Қарши ва бошқа қадимий шаҳарларнинг ёшани 20–25 асрдан кўп дея эътироф этилишининг ўзи Мовароуннаҳрда меъморчилик тарихи нақадар узокларга бориб тақалишини кўрсатади.

Бетакрор, шарқона услубда қурилган, миллий меъморчилигимиз гўзаллигини намоён этган обидалар сони XIX аср ўрталарида, яна аниқроқ айтилса, чор Россиясининг Марказий Осиёга бостириб келгунига қадар 50 мингдан ортиқ бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Босқинчилик уруши даврида кўплаб обидалар вайрон қилинган. Айниқса, тилла суви юритилган кошнлар очикдан-очик таланган. Иморатлар бузилган.

Шўролар ҳокимияти ўрнатилиб, коммунистик мафкура ҳукмронлиги бошлангач, асрлар бўйи савлат тўкиб турган кўплаб масжид, мадрасалар дин

ўчоғи сифатида бузиб ташланди, қолганлари турли мақсадларда фойдаланилди, харобага айлантирилди. Масалан, Шаҳрисабз шаҳридаги Кўк гумбаз масжиди биносига дизел мотори ўрнатилиб, атрофдаги хонадонларга электр токи тарқатилган. Кейинчалик минерал ўғитлар омбори сифатида фойдаланилган. Ислоом оламида буюк муҳаддис дея эътироф этилган Имом ал-Бухорий дафн этилган жой аҳолидан яшириб келинган. Унинг мақбараси жамоа хўжалигининг омборига айлантирилган, ҳатто гўридаги сағана текислаб ташланган. Андижон шаҳридаги йирик жоме масжидларидан бирига тикувчилик фабрикаси жойлаштирилган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Янги иморатлар қуриш, завод, фабрика, корхоналарни кенгайтириш баҳонасида ҳам кўплаб ноёб обидалар бузиб ташланган.

Шунингдек, бир қатор меъморий ёдгорликлар айрим шахслар томонидан хусусийлаштириб олинган. Ана шундай бинолардан юздан ортиғи давлат тасаруфига қайтариб олинди, тарихий ёдгорлик сифатида рўйхатга олинди.

Истиқлол куёши порлаган дастлабки йиллардаги ҳисоб-китобларда республикамиз худудига атиги 6 мингдан кўпроқ обидалар сақланиб қолгани қайд этилди. Асрлар бўйи сақланиб келган биноларнинг деярли 90 фоизи йўқ бўлиб кетган, қолганларининг аксарияти эса таъмирталаб ҳолга келиб қолганди.

Республика Ҳукумати, шахсан Президентимиз Ислоом Каримов тарихий обидаларни сақлаш, таъмирлаш, қайта тиклашга жиддий эътибор қаратдилар. Ўз тарихини билмаганларнинг келажаги йўқ, деган пурмаъно ибора бор. Юртбошимизнинг ташаббуси, сый-ҳаракати боис, кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Қадимий бинолар тикланипти, таъмирланипти, уларга қайта ҳаёт бахш этиляпти. Айниқса, Имом ал-Бухорий меъморий


мажмуаси нафақат юртимиз аҳли, шунингдек, хорижлик сайёҳларнинг ҳам сеvimли қадамжосига айланди.

Самарқанд шаҳридаги машхур Регистон, Шоҳи Зинда ансамбллари, Гўри Амир мақбарасидаги тиклаш, таъмирлаш ишлари ҳақида алоҳида тўхталсак арзийди. 1996 йилда буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан кўҳна шаҳардаги кўплаб обидаларга қайта ҳаёт бахш этилди. Айниқса, Гўри Амир мақбараси, унга ёндош бўлган ва атрофидаги бинолар тикланди, сайёҳлар, зиёратчилар учун қулайликлар яратилди.

Шунингдек, Бухорои шарифда, кўҳна Хива, Кўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги аждодларимиз томонидан бунёд этилган, йиллар ўтиб, эътиборсизлик ҳамда бошқа сабаблар туфайли нураб, кошнлари кўчиб, ташландиқ ҳолга келиб қолган бинолар маҳаллий усталар томонидан асл ҳолига келтирилди. Бу ишлар ҳозирда ҳам жадал давом эттириляпти.

Мамлакатимизда кейинги йилларда тарихий обидалар, меъморий ёдгорликларни сақлаш, археологик қазишмаларни олиб бориш бўйича йигирмадан ортиқ қарорлар қабул қилинди. Уларда аждодларимиз томонидан яратилган, ўтмишдан қолиб келаётган ҳар бир бино — у каттами, кичикми — давлат муҳофазасига олинди, зарур ҳолда таъмирланиб, давлат мулки сифатида рўйхатга олинди, уларни сақлаш учун ҳар бир фуқаро масъул эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мавжуд қоидаларга риоя этмаган, қонунбузарликка йўл қўйганларга тегишли тартибда чора кўрилиши таъкидланган.


Тарихий обидалар ва ёдгорликларни таъмирлаш учун ҳар йили давлат бюджетидан етарли миқдорда маблағ ажратилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Фақат таъмирлаш ишлари билан чекланиб қолинаётгани йўқ. Обидаларнинг атрофлари ободонлаштириляпти, боғлар яратилмоқда, йўллар асфальтланиб, алоқа тармоқларига боғланипти.



Шоҳи Зинда ансамбли: таъмирлашдан —

аввал


кейин



Гўри Амир мақбараси: таъмирлашдан —

аввал

кейин



МОЗИЙДАН СЎЗЛАР

Ислом оламида машҳур бўлган алломаларимиздан Баҳовуддин Нақшбандий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Имом ал-Мотурудий, Марғинонийларнинг юбилейлари муносабати билан улар яшаган, ижод қилган жойларда шарқ меъморчилиги асосида бинолар қурилди, масжидлар бунёд этилиб, табаррук қадамжоларга айлантирилди.

Шу ўринда бир қатор муассаса, корхона, хўжаликларнинг ўз имкониятидан келиб чиқиб, тарихий ёдгорликларни асраш ва тиклаш ишларига бегараз ёрдам бераётганларини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси, шунингдек, саховатпеша юртдошларимиз таъмирлаш ишларида ҳашар уюштираётганлари, қурилиш ашёларини ёрдам тариқасида бераётганларини фахр билан тилга олса арзийди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги меъморий обидалар ва археологик қазилма ишлари олиб борилаётган ҳудудларни давлат кадастрига киритиш бўйича ҳам чоралар кўрилмоқда. Чунки давлат кадастрига киритилган ҳар қандай объект бузилмайди ва авлодларга бус-бутунча мерос бўлиб қолаверади.

Маълумки, баъзи улуг аллома боболаримиз айрим сабаблар туфайли юртимиздан узоқда яшаганлар, ижод қилиб, илмий изланишлар олиб борганлар. Бундан ташқари Чор истилоси даврида кўплаб ноёб китоблар, илмий асарлар чет элларга олиб кетилган. Уларнинг асарларини ўрганиш, китобларни юртимизга олиб келиш, мақбараларни тиклаш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинди. Масалан, республикаимизнинг бир гуруҳ мутахассислари Миср Араб Республикасида бўлиб қайтишди. Ўз даврида аллома бобомиз Ал-Фарғоний Нил дарёси бўйига сув ўлчагич ўрнатиб берган. Бу асбоб дарё сувининг кўпайиши ва камайишини аниқлаб турган. Маҳаллий ҳокимият, ер эгалари ана

шу асбоб маълумотларига кўра ерга экин экиш, олинадиган ҳосил ва пировардида солиқ тўловларини белгилаган. Маълум бўлишича, Миср халқи бу ўлчов асбобидан 1980 йилгача фойдаланган. Эндиликда замонавий аппаратлар ўрнатилиб, Ал-Фарғоний яратган асбоб ноёб ёдгорлик сифатида сақланмоқда экан. Ундан ташқари, қўшни республикалар ва давлатлардаги ота-боболаримиз томонидан бунёд этилган меъморий обидаларни таъмирлашда ҳам амалий ёрдам кўрсатиляпти.

Ҳозирги кунда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш учун катта тайёргарлик ишлари кетяпти. Археологларимиз шу шаҳарга яқин жойдаги Ерқўрғон деган ҳудудда қазилма ишларини олиб боришмоқда. Қадимшунослар шаҳарнинг пайдо бўлишига оид сопол идишлар, тамгалар ва бошқа далилларни топдилар. XVI асрда Қарши дарёси устига қурилган гишткўприк энг ноёб қурилмалардан бири ҳисобланади. Айни кунларда ҳам ундан фойдаланиляпти. Ана шу кўприкдан ташқари XVI–XVIII асрларда бунёд этилган бошқа меъморий обидалар ҳам таъмирланыпти. Фарғона водийсидаги гўзал шаҳарлардан бири бўлган Марғилоннинг 2000 йиллигини нишонлаш учун ҳам тайёргарлик кўриляпти. Албатта, биринчи гада шаҳардаги қадимий биноларга эътибор берилмоқда.

Маълумки, хорижликлар юртимиздаги тарихий ёдгорликларга азалдан катта қизиқиш билан қарашган. Мустақиллик йилларида чет эллик мутахассисларнинг, айниқса, археологларнинг юртимизда изланишлар, қазилма ишларини олиб боришлари учун имкониятлар яратилди. Шўролар даврида, шунингдек, сайёҳларнинг келиб-кетиши ҳам жуда чегараланган эди. Истиқлол шарофати билан республикаимизнинг тарихий шаҳарларига зиёратга келаётган чет эллик сайёҳлар сони бир неча баробар ошгани-

ни фахр билан айтиш мумкин.


Шу ўринда меъморий обидаларимизда акс этган, ўйма маёлиқа усулини айтиб ўтиш ўринли. Бу дунё меъморчилигида ягона ҳисобланади. Фақат Покистон ва Ҳиндистонда онда сонда учрайдиган бу усулни ота-боболаримиз бориб ишлаб берган бўлишлари мумкин. Бу нозик санъат усули асосан Самарқанддаги Шоҳи Зинда ансамблида, Шаҳрисабздаги Оқсаройни безашда кенг қўлланилган. Шунинг учун ҳам бу ердаги бинолар бошқаларидан гўзаллиги, нафислиги билан ажралиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикаимиздаги Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Йирик кўҳна шаҳарларимиз, улуг алломаларимиз юбилей тўйлари ЮНЕСКО қарори бўйича халқаро миқёсда ўтказиляпти.


Тарихий обида ва ёдгорликларни сақлашга умумжаҳон миқёсида катта эътибор берилаётганини ҳам таъкидлаш лозим. 18 апрелни Халқаро ёдгорликлар ва тарихий жойларни асраш куни деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Чунки, ҳар бир халқ томонидан яратилган маданий ёдгорликлар кейинги авлод учун мерос бўлиб қолиши лозим.

Пировардида, шуни айтиб ўтиш лозимки, халқимизнинг маданий мероси ҳисобланган тарихий обидаларни тиклаш, таъмирлаш, келгуси авлодлар учун бус-бутун қолдириш давлат миқёсидаги муҳим масалага айлангани, шахсан Президентимиз томонидан катта эътибор берилаётгани боис, режалаштирилган ишларни ўз вақтида амалга оширишга эришиляпти. Асрлар давомида халқимиз фахри бўлиб, дунё меъморчилигининг дурдонаси саналган маҳобатли обидалар яна ўзининг бетакрор жамолини кўз-кўз қиляпти.


Равшан МАНСУРОВ,
республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданий мерос объектларини сақлаш, илмий ўрганиш ва ишлаб чиқариш Бош бошқармаси бошлиғи.



аввал
Бибихоним масжиди:
таъмирлашдан –
кейин



аввал
Шердор мадрасаси:
таъмирлашдан –
кейин



«Бизнинг келажгимиз, энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мен ўз тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажгани ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустақкам прудаси ва дунёқарашида кўраман».

Ислом КАРИМОВ.

Кушларнинг полापони учирма қилишдаги ҳаракатларини кузатганмисиз? Она куш унинг атрофида парвона бўлиб, қанот қоқишини кузатиб, йиқилса суяб, атрофдан хавф йўқми деб аланглаб, тезроқ парвоз қилиши, мустақил равишда учиб, дон-дун топиб ейишини истайди. Бир кушки боласига шунчалар куйиб-пишар экан, инсон ўз фарзандининг камолни деб жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлади, албатта. Чунки фарзанд инсон ҳаётининг давомчиси, унинг келажигидир. Ҳар бир одам фарзандининг камолга етиши, ўсиб, улғайиши учун қайғуради, имкониятлар яратиб беради.

Ёшлар масаласи бугунги кунда бутун мамлакат миқёсидаги долзарб ишга, давлат сиёсатининг узвий қисмига айланган. Ватан, миллат равнақи, келажаги, эртанги кунимиз уларга боғлиқ. Ўзбекистоннинг иқтисодиёти мустақкамланиб, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши йўлида олиб борилаётган ишларни давом эттирадиган, муваффақиятли яқунлайдиган ҳам ана шу ёшлардир.

Замини, пойдевори мустақкам бинодан кўп йиллар бемалол фойдаланиш мумкин. Шундай экан, эртанги кунимизни ишониб топшираётган ёшларимиз баркамол бўлишлари лозим. Биринчи галда улар ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсишлари керак. Саломатлик баркамоллик асосидир. Республикада ёш авлоднинг саломат-бардам бўлишлари, турли хасталикларга чалинмаслиги, касалликлар хавфининг олдини олиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Болалар саломатлигини сақлаш борасида тиббиёт тизимида улкан ишлар қилинди. Касалхона, сиҳатхоналарга хорижий давлатлардан замонавий тиббий асбоб-ускуна, муолажа аппаратлари келтирилди. Соғлом ўсишнинг иккинчи омили — спорт билан шуғулланиш. Жисмонан соғлом, чиниққан боланинг фикри теран, руҳи тетик ўзи эпчил, чаққон бўлади. Республика Ҳукумати томонидан айнан болалар спортини ривожлантириш ҳақида махсус қарор қабул қилинган. Жойларда кишки, ёзги спорт мажмуалари қурилиб улар ихтиёрига топширилди. Вилоятлар, республика миқёсида болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт мусобақалари, олимпия ўйинлари ўтказилапти.

Баркамолликнинг яна бир омили—пухта билим олиш, касб эгаллаш, етук мутахассис бўлиш. Мамлакатимизда амал қилаётган таълим тўғрисидаги дастурда фарзандларимизга болалар боғчасидан бошлаб пухта таълим-тарбия бериш кўрсатилган. Уқувчилар

Хорижда ўқиб, мутахассисликни эгаллаб келган ёшларни таъқиб остига олишган.

Миллат ўзлигини йўқотмай деса, келажаги мустақкам пойдевор яратишини истаса, аввало, ёшлар тарбиясига эътибор бериши керак. Келажак вориси ҳисобланган йигит-қизлар ота-боболари йўлини оғишмай давом эттириши, миллатнинг мавқеини мустақкамлаб бориши уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлишларига боғлиқ. Инсоннинг маънавияти юксалмас экан, унда Ватанига, халқига муҳаббат ҳислари уйғонмайди. Маънавияти паст

бўлган йигит-қизларимиз шохсупага кўтарилганларида, Ўзбекистон мадҳияси янграганида қалбимиз гурурга тўлади.

Илм-фан, маданият, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ҳам кўплаб иқтидорли ёшлар ўзларининг билими, маҳоратини ишга солиб, ибрат кўрсатишяпти. Уларнинг ижоди, фаолияти, хизматини кузатиб, юртимиз, миллатимиз келажагининг буюк бўлишига ишонч ортади.

Республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпрогини ўн саккиз ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ҳозирги кунда атрофдан бўлаётган

мизга қурол ўқталиб, кўплаб бегуноҳ кишиларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлди. Алданиб, ғаламисларнинг пуч гапларига учганлигини кеч англаб етган ёшларнинг Ватан, халқ олдида юзлари шувут бўлди.

Боғбоннинг ўзи тажрибали, миришкор бўлмаса, боғда экилган ниҳол ўсиб, мевага кирганда ундан кўзланган ҳосилни олиш мушкул. Ёш авлодга муносиб равишда таълим-тарбия бериш, баркамол этиб вояга етказиш учун аввало, ота-оналарнинг маънавияти юксак бўлиши керак. Бола биринчи тарбияни уйда олади. Ота-оналарининг изидан боришга ҳаракат қилади. Биз фарзандларимизга тўғри йўлдан юришни талаб этишдан олдин ўзимиз уларга намуна бўлишимиз керак.

Жаҳон цивилизацияси, илм-фани, маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган аллома боболаримиз билан гурурланамиз.

Уларнинг айтган сўзи, босган изи бизга ибрат. Фарзандларимизга келажак ҳақида гапиришдан аввал тарихни ўргатишимиз керак. Токи ўғил-қизларимиз кимларнинг авлоди эканлигини яхши билиб олишсин, фахрланишсин. Буюк бобокалонларимиз миллатимиз номини юксакларга кўтариб, дунёга танитиб, бошқаларга ибрат қилганлар. Уларнинг улугъ анъаналарини давом эттириш ҳар бир йигит-қиз ўзининг бурчи эканини, бу йўлда ўқиш, изланиш ва тинмай ҳаракат қилиш лозимлигини англаб етиши керак.

Мустақиллик қуёши ёшларимизга дунё сари кенг йўл очиб берди. Ҳозирги кунда кўплаб йигит-қизларимиз қатор хорижий давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар, илмий марказларда янги тадқиқотлар устида изланмоқдалар.

Ёшлар — миллатимиз келажаги. Йигит-қизларимизнинг етук билим, тажриба, мустақкам иймон-эътиқодга эга бўлишларига, бугунги бошлаган улугъ ишларимизни давом эттиришларига эришишимиз керак. Бунинг учун ҳар биримиз ҳаракат қилишимиз, бор имкониятларни ишга солишимиз лозим. Чунки Президентимиз таъкидлаганларидек, **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»**

ЁШЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

мактаб дастурида белгиланган машғулотлардан ташқари касб-ҳунар эгаллаш, келгусида олий ўқув юртида таълим олиш учун имконият яратилиб, лицей, коллежларда ўқишни давом эттиришади.

Ўзбек халқининг болажонлиги бутун дунёга маълум. Шу билан бирга ёшларнинг келажагини ўйлаб қайғураемиз. Бу хислат бизда кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас.

кишида ўзига ишонч, гурур, интилиш, бошқаларга меҳр-оқибат, муруват кўрсатиш хислатлари ҳам бўлмайди. Шу боис, ҳам биринчи галда ёшларни маънан камол топтириш муҳим вазифадир. Жойларда маънавият-маърифат марказларида ёшлар бўлимлари ташкил этилган. Улар қалбида Ватанга муҳаббат уйғотиш, халққа ҳалол хизмат қилиш, миллат равнақи йўлида курашиш каби

турли мафқуравий таҳдидлар, айниқса, террорчилик, диний-экстремистик ҳужумлардан ёшларни асраш, уларнинг онгини заҳарланишдан сақлаш осон эмас, албатта. Чунки ёшлар бамисоли ниҳолга ўхшайди. Агар ҳар қандай ниҳол тўғри парваришланмаса, ўз вақтида тўғри шакл берилмаса, ё эгри бўлиб ўсади ёки ёввойи ўтлар орасида қолиб, нобуд бўлади. Худди шунингдек, ёшлар озгина



Қадимдан миллатнинг давомчилари бўлган ёшларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлишлари имкон яратиб берилган. XX аср бошларида жадидчилар миллат ёшларининг жаҳон илму фанини ўзлаштиришлари, етук мутахассислар бўлишлари йўлида қайғуриб, уларни Европадаги нуфузли олий ўқув юртларига юборганлар. Бироқ ўзбек халқидан илм-фан, маданият, сиёсат арбоблари етишиб чиқишини хоҳламаган, миллатимизни ягона фирқа мафқураси тутқунлигида сақлашни истаган босқинчилар, шўролар раҳбарлари жадидларни миллатчиликда айблаб, қатағон қилган.

хислатларни мустақкамлайдиган тадбирлар уюштириляпти. Бунда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг имкониятидан кенг фойдаланиляпти.

Ёшларимизнинг ўзлари билдирилаётган ишонч-ни оқлашаётганини муносиб ворислар бўлиб, ота-боболар ишини давом эттираётганини кўриб, диллар равшан тортади. Шахмат устаси Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони бўлиб, Ватанимиз донғини дунёга таратди. У миллатимиз фахрига айланди. Спортнинг бошқа турлари бўйича жаҳон, қитъа биринчиликларида голиб

эътибордан четда қолдирилса, ғаламислар, экстремистлар уларни чалғитиб, ўзларига оғдириб олиши мумкин. Тошкент, Бухоро шаҳарларида, айниқса, Андижонда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатлари бунга яққол исботлади. Ёшлар онгини заҳарлаб, ўзларини миллатпарвар қилиб кўрсатганлар халқи-

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кўп сонли муштарийларимизнинг талаб ва илтимосларини инобатга олган ҳолда «Маърифат дарси» рукни остида бериладиган материалларимиз бугунги сондан эътиборан жойларда Маърифат дарслари ўтиладиган кундан бир ҳафта олдин чоп этилади.



Қадимда дунёни ларзага солган Рим салтанати қудратининг тимсоли бўлган айрим меъморий ёдгорликлар бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Ана шундай кўхна тарихий обидалардан бири машҳур Колизей аренаси ҳисобланади. Колизей латинча «colossens» сўзидан олинган бўлиб, «ҳайбатли» деган маънони англатади. Милoddан аввалги 70-80-йилларда қурилган бу иншоот Қадимги Римнинг энг муаззам амфитеатри бўлиб, 50 минг томошабинга мўлжалланган эди.

Колизей узоқ йиллар мобайнида Рим империясининг қудрат ва бойлигини, ҳаёт тарзини кўз-кўз қилиб, асрлар силсиласига бардош бериб бизгача етиб келган. Қадим замонларда бири-бирини ўлдириш учун шафқатсизларча жанг қилган инсонларнинг ваҳшийликларини, уларнинг ўлим билан олишувини томоша қилиш, бундан завқ-шавқ олиш

лоддан аввалги асрларда юз минглаб кишилар ҳаёт билан видолашган.


Колизей қурувчилари катта маҳорат эгаси бўлишган. Томоша намойишчилари ҳисобланган одамлар ва ҳайвонларнинг галерея остидagi чуқурлиги 6 метр келадиган ертўлалардан аренага чиқиб келишлари учун бутун бошли ёғоч платформалар бунёд этилган эди.

мат қилган. Бундай қулай механик қурилмалар қонли томошани сабрсизлик билан кутаётган ваҳший оломон тоқатини тоқ қилмаслик мақсадида аренани қисқа вақт ичида тайёрлаш имконини берарди. Император ва сенаторлар учун махсус мрамор ўриндиқли ложалар ўрнатилган бўлиб, уларнинг тепасига қуёштиғидан ҳимоя қилувчи матолар ёпилган.

Янги мамлакатларни босиб олиш ҳисобига империясини кенгайтириб борган Рим ҳукмдорлари ўз юртида ҳам шахсий

нинг эркин фуқаролари ҳам кўнгилдилар қаторида гладиаторлар жангида иштирок этган. Уларнинг барчаси махсус мактабларда тайёргарликдан ўтишар эди. Капус шаҳрида Юлий Цезарнинг ҳам 1000 кишилик гладиаторлар мактаби бўлган.

Гладиаторлик жанглари қатъий қонун-қоидаларга асосланган эди. Жангчиларнинг либоси, қурол-аслаҳасидан тортиб, жангдаги хатти-ҳаракатларигача ана шу қонунларга мувофиқ бўлар эди. Бироқ улар



келинган.

Ҳайвонлар Колизей ертўлаларида сақланган. Аренага чиқаришдан ол-

қиш ҳақида буйруқ берган.

Рим ҳукмдорларининг ўзлари ҳам бундай шафқатсиз жанглари бир неча

КОЛИЗЕЙ ТАРИХИ



нафақат Рим ҳукмдорларининг, балки турли табақа вакиллариининг ҳам сеvimли машғулотни ҳисобланган.

Баландлиги 48,5 метр бўлган доирасимон ва ҳайбатли Колизей биноси гладиаторлар жанги ҳамда бошқа даҳшатли томошалар учун мўлжалланган бўлиб, қадимги дунёнинг ҳақиқий жаҳаннами эди. Бу ерда ми-

Гладиаторлар учун алоҳида лифт ҳамда бўри, айиқ, йўлбарс каби ваҳший ҳайвонларга мўлжалланган йигирмадан ортиқ кичикроқ лифтлар қурилганди. Бундан ташқари, ҳаракатланувчи бошқа бир қатор платформалар ҳам бўлиб, улар ўрмон, қаср тасвирлари каби томоша саҳнаси декорацияларини олиб чиқиш учун хиз-

мавқеларини муттасил мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Бунга эришиш учун биринчи навбатда кўнгилочар томошага ишқибоз бўлган куйи табақа вакиллариининг кўнгилга йўл топиш керак эди. Ҳукмдорнинг бундай талабини бажариш сенатор бўлиш орзусида юрган нуфузли шахслар учун ажойиб имконият туғдирган. Бундай бой-бадавлат шахслар ўз ниятларига етиш мақсадида Вестафалиядан тортиб то Евфрат дарёси соҳилларигача чўзилиб кетган улкан худудда 186 та амфитеатр бунёд этишган. Лекин уларнинг бирортаси ҳам маҳобати, ёвуз ва қонли томошалар кўрсатиш бобида Колизейга тенг келмас эди.

Саҳналаштирилган дастур бўйича Колизей аренасидаги томошалар гладиатор («gladius» латинча сўз бўлиб, «шамшир», «қуролбардор» маъноларини англатган)лар жанги билан бошланган. Қуллар ва Рим легионерлари юриши вақтида қўлга олинган ҳарбий асирлар гладиаторлик вазифасини бажаришган. Баъзан салтанат-

узоқ умр кўришмаган, чунки танаси оғир жангларда қаттиқ жароҳат оларди. Айримларигина ўнинчи жангга аранг етиб борарди. Яраланган гладиаторлар эса оломоннинг шафқату олқишига сазовор бўлиш учун амаллаб жангни давом эттиришган. Шу йўл билан жони омон қолиб, навбатдаги жангда иштирок этиши мақсадида даволанганлар. Оғир яраланиб, мажолсиз ҳолга келган гладиаторларга шафқат қилинмаган. Улар мағлуб бўлганини тан олиб, қалқонини туширганларидан сўнг, оломон бош бармоғи (бошмалдоғи) ни пастга қаратиб, бундай жангчиларга ўлим жазосини талаб қилган. Ҳукм шу ернинг ўзида ижро этилган.

Турли-туман йиртқич ҳайвонлар ҳам Колизей аренаси томошаларининг доимий иштирокчилари ҳисобланган. Римликлар Африка қитъасига бостириб киргач, у ердан атайлаб уриштириш учун зебра, йўлбарс, ҳатто жирафаларни олиб келишган. Рим императорларидан бири даврида Ҳиндистондан 150 та шер олиб

дин уларга найза санчиб, яраларига туз сепиб, газабини кўзгатиб, бўкиртириб саҳнага чиқариб юборишарди. Шунда оғриққа чидай олмаган ваҳший ҳайвон қаршисида турган одам ёки ҳайвонга жон ҳолатда ташланарди. Баъзан жаҳлини чиқариш учун филларни буқалар билан, айиқларни бегемотлар билан бирга боғлаб қўйишган. Бундан ташқари, саҳнада ҳайвонларнинг жигига тегиб турувчи махсус хизматчилар ҳам бўлган.

Император Троян даврида гладиаторлар ва ҳайвонларни ўзаро жанг қилдириш энг авжига чиққан. У Болқонда эришган галабаси шаарафига Колизей аренасига мингдан зиёд гладиатор ва 1100 та ҳайвонни олиб чи-

марта томоша қилишган. Колизей аренасида кунига бир неча хил томошалар намойиш этилган. Тонгда фил, айиқ ва арслонлар ўртасида олишувлар бўлса, тушдан сўнг жиноятчиларни қатл этишган. Ҳа, ўша пайтда қатл маросими ҳам ўзига хос томоша ҳисобланарди. Жиноятчиларга баъзан турли кийим-кечакларни кийдириб қўйиб, оч ва қонхўр ҳайвонлар ихтиёрига ташлашар эди. Кечга яқин эса гладиатор ва йиртқичлар ўртасидаги ҳақиқий жанг бошланарди. Баъзан аёллар билан пакана одамлар ўртасида ҳам шиддатли жанглари кечган.

Ана шу тариқа Колизей кўхна Рим томошалари тарихининг энг мудҳиш ва аянчли манзараларини ўзида акс эттирган...

Нигора ТҲХТАМАТОВА
тайёрлади.



ҲАҚИҚАТЛАРВАР, ЖАСОРАТЛИ АДИБ

Ўзбек миллатининг фахри, биринчи ўзбек романи муаллифи, суюкли адибимиз Абдулла Қодирий ўзининг юксак маънавий салоҳияти ва бетакрор адабий тафаккури билан элимизнинг эҳтиромини қозонди.

Биз ўзбек адабиётидаги энг гўзал романлар тўғрисида гапирганимизда, албатта, адибни мамнуният билан эсга оламиз. Заонавий матбуотимиз, хусусан, «Муштум» журналининг ташкил топиш жараёнини шу ёзувчи номи билан боғлаймиз.

Мустабид тузум даврида ўзбек зиёлиларининг бадном қилингани хусусида тарих ёзганда ҳам асло бу номни четлаб ўта олмаймиз. Қолаверса, Абдулла Қодирий сиймоси адолат, ҳақиқат ва жасорат тушунчаларининг тирик тимсоли сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Абдулла Қодирий ҳақиқатнинг кўзларига тик қараган бир инсон эди. Бу зот ҳақиқатни қадрлади: ҳақгўйлик билан шуҳрат топди. Аммо умри давомида бир қанча тўхматларга учраб, изтироблар ҳам чекди.

Абдулла Қодирий асарлари ўқувчилар қўлига теккандан буён ўқисик қалбларга малҳам бўлди; миллатнинг бадиий дидини, гўзалликка муносабатини шакллантиришида улкан хизматлар қилди. Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Зотан, қозоқ адиби Мухтор Азевоз Абдулла Қодирий романлари ҳақида «гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди», деган эпитрофни бежизга айтмаган эди. «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»дек ажойиб романлар миллий-бадиий тафаккурни ана шу юксак чўққилар сари бошлади.


Юқорида таъкидлаганимиздек, Абдулла Қодирий сиймоси — халқимиз тасавурида адолат, ҳақиқат ва жасорат тушунчаларининг тимсоли сифатида из қолдиргани бежиз эмас. Отабек ва Анвар, Кумуш ва Раъно, Юсуфбек ҳожи ва Мирзакарим, қутидор каби қаҳрамонлар оламида ёзув-

чининг ана шу ҳақгўйлиги, ҳаётдаги маънавий мезонлари ўз ифодасини топган, албатта. Шу боис, романда оилавий можаролар, кундош келинлар орасидаги келишмовчиликлар бағоят усталик билан ҳал қилинади. Романдаги тасвирларга кўра, Юсуфбек ҳожи агар икки келин ўртасида «сўз чиққанини гоҳо эшитса, иккала келинни ўз олдига чақириб» насиҳат қилади. «Аввало, Кумушдан ўпка қилиб: «Ойим, ҳар нима

юрт сўрамоққа ва шу восита билан бойлик ортдиromoққа орзум бўлса, бошқалардан ҳам кўра ўз ўғлимга — сенга маълум бўлмасмиди? Нега ҳар нарсага еткан ақлинг шунга қолганда оқсайди? Нега ёнган юрагимга яна сен ҳам захар сочасан?», дея изтироб билан дилидаги дардларини тўкиб солади. Дарҳақиқат, халқнинг обод ва озод турмушини дил-дилдан истаган Абдулла Қодирийдек бир инсоннинг маънавий-эстетик дунёсига бундай фикр-му-

сидир маънода адолат тантана қилади.

Абдулла Қодирий қаламига хиёнат қилмади. Унинг ёзувчи сифатидаги адабий-эстетик тамойили воқеликни реал тасвирлаш, ҳақиқатга садоқатли бўлиш эди. Шу боис, ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ «Ҳақиқат очиб сўзлашадир», деган иборани ўзи учун шиор қилиб олади. 1926 йилда «Йигинди гаплар» деган мақоласи туфайли тўхмат ва бўхтонлардан қутилиш учун судда ёзма нутқ ўқийди. Ўша мустабид даврнинг «одил суд»ига қарата: «Мен тўғрилик орқасида бош кетса, «их» дейдиган йигит эмасман», дейди. Сўнгра узун нутқининг охирида: «Кўнглида шамси губороти, тескаричилик мақсади бўлмаган содда, гўл, виждонлик бир йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим



(ёхуд Абдулла Қодирийнинг маънавий-эстетик дунёсига бир назар)

билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир», деган фикрларни айтади.

Адиб машғум 1937 йилда қамоққа олинганида ҳам: «Менга қўйилган айбларни бошдан-оёқ рад этаман. Ҳақиқат йўлида ҳар қандай, ҳеч қандай жазолан, қийноқдан кўрқмайман. Агар отмоқчи бўлсаларинг, кўкрагимни кериб тураман...», дея мардона туриб, жасорат билан сўзлайди. Абдулла Қодирийнинг бир мақоласи «Жасорат айб эмас», дея номланади. «Меҳробдан

чаён» романидаги бир боб номи — «Жасур қиз»...

Хуллас, адолат, ҳақиқат ва жасорат тушунчалари Абдулла Қодирийнинг шахсий ҳаёти ва ижодий биографиясида ўзаро уйғунлашиб, юксак бир маънавий мақомларга кўтарилади. Натижада адибнинг ибратли сўзлари амалий фаолиятга нақадар мос келиши намён бўлади. Ижодкор асарлари ва хотирасининг умрбоқийлиги учун бундай уйғунлик жуда ҳам муҳимдир.

Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.



сиз каттасиз, Зайнаб ёш, каттадан кичикка шафқат лозим, мундоғ яхши эмас!» деган гапларни айтади. Сўнгра Зайнабга насиҳатлар бериб, «кейин иккисини дуо қилиб, бир-бирига салом бердиради. Бошқа бир эпизодда ижтимоий адолатсизликлардан кўнгли ўқсиган Ҳожи: «Бу соқол шу эл қайғусида оқарди. Бу кўнгли шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди», деган ҳикматли сўзларни сўзлайди. «Ўткан кунлар»нинг «Қипчоққа қирғин» номли бобида ёзувчи Отабекни хунрезликларга рўбарў қилади. Отабек бу ҳол учун отаси Юсуфбек ҳожини айблади. Бориб отасига қаттиқ гаплар айтади. Юсуфбек ҳожи бунга жавобан: «... отангни ҳам шу жониворлар орасига қўшиб ўлтиришинг қисқалигингдир (яъни ақли ноқислигинг демоқчи — Б. К.)», деган мулоҳазаларни айтади. Сўнгра фикрини шундай давом эттиради: «Ўзинг ўйлаб кўр, ўғлим, ўз қўлимиз билан ўзимизникини кесишимиз мамлакат учун қандай фойда бор? Башарти мен бу ваҳшатка иштирок қилгон бўлсам, қайси ақл ва қандай манфаатни кузатиб кўшилишқан бўламан? Агарда маним

лоҳазалар бегона эмас, албатта.

«Меҳробдан чаён» романидаги тасвирларда ҳам адибнинг покиза маънавий дунёси асосий қаҳрамонлар табиатида яққол кўринади. Анвар ўзининг самимияти, дўстга, ёрга садоқати, ўзаро муомала-муносабатлардаги одоби билан китобхоннинг эътиборини қозонади. Қолаверса, роман охиридаги айнан адолат туйғуси билан боғлиқ бир эпизодга адабиётшунослар ҳар доим диққат қаратадилар. Бир эсланг, Анвар дўсти Султонанини ҳибсдан кутқариш учун Худоёрхон ўрласига ўз оёғи билан кириб боради. Рақибининг жасоратини кўрган хон бир муддат айтишга сўз тополмай қолади. Сўнгра айтадики: «Сен бизга хиёнат қилдинг, ит увли!» Анвар иқроор бўлади. «Тузимни унутдинг!» деган гапига ҳам «Тонмайман», дея жавоб беради. Орадаги қисқа, аммо шиддатли тўқнашувдан кейин Худоёрхон жаллодларни чорлайди. Шу вазиятдан кейинги ҳолатни адиб қуйидаги ифодалар билан тасвирлайди. «Анвар бош чайқаб қулди.

— Гунаҳсизни меним кўз ўнгимда банддан озод қилинмас экан, Анварни бу ердан чиқара олмаслар, қиблаи олам, — деди ва ўзини ташқарига торта бошлаган жаллодларни арслонларча силтаб юборди, — сизда адолат борми, жаноб?!

Кўрқунч бу ҳайқирик Худоёрни инсофка келгирди. Гарчанд Анвар дор остига олиб кетилаётган бўлса-да, дўсти Султонани зулмдан қутулади. Қай-

МУЛОҲАЗА

ЭЗГУЛИК САРЧАШМАСИ

«Китоб энг одис ва зимистон умр йўлларида инсонга нур бағишлаб турувчи сеҳрли чироқдир», — деган эди буюк донишмандлардан бири. Ҳа, китоб бир мўъжизаки, уни ўқиган ҳар бир инсон завқ олмай, таъсирланмай иложи йўқ. У киши қалбини чарогон қилади, маънавий дунёсини бойитади. Ота-боболаримиз ҳам китобни улуғлашган. Қаранг-а, шу мўъжизагина хилқат бизга тўғри йўлни кўрсатиб, мазмунли ва гўзал ҳаёт кечиримизга ёрдам беради.

Китобни севадиган, унинг қадирига етадиган ёшларимиз кўпчиликини ташкил қилади. Аммо гуруч қурмаксиз бўлмагани каби, улар орасида китоб ўқишдан кўра компьютер, интернетдаги ҳар хил уйинларни маъқул кўрадиган тенгдошларимиз ҳам йўқ эмас.

Бундай уйинлар ёшларнинг енгил-елли, ҳавойи истақлар исқанжасига тушиб қолишига сабаб бўлмаяптимики? Ачинарли томони шундаки, айрим тенгдошларимиз ота-оналаридан турли баҳона-сабабларни рўкач қилиб, пул олишади-ю, айнан дарс пайтида интернет клубларида бўлишиб, қимматли вақтларини беҳуда ўтказишмоқда. Бунинг ўрнига кутубхоналарга бориб, билими, маънавиятини бойитадиган адабиётлар, бадиий китоблар ўқишса ўзлари учун нақадар фойдали эканлигини ҳис қилишарди.

Зеро, китоб ҳаммани яхшиликка, эзгуликка чорлайди. Шундай экан, китоб билан ошно бўлиб, уни севиб мутолаа қилайлик. Бунинг учун эса қишлоқ, мактаб кутубхоналари қизиқарли бадиий адабиётлар билан мунтазам таъминлаб турилса, нур устига аъло нур бўларди. Шунингдек, тарбиявий аҳамиятта эга бўлган бадиий асарлар бўйича китобхонлик конференциялари ўтказилиши анъана тусини олса, тенгдошларимизнинг китоб ўқишига бўлган қизиқиши ортиб, тафаккур олами янада кенгайишида ўзига хос омил бўларди. Бу ёшларнинг мустақил фикр-мулоҳазага эга шахслар бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Ана шундагина болалар мактаб давридаёқ китобнинг энг буюк мўъжиза эканлигини англаб, у билан бир умр ошно бўлиб қолишади, деб уйлайман.

Севара РҮЗМЕТОВА,

Хоразм вилояти Қушқулар туманидаги
25-ўрта мактаб 9-синф ўқувчиси.





РОСТДА TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Биринчи канал, душанба
0.20 «ЯНГИЧА ДУНЁ ТАРТИБ-СИЗЛИГИ» («НОВЫЙ МИРОВОЙ БЕСПОРЯДОК»)

«Дайнафэйз» компанияси компьютер тизими хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги дастурлар ишлаб чиқишга ихтисослашган. Куролланган босқинчилар шу компания офисига бостириб кириб, кўриқчиларни ўлдириб, бир неча қутига жойлаштирилган ўта махфий микрочипларни ўғирлаб кетишади. Фирманинг биргина ходими мўъжиза туфайлигина омон қолади...

Ролларда: Рутгер Хауэр, Брэнуэлл Донахи.



ДТВ, сешанба
23.05 «КОДЕР»

Морган Салливан вайсақи, инжиқ хотини билан бирга яшашдан зеркиб кетади. Шунинг учун ҳам қудратли «Диджокорп» корпорацияси фойдасига жосуслик билан шуғулланишга рози бўлади. Янгича ҳаёт унга завқ-шавқ бағишлайди. Аммо сирли Рита билан танишиб қолгач, кўрқув ва шубҳа-гумонлар исканжасида қолади...

Ролларда: Жереми Нортен, Люси Лью, Найджел Беннетт.



НТВ, чоршанба
23.55 «УЧИНЧИ ОЛАМ БИЛАН ЯКИН МУЛОҚОТЛАР» («БЛИЗКИЕ КОНТАКТЫ ТРЕТЬЕГО ВИДА»)

Рой Нири номаълум учар объектнинг ташрифига гувоҳ бўлгач, нимадир қилишга ички эҳтиёж сезади. Тез орада олимлар ўзга сайёраликлар билан мулоқот амалга ошириладиган жойни аниқлашади. Рой ўша жойда ҳозир бўлишни жуда-жуда хоҳлайди. Ўзга сайёраликлар ўғлини ўғирлаб кетишгани учун Жилиан ҳам Рой билан бирга боради.

Ролларда: Ричард Дрейфусс, Франсуа Трюффо, Тери Гарр.



«Россия», пайшанба
23.30 «МЭДИСОН ОКРУГИ КЎПРИКЛАРИ» («МОСТЫ ОКРУГА МЭДИСОН»)



Уй бекаси Франческа Жонсон Роберт Кинкэйд билан бутунлай тасодифан танишиб қолади. Иккаласи ўртасида оташин муҳаббат пайдо бўлади. Уч кунлик висолдан сўнг ажралишар экан, бошқа кўришмасак керак, деб ўйлашади. Франческа яқинларини ташлаб кетишга кўзи қиймайди. Аммо севги охир-оқибат ғолиб чиқади...

Ролларда: Клинт Иствуд, Мерил Стрип.

Уй бекаси Франческа Жонсон Роберт Кинкэйд билан бутунлай тасодифан танишиб қолади. Иккаласи ўртасида оташин муҳаббат пайдо бўлади. Уч кунлик висолдан сўнг ажралишар экан, бошқа кўришмасак керак, деб ўйлашади. Франческа яқинларини ташлаб кетишга кўзи қиймайди. Аммо севги охир-оқибат ғолиб чиқади...

ТНТ, пайшанба
21.00 «БОЛЛИВУД-ГОЛЛИВУД»

Ҳидлар оиласида жанжал юз бериши мумкин. Сабаби мўмин-қобил ўғил хорижлик қизни севиб қолади. У ота-онасини ранжитмаслик учун бўлажак келинни ҳинд қизига ўхшатишга ҳаракат қилади: унинг бўйнига бир килолик тақинчоқлар тақади, сари кийишни ўргатади. Хўш, тўйгача бу сир фош бўлмасмикан?

Ролларда: Рахул Кханна, Лиза Рэй, Ришма Малик.



ТВ 3, жума
20.00 «АРЛЕТТ»

Ламбер қиморда ютқазиб кўяди. Энди уни Лас-Вегасдаги энг йирик қиморхонанинг вориси бўлган 45 ёшли аёлнинг бошини айлантиришга мажбурлашади. Зўравонлар мол-мулкка тенг эгалик қилиш шарти асосида никоҳ шартномаси расмийлаштирилгач, аёлни ўлдириб, 500 миллион долларни тортиб олишни режалаштиришган. Аммо Ламбер бир кўринишда кўполдек туюладиган, аслида самимий, меҳрибон бўлган бу бақалок аёлни севиб қолади...

Ролларда: Кристофер Ламберт, Жозиан Баласко.



Биринчи канал, шанба
20.25 «ЎЗИМИЗНИКИЛАР» («СВОИ»)

1941 йил август. Фронт чизиги шарқ томонга чўзилиб кетган. Уч киши асирликдан қочишади. Улар қаёққа боришни билишмайди. Тўрт тарафда душманлар. Атроф ўрмонзор, ботқоқлик. Қишлоқда бир қария яшайди. У ким? Асирларни сотмасмикан, камендатурага топширмасмикан? Суриштиришлар чоғида собиқ маҳбуслардан бири чолнинг энг кичик ўғли бўлиб чиқади.

Ролларда: Константин Хабенский, Богдан Ступка.



НТВ, якшанба
1.10 «РОБ РОЙ»

Фильм Вальтер Скоттнинг романи асосида суратга олинган. Шафқатсиз ўрта асрлар замони. Шотланд қабилаларидан бирининг етакчиси Роб Рой ўз қабилadoшларини, севгилисини ҳимоя қилиб, кучли душманга қарши жанг қилишга мажбур бўлади. У тенгсиз жангда ғалаба қозониши шарт!

Ролларда: Жессика Ланж, Лиам Нисон, Жон Херт.

«Ўзбекистон» телеканал

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Музлик даврини кечирганлар».
9.50 «Камалак» экрани.
10.45 Самарқанд ривоятлари: «Бибиҳоним».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 Олтин мерос.
11.30 «Одами эрсанг.»
11.50 ЎзТВ хазинасидан. «Олтин девор». Спектакль. 1-қисм.
12.55 «Олтин девор». Спектакль. 2-қисм.
13.50 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ўзбегим ўғлонлари».
15.30 «Кичкинтой». Бадийий фильм.
16.20 «Олов – тилсиз ёв». Болалар сайёраси:
16.40 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «Дил таронаси».
17.40 «Бурч ва масъулият».
18.00 «Умр дафтари». Х. Абдуллаев. 1-қисм.
18.25 Оқшом наволари.
18.35 «Галатепалик авлиё». Фильм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Тақдир ўйини». Телесериал премьераси.
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Патагония - жануб ери». 1-қисм.
00.10-00.15 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

16.00 Давр.
16.15 «Ана холос». Мультфильм.
16.25 Полапон.
16.40 Ёшлар овози.
16.55 Чемпион сирлари (рус тилида)
17.20 «Ишбилармон кишилар». Бадийий фильм.
18.45 Муסיкий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ракурс.
20.00 Олий лига кундалиги.
20.20 «Олов билан юзмаюз».
20.40 UzEX хабарлари.
20.50 Давр репортаж.
21.00 «Мўйқалам сеҳри». Собир Раметов.
21.35 Эълонлар.
21.40 Ёшлар куйлаганда.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.

22.35 Муסיкий лаҳза.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 «YOSHLAR» телерадиоканалида спорт дастури: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканал

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30 «Пойтахт» /рус/.
18.50, 20.20, 21.30 «ТВ анонс».
18.55 «Саломат бўлинг» (рус)
19.10 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.40 «Бир жуфт аския».
19.45, 21.45 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Жиловланмаган Африка». Хужжатли телесериал.
20.50, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
21.05 «ТВ юрист».
21.10 «Камила». Телесериал.
21.35 «Оқшом наволари».
22.00 «Журналист тахлили».
22.35 «Мулоқот». Қисқа метражли бадийий фильм.
23.05-23.10 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканал

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Шоввозлар». Мультсериал.
9.00 «Талқин». Информацион-тахлилий кўрсатув.
9.30 «Талисман». Сериал.
10.10 Ўзбекистон чемпионати От спорти. Кураш.
11.10-11.40 Осиё кубоги. Оғир атлетика.

«SPORT». ТЕЛЕКАНАЛИ.

18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Спортимиз маликалари».
20.50 «Футбол шархи».
21.15 «Тет-а-тет».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Команда». Сериал.
22.35 Осиё кубоги. Оғир атлетика.
23.10 «Проф-РИНГ».
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

16.55 Открытие программы
17.00 Болалар соати
17.40 Муסיкий лаҳзалар
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Марғилон – ТВ такдим этади»
19.00 «Ошикона»
19.45, 21.40 Телехамкор
20.00, 21.50 Муסיкий табасум
21.00 «София, менга имкон бер», сериал
22.25 «Қашқирлар макони», сериал
22.55 Эстрада

«Первый»

10.45 «Ералаш»
11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 2.00, 4.00 Новости
11.10 «Черный ворон». Фильм
12.20 «Эта женщина в окне»
14.10 «Без комплексов»
15.00 Сериал «Талисман»
16.00 «Федеральный судья»
17.10 «Большие девочки» (S)
17.40 «Любовь как любовь». Фильм (S)
18.50 Жди меня
20.00 Время
20.30 «Девять месяцев». Фильм (S)
21.30 «Бизнес на родах». Док. фильм
23.00 «Отшельники»
23.50 «Гении и злодеи»
0.20 Триллер «Новый мировой беспорядок»
2.05 Детектив «Выходные» (S)
3.50 «К-219. Последний поход». Док. фильм

«Россия»

10:50 «Комната смеха».
11:45 «Частная жизнь»
12:45, 15:30, 18:45, 22:55, 3:45 ВЕСТИ
13:40 Фильм «Последний уик-энд»
16:15 «Смехопанорама».
16:50 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:45 Сериал «Волчица».
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Сериал «Опера-2. Хроники убийного отдела».
20:55 Сериал «Мужчины не плачут-2»
21:55 «Паломничество в Вечный город»
23:30 «Честный детектив»
0:00 «Синемания».
0:30 Фильм «Дикарь»
2:45 «Дорожный патруль».
3:00 «Евроныйс»

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:05 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
9:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
9:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
10:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
12:30 Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ-7»
14:30, 17:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
15:25 Сериал «МОРСКИЕ ДЬЯВОЛЫ»
18:40 Сериал «ПСЕВДОНИМ «АЛБАНЕЦ»»
19:50 Детектив «ТЕМНЫЙ ИНСТИНКТ»
21:40 Сериал «АЭРОПОРТ»
22:45 «СТИХИЯ»
23:20 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»
0:15 «ВСЕ СРАЗУ!»

0:45 Комедия «КЛЕТКА ДЛЯ БЕЗУМЦЕВ»
2:40 Сериал «МЕДИЦИНСКОЕ РАССЛЕДОВАНИЕ»
4:15 Сериал «СЛЕПОЕ ПРАВОСУДИЕ»

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 14.30 Мультфильмы
10:00 Худ. фильм «ЛОХМАТЫЙ ПРОКУРОР»
11.50 Худ. фильм «ЧАСТНОЕ ДЕЛО»
14.00 «Осторожно, модерн!»
15.00 Худ. фильм «НА ЗОЛОТОМ ПРУДУ»
17.10 Худ. фильм «ФАНАТ-2»
19.00, 4.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА»
20.00 Худ. фильм «НА БЕЗЫМЯННОЙ ВЫСОТЕ»
22.00 Худ. фильм «ПРЕСЛЕДУЕМЫЕ»
0.00 Худ. фильм «ЛЕГЕНДА ОЗЕРА ДУХОВ»
2.00 Худ. фильм «ЧТОБ ТЫ СДОХ»

ДТВ

8.00, 15.30 Мультфильмы.
9.00 Сериал «НЯНЯ».
9.30, 16.30, 22.40 «Как уходили кумиры»
9.55, 18.45 «Неслучайная музыка»
10.00 Телемагазин.
10.30, 1.20 «Карданный вал +».
10.50 Худ. фильм «СУПЕР БОКСЕР».
12.40 «Деньги с неба»
13.05, 20.00 Самое смешное видео.
13.30 Сериал «КОМАНДА А».
14.30, 19.00 Детектив «КРУТОЙ УОКЕР».
16.55 Фильм. «АЛЫЙ КАМЕНЬ».
20.25 Шоу Бенни Хилла.
21.00 Сериал «ТЕМНАЯ ЛОШАДКА».
22.00, 2.50 «Опергруппа, на выезд!»
23.05 Худ. фильм «ТУРБУЛЕНТНОСТЬ-3».
1.40 Крим. новости.
2.05 «Супермужчина России»
2.25 «Девушки не против...»
3.30 Фильм. «АЛЫЙ КАМЕНЬ».

ТНТ

4.45, 18.30, 0.05 «Москва: инструкция по применению»
5.10 Мультсериалы
6.05 «Глобальные новости»
6.10, 11.40 «Никеллодеоны»
7.25 Предприниматель.
7.40 Наши песни.
8.00 «ПЛОХИЕ ДЕВЧОНКИ».
9.00 «УБОЙНАЯ КОМАНДА». Комедия
12.30 Такси.
13.00 «ДЕВСТВЕННИЦА»
14.00 ОФИС
15.00, 20.00, 23.30 Дом-2
16.00 «Школа ремонта»
17.00 «Возможности пла-

стической хирургии»
18.00 Такси.
19.00 «Запретная зона»
21.00 Комедия «НЕВЕСТА И ПРЕДРАССУДКИ»
0.35 Наши песни.

СТС

7.00 «ШПИОНКА» Худ. фильм.
7.50, 14.30 Мультфильмы.
8.30, 10.30, 19.25 «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ»
10.00, 20.30, Истории в деталях.
10.28, 20.58, 0.58 Настроение с Е. Гришковцом.
11.00 Кино «ЧЕЛОВЕК-КАДИЛЛАК».
13.00 «БЕДНАЯ НАСТЯ» Фильм.
14.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ» Фильм.
17.00 Комедия «ЛИЗЗИ МАГУАЙЕР».
17.30 Комедия «ТАКОЙ РАЗНЫЙ ФЕРГУС МАКФАЙЛ».
18.00 «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ» Фильм.
21.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ»
22.00, 1.00 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
22.30 Кино «ЛЕГИОНЕР».
1.30 Детали.
2.30 «ТАКСИСТ» Худ. фильм.
3.15 Кино «РАПТОР».
4.50 «ШПИОНКА» Худ. фильм

7 ТВ

6.00 7.00 8.00 9.00 10.00
11.00 12.00 13.00 14.00
15.00 16.00 17.00 18.00
19.00 20.00 21.00 22.00
23.00 0.00 1.00 2.00 3.00
4.00 5.00 7 новостей.
6.05 21.05 4.05 Гандбол. Женщины. Чемпионат России. 1/4 финала. «Луч» (Москва) - «Ростов-Дон».
7.05 Зарядка для страны.
7.25 8.25 9.25 Веселые старты.
8.05 Назло рекордам.
9.05 14.05 Экстремальный контакт.
10.05 19.05 Музыкальный трек.
10.25 «Спортивный калейдоскоп Хойта и Энди». Мультсериал.
11.05 15.05 23.05 NBA Live!
11.25 13.25 14.25 17.25
18.25 19.25 20.25 22.25 Экстрим.
12.05 0.05 KOTV: классика бокса.
13.05 17.05 20.05 Магия оружия.
15.25 23.25 Бокс. Легендарные бои XX века.
16.05 Хоккей. Чемпионат России. Женщины
108.05 22.05 «Советский спорт»
1.05 5.05 Покер.
2.25 Звезда автострады.
2.40 AutoFashion.
3.05 Дартс.

«Ўзбекистон» телеканал

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Патагония – жануб ери». 1-қисм.
«Болалар сайёраси»:
9.40 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Тоғлик». Мультсериал.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.00 «Изхор». Теленовелла.
12.45 «Такдир ўйини». Телесериал.
13.50 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Оҳанграб».
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.15 «Алвон елканлар». Бадий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбомдан.
17.20 «Ақл ва идрок».
17.40 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
18.05 «Умр дафтари». Ҳ. Абдуллаев. 2-қисм.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 «Пойдевор». Видеофильм. 1-қисм.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Такдир ўйини». Телесериал.
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Патагония – жануб ери». 2-қисм.
00.10-00.15 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканал

6.30 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Расмлар сўзлаганда.
8.15 «Самсон ва Салли». Мультфильм.
9.15 Ёшлар овози.
9.30 «O'zbektelefilm» намойиши: «Куёшли ўлкам».
9.40 Ракурс.
10.00 Давр.
10.10 «Бошсиз чавандоз ҳақида афсона». Бадий фильм.
11.45 Олий лига кундалиги.
12.05 Олов билан юзма-юз.
12.25 Яқшанба нонуштаси.
13.00 Давр.
13.10 «Шумтақалар». Болалар учун мультсериал.
13.30 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Даллас». Телесериал.
15.45 Азиз неъмат.
16.00 Давр.
16.10 «YONSLAR» фототанлови.
16.15 Эврика.
16.25 Даврнинг боласи.
16.35 Болалар табассуми.
16.40 Афсона ва ҳақиқат.
17.30 ТВ-дорихона.
17.40 Ёшлар овози.
17.55 Cinema Bollivud.
18.10 «Пастга қарама». Бадий фильм 1-қисм.
18.40 Ёшлик наволари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Дийдор.
20.00 «ЖОКЕР» телелотореяси.
20.10 Автопатрул.

20.30 «Умр дафтари» туркумидан: «Ҳамид Фулом». Видеофильм 1-қисм.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Ҳақиқат». Телесериал.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусиқий лаҳзалар.
22.45 «Магриб тунлари». Бадий фильм 1-қисм.

«Тошкент» телеканал

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30 «Пойтахт» (рус).
18.50, 20.20, 21.30 «ТВ анонс».
18.55 «Инсон ва қонун».
19.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.40 «ТВ юрист».
19.45, 22.00 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Жиловланмаган Африка». Хужжатли телесериал.
20.50, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.
21.05 «ТВ юрист».
21.10 «Камила». Телесериал.
21.35 «Оқшом наволари».
21.45 «Истеъмолчи минбари».
22.15 «Санъат олами».
22.55 «Совға». Қисқа метражли бадий фильм. (рус).
23.30-23.35 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканал

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
8.20 «Шоввозлар». Мультсериал.
8.45 «Спорт-клуб».
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Талисман». Сериал.
10.00 Ўзбекистон чемпионати: Мини футбол. От спорти.
11.05-11.35 Осиё кубоги. Оғир атлетика.

«SPORT». ТЕЛЕКАНАЛИ.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Ким нимага қодир?!»
19.15 «В поисках приключений».
20.00 «Вести».
20.30 «Футбол плюс».
21.10 «Ҳиндистон спорт ўйинлари». Хужжатли фильм.
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Команда». Сериал.
22.35 Осиё кубоги. Оғир атлетика.
23.20 ФИФА (Футбол ичида, футбол атрофида) Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.
23.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси. Ярим финал.
«Милан» - «Барселона». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

12.05, 16.45, 19.45 Телехамкор
12.25, 17.00 Детский час
12.50 «Солдаты», сериал
14.00 Худ. фильм «Варвара краса»
15.30 «Ошиқона»
16.15 «Аёллар орзуси»
17.40, 22.55 Мусиқий лаҳзалар
18.00 «Кассандра», сериал
18.40 «Ишонч - ТВ»
19.00 «Ошиқона»
20.00, 21.40 Мусиқий табассум
21.00 «София, менга имкон бер», сериал
22.15 «Кашқирлар макони», сериал
23.05 «Биз билган ва билмаган дунё»

«Первый»

5.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Убойная сила». Фильм
9.20 «Детективы»
9.50 «Малахов + Малахов»
11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 2.00, 4.00 Новости
11.20 «Черный ворон». Фильм
12.30 Дисней-клуб
13.00 «Девять месяцев». Фильм (S)
14.10 «Без комплексов»
15.00 Сериал «Талисман»
16.00 «Федеральный судья»
17.20 «Большие девочки» (S)
17.50 «Любовь как любовь». Фильм (S)
19.00 «Пусть говорят»
20.00 Время
20.30 Премьера. «Девять месяцев». Фильм (S)
21.30 «Штурм на взлетной полосе». Док. фильм
23.00 «2030»
0.10 Фильм «Конец романа» (S)
2.05 Фильм «Рожденный защищать» (S)
3.50 «Космос. Первая кровь». Док. фильм

«Россия»

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Сериал «Опера-2. Хроники убийного отдела».
8:45 «Паломничество в Вечный город»
9:45, 12:50, 15:25, 18:45, 22:55 ВЕСТИ.
10:50 Сериал «Мужчины не плачут-2»
11:50 «Частная жизнь»
13:40 Сериал «Любовь моя».
14:10 «Суд идет».
16:15 «Кулагин и партнеры».
16:50 «Обреченная статья звездой»
17:45 Сериал «Волчица».
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Сериал «Опера-2. Хроники убийного отдела».
20:55 Сериал «Мужчины не плачут-2»
21:55 «Паломничество в Вечный город»
23:15 «Золотая маска».
1:05 «Дорожный патруль».
1:25 Сериале «Поющие в терновнике»
2:50 «Евроныус»

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:00 Сериал «ГРАФ КРЕСТОВСКИЙ»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
9:20, 14:3, 17:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
9:50 у «ПРИНЦИП ДОМИНО»
10:55 «РУБЛЕВКА. LIVE»
12:30 Сериал «ПСЕВДОНИМ «АЛБАНЕЦ»»
13:30 Детектив «ТЕМНЫЙ ИНСТИНКТ»
15:25 Сериал «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА»
18:40 Сериал «ПСЕВДОНИМ «АЛБАНЕЦ»»

19:50 Детектив «ТЕМНЫЙ ИНСТИНКТ»
21:50 Детектив «НЕСМОТРЯ НИ НА ЧТО»
23:35 ФУТБОЛ. ЛИГА ЧЕМПИОНОВ. «МИЛАН» / Италия/ - «БАРСЕЛОНА» / Испания/
1:45 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР
2:15 «ФУТБОЛЬНЫЙ КЛУБ»
2:50 Сериал «КЛАН СОПРАНО-5»

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 14.30 Мультфильмы
10.00 Худ. фильм «СВИСТУН»
11.40 Худ. фильм «НА ЗОЛОТОМ ПРУДУ»
1.30 Худ. фильм «ЧЕТВЕРТЫЙ ПРОТОКОЛ»
4.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС»

ДТВ

8.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.05 Для милых дам.
9.35 Мультфильмы
11.15 Худ. фильм «ПРАВИЛА ИГРЫ».
13.30 «Супермужчина России».
14.30 Детектив «СПРУТ».
15.30, 4.20 «Время - деньги».
15.55 Сериал «ТЕМНАЯ ЛОШАДКА»
18.00 Самое смешное видео.
18.30 «Этот безумный мир».
19.00 «Шоу российских рекордов»
20.00 Фильм «ОШИБКА РЕЗИДЕНТА»
23.05 Детектив «С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАСВЕГАС»
1.00 «Шоу российских рекордов»
2.05 «Грязное дело».
3.10 «Осторожно, афера!»
3.35 Детектив «СПРУТ».

ТНТ

6.00 «Неизвестная планета»
6.25, 12.05 Мультфильмы
7.20 «Антология юмора»
8.10 «Каламбур»
8.35 «Фигли-Мигли»
9.00 «В поисках Святого Грааля». Док. фильм.
10.00 «СКАЧИ ВО ВСЬ ОПОР». Комедия.
12.30 Такси.
13.00 «Дикие дети»
14.00, 23.40 ОФИС

15.00, 20.00, 22.30 Дом-2
16.00 «САША+МАША»
16.30, 22.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия
17.00 «Школа ремонта»
18.00 Такси.
18.30 «Москва: инструкция по применению»
19.00 «Необъяснимо, но факт»
21.00 Комеди Клуб.
23.00 «Секс»
23.30 Наши песни.
0.40 «СКАЧИ ВО ВСЬ ОПОР». Комедия

СТС

7.00 «БЕРЕГИСЬ, БОЛЬШОЙ БРАТ!» Худ. фильм.
8.30, 10.30 Мультфильмы
10.00 «Улицы Сезам».
11.00 Кино «ИСТОРИЯ «ПОРΟΣЕНКА»».
13.00 «Жизнь прекрасна»
15.00 «Снимите это немедленно»
16.00 «Питер FM». Фильм о фильме.
16.30 «Тайны тела»
17.00 Истории в деталях
17.30 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ»
22.00 Кино «ТРАССА 60. ДОРОЖНЫЕ ИСТОРИИ».
0.35 «6 кадров»
1.05 Кино «ФРИДА».
3.35 Кино «АРГЕНТИНСКИЙ ДОГ».
5.10 Кино «СОКРОВИЩА ЛЕПРЕКОНОВ».

7 ТВ

6.00 Акробатический рок-ролл.
7.00 10.00 Назло рекордам.
7.10 Футзал. «Концентрат» - «Динамо».
8.00 9.00 Веселые старты.
10.10 4.00 Музыкальный трек.
10.30 «ЖРЕБИЙ». Худ. фильм.
12.00 7 дней спорта.
12.10 18.00 2.00 Звезда автострады.
12.30 Чемпионат России по кёкусин-кан каратэ-до. Кумитэ и ката.
13.30 Спортивные танцы. Международный турнир высшей категории.
14.30 19.00 Gillette World Sport.
15.00 21.00 Планета рыбака.
16.00 1.00 5.00 Магия оружия.
16.10 3.10 KOTV: классика бокса.
17.00 23.30 F-1. Петро.
18.10 23.10 2.10 NBA Live!
18.30 22.30 «Motorsport Mundial». Журнал мирового автоспорта.
19.30 Rally Action. Racing Action.
20.30 Бега и скачки.
22.00 Гольф. Европейская неделя.
23.00 3.00 AutoFashion.
0.30 Total pegби.
1.10 5.10 Покер.
2.30 Бокс. Легендарные бои XX века.
4.10 Хоккей. Чемпионат России. Женщины. «Торнадо» - «Скиф-2».

Хали сайлов натижалари эълон қилинмасидан туриб Сильвио Берлускони ва Романо Проди аразлашиб қолишди. Проди рақибининг коалицион ҳукумат тузиш ҳақидаги таклифини рад этди.

СЎЛЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Италия ҳукумати раҳбари Сильвио Берлускони сешанба кунини сўлларнинг парламент сайловида ғалаба қозонганини тан олмади. «Ҳеч ким узил-кесил ғалаба қозондим деб айтмайди. Сайлов чоғида кўплаб қоидабузарликларга йўл қўйилди. Айниқса,



хорижда», — деди у. Гап шундаки, айнан хорижда яшовчи италянларнинг овозлари ҳисоб-китоб қилинган, Проди ғалаба қозонгани маълум бўлган эди. Маълумотларга қараганда, у 25 минг атрофида кўпроқ овоз тўплаган.

Берлусконининг ўзи кучга киритган амалдаги қонунга кўра ғалаба қозонган партия ҳар қандай шароитда ҳам куйи палатада камида 54 фоиз ўринга эга бўлади. Ўзи мустақил равишда ҳукумат тузиши учун партия юқори палатага сайлов-

ларда ҳам ғалаба қозониши лозим бўлади. Аввалига бу сайловларда 155 ўрин Берлускони партиясига, 154 ўрин эса сўлларга насиб этди. Чет элдаги италияликлар учун ажратилган 6 ўрин масалани ҳал қилди. Бундан 4 тасига сўлларнинг вакиллари сайланган, Проди ғалаба қозонганлигини эълон қилди. Уни ғалаба билан Еврокомиссия раҳбари, шунингдек, Франция ва Люксембург ҳукуматларининг вакиллари табриклашди.



КОИНОТГА САЙЁҲАТ

Инсон илк бор коинотга парвоз қилганига 45 йил тўлди. Ўтган давр ичида космонавтика соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. 430 дан ортиқ фазогир коинотда бўлиб қайтишди. Улар орасида ўзбек ўғли Солижон Шарипов ҳам бор. Оламшумул илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Ҳатто космосга саёҳат қилишга ҳам йўл очилди. Биринчи бўлиб 2001 йилда Деннис Тито коинотга сайёҳ сифатида парвоз қилган эди. Фақат ҳозирча йўлқира «пича» қимматроқ — «бор-йўғи» 20 миллион АҚШ доллари. Орадан икки йил ўтиб Майк Шатллуорт, кейинроқ Грегори Олсен коинотни айланиб қайтишди. Шу йил кузида эса Халқаро космик станцияга япониялик Дайсукэ Эномото парвоз қилиши керак. У Россия Федерал космик агентлиги билан битим имзолади. Келиб чиқиши венгер бўлган америкалик Чарльз Симони бешинчи сайёҳ бўлиши мумкин.

Ҳозир компаниялар «йўлқира»ни арзонлаштириш устида изланишяпти. «Virgin» компаниялар гуруҳи космик туризм масалалари билан шуғулланмоқчи. Ўтган йили ушбу гуруҳ раҳбарияти ана шу мақсадларга хизмат қилувчи ўз фазовий кемасини яратиш учун 108 миллион АҚШ долларига яқин маблағ ажратган эди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу лойиҳа амалга ошса, чипта пули 200 минг АҚШ долларини ташкил этар экан. Англиялик бўлажак сайёҳлар шу пайтдан 10 тача чиптани сотиб олишибди. Хуллас, космосга саёҳат қилмоқчи бўлсангиз, марҳамат!

ЯНГИЧА БЎЛИНМА

Россия Федерацияси ИИВда янги турдаги милиция бўлинмалари тузиляпти. Улар автомобиль йўларида содир этилаётган жиноятларга қарши курашишади.

Мамлакат Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Александр Чекалиннинг айтишича, ҳар йили Россия йўларида 17 минггача жиноят содир этилар экан. «Босқинчилик, талончиликлар шулар жумласидандир. Жиноятчилар милиция кийимини кийиб, ўз қилмишларини амалга оширган ҳолатлар ҳам бизга маълум», — деди у. Янги тузилажак йўл милициясининг ҳар бир бўлинмаси 5-6 кишидан иборат бўлади. Бу гуруҳ таркибига тезкор вакил, суриштирувчи, эксперт-криминалист, зарурат туғилганда махсус бўлинманинг 2-3 ходими қиради. Ҳар қайси гуруҳ 60-100 км узунликдаги йўлда хизмат ўтайди.

РЕКЛАМА ҲАМ БОР БЎЛСИН...

Жаҳон бокси қиролларидан бири Мухаммад Али Си-Кей-Экс компаниясига ўз номини ва тасвирини 50 миллион АҚШ долларига сотди. Энди ушбу компания машҳур боксчининг номи ва суратларидан реклама мақсадларида фойдаланади.

Бокс қиролининг рингдаги собиқ рақиб Жорж Форман бу борада Мухаммад Алидан ҳам кўра усталик билан иш кўрганди. У ўз номини салкам 150 миллион АҚШ долларига пуллашга муваффақ бўлган.

НЕФТЬ НАРХИ ОШМОҚДА

Лондондаги биржада бир баррель нефтнинг нархи илк бор 69 АҚШ долларидан ошди. Мутахассисларнинг айтишича, АҚШ Эронга қарши уруш очадиган бўлса, «қора олтин» янаям қимматлашади. Ҳатто ихтилоф тинч йўл билан ҳал этилганда ҳам нефтнинг бир баррели 70 АҚШ долларидан ошиши кутиляпти. Чунки жаҳон иқтисодининг юксак даражада тараққий этиб бораётгани шуни тақозо этади. Қолаверса, бунга нефть қазиб олувчи Нигерия, Венесуэла каби мамлакатларда вазиятнинг нотинчлиги ҳам таъсир этапти.

КОМИССАРНИНГ ПЎПИСАСИ

Европа Иттифоқининг соғлиқни сақлаш масалалари бўйича комиссари Маркос Киприану Германияга нисбатан суд жараёни бошланишини айтди. Сабаби, ушбу мамлакат газета ва Интернет орқали тамаки маҳсулотларини реклама қилишни тақиқлашдан бош тортган. Шу тариқа Умумевропа қонунларини бузган. Амалдор шунингдек 2003 йилда имзоланган тамаки маҳсулотларини реклама қилишни тақиқловчи хужжат талабларига амал қилмаганлиги учун Испания, Венгрия, Италия ва Чехия каби мамлакатларга нисбатан ҳам чора кўрилиши лозимлигини айтди. Германия ҳукумати вакиллари эса ўз навбатида Европа Иттифоқи тамаки маҳсулотларини реклама қилишни тақиқлашга ҳаққи йўқлигини суд орқали исботлашларини билдиришди.

ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

Эрон Президенти Миллий телевидение орқали чиқишида мамлакатда лаборатория шароитида ядро ёқилгисини ишлаб чиқиш технологияси яратилганлигини маълум қилди. У шунингдек: «Эрон ер юзида тинчлик ва барқарорлик тарафдоридир. Бизнинг ядро технологияларимиз тинч мақсадларга хизмат қилади», — деди. Мамлакатда бундан кейин ҳам бу йўналишдаги фаоли-

ят халқаро қонунчиликка мувофиқ МАГАТЭ ташкилотининг кузатуви ва назорати остида олиб борилишини таъкидлади.



Исроил разведкаси хизматининг юқори мансабли ходимларидан бири Эрон 2009 йилда ядро бомбаси яратиши мумкинлиги эҳтимолдан йироқ эмаслигини айтди. АҚШ Давлат департаменти расмий вакили Шон Маккормак эса: «Техроннинг ушбу баёноти тўғрилигини ҳали тасдиқлай олмаймиз», — деди.

ИСТАМБУЛ — АСОСИЙ ДАЪВОГАРЛАРДАН БИРИ



Еврокомиссия матбуот хизматининг тарқатган маълумотида қараганда, Туркиянинг Истамбул шаҳри 2010 йилда ўтказиладиган Европанинг маданий пойтахти танловида ғолиб чиқиши мумкин. Шунингдек, Германиянинг Эссен, Венгриянинг Печ шаҳарлари ҳам бу номга даъвогарлик қилишмоқда. Рур минтақасида жойлашган Эссен шаҳрида муҳим маданий ўзгаришлар амалга оширилган эди. Печ Венгриянинг Будапештдан кейинги иккинчи маданий маркази ҳисобланади. У Европанинг бошқа қисмларини Болқон билан алоқаларини мустаҳкамлашда воситачи ролини ўйнайди. Ва, ниҳоят, Истамбул эса Европа ва Осиё ўртасида том маънода кўприк вазифасини ўтайди, дейилади матбуот хабарномасида. 2006 йилда Грециянинг Патра шаҳри Европанинг маданий пойтахти деган юксак номга сазовор бўлган эди.

ХУНРЕЗЛИК

«Ал-Арабия» телеканали сешанба кунини Эрондаги «Оллоҳ аскарлари» номли исёнчилар гуруҳи томонидан суратга олинган видеотасмани намойиш этди. Унда қуролли исёнчилар Эрон гвардияси офицерини қатл қилиши аке этганди. Гуруҳ бошлиғи Абду-малик Рижий офицерни сўроқ қилгач, икки жангари уни отиб ташлашган.

Илгари расмий Техрон Рижийни «Ал-Қоида»нинг Эрондаги тузилмаси раҳбари деб эълон қилган эди. Мазкур жангарилар гуруҳи аввал ҳам камоқдаги шериклари озод қилинишига эришиш мақсадида ҳарбийларни гаровга олишганди.



Пайшанба кунини исёнчилар Чад пойтахтини эгаллашга уриниб кўришди. Ҳукумат кўшинлари уларга зарба бериш чоғида жанговар вертолётлардан ҳам фойдаланишди. Тушга яқин жангарилар отрядлари тор-мор қилинди. Бу ҳақда мамлакат Президенти Идрисс Деби Итно радио орқали қилган чиқишида баёнот берди.

ИСЁНЧИЛАР МАҚСАДИГА ЕТОЛМАДИ

Баъзи маълумотларга қараганда, исёнчилар илгарироқ пойтахтдан 400 км шарқда жойлашган Монго шаҳрини эгаллашган. Бу воқеалар 3 май кунини бўлиб ўтадиган президентлик сайловлари арафасида юз бераётгани мамлакатда вазият оёғирлигидан далолат беради. Чад раҳбарияти Суданни мамлакатда барқарорликни издан чиқаришга уринишида ва айирмачиларни қўллаб-қувватлашда айбляпти. Чаднинг ҳозирги Президенти 1990 йилда давлат тўнтариши ёрдамида ҳокимият тепасига келган эди.

Фарзандларимиз кучли, билимли, ақли ва доно бўлишлари зарурлиги Президентимиз томонидан бот-бот такрорланади. Бу борада келажак авлод учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳар қандай кишини қувонтириши табиий. Бугунги ёшларимизнинг ақлини чархлашда, улар кенг дунёқарашли, зеҳли, салоҳиятли бўлиб камол топишида турли телеўйинларнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Тахририятнинг бугунги меҳмони — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Заковат» интеллектуал кўрсатув муаллифи ва бошловчиси Абдурасул АБДУЛЛАЕВ бўлди.

— Абдурасул ака, келинг аввало, «Заковат» кўрсатувининг ташкил этилиши тўғрисида тўхталсак.

— Ушбу кўрсатувнинг тарихи жуда узоқ. Болалигимда Россия телеканалда намойиш этиладиган «Нима? Қачон? Қаерда?» деб номланган ўйинни завқ билан томоша қилардим. Уша пайтда шунга ўхшаш кўрсатувни ўзимизда ҳам тайёрлаш фояси туғилганди. Эсимда, 1990 йили «Ёшлик» студиясида бир кўрсатув ташкил этилиб, кўп ўтмай йўқ бўлиб кетганди. Бунинг сабабини ўзимча таҳлил қилиб юрдим. Орадан беш йил ўтгач, радиодан телевидениега ишга келдим. Бутун фикру хаёлимни кўрсатувни қандай ташкил этиш гоёси чулғаб олганди. Ҳатто кечалари тушимга кириб чиқарди. Аввало, билимдонларни тўғри танлай олиш кераклиги, дуч келган иштирокчи билан ўйинни бошлаш кўрсатувни узоққа олиб бормаслигига амин бўлганман. Бунда билимдонларни топиб, улар билан машғулотлар ўтказиш муҳим омил эканлигини англаб етдим. Гоёни пиширтиб олгач, устозим — Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон билан маслаҳатлашганимда, у киши фикримни қўллаб-қувватладилар. Бир куни юмуш билан Мирзо Улуғбек номили Ўзбекистон Миллий университетида бориб қолдим. Мазкур олийгоҳнинг ўша пайтдаги ректори, академик Т. Долимов билан суҳбатлашиш асносида фикримни айтиб, ёрдам беришини сўрадим. Мамлакатимизнинг отахон университетини танлашимга сабаб, бу ерда талабаларга турли соҳалар — аниқ ва ижтимоий фанлар бўйича чуқур таълим берилиши эди. Иштирокчилар турли соҳа вакилларидан иборат бўлиши ҳам жамонинг кучлилиги, ҳам ўйиннинг қизиқарли ўтишини таъминларди. Бироз ўтгач, факультетлардан 30-40 нафар талабани ажратиб беришди. Биз танлов ўтказиб, 6-7 нафарини саралаб олдик. Улар билан ўйиндан олдин уч ой мобайнида ҳар куни машғулотлар ўтказилди. Кечалари турли адабиёт-

лар билан танишиб, саволлар тузиб чиқардим. Россияда «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинини ташкил этган В. Ворошиловнинг «Феномен» асарини ўқиб чиққанымдан сўнг оддий эмас, мантиқий саволлар бериб, билимдонларни мулоҳаза қилишга ундаш кераклигини тушундим.

— Баъзилар «Заковат»ни Россия телеканалдаги сиз тилга олган телеўйиндан кўчириб олинган, деб ҳисоблайди...

— Ҳа, дастлаб айримларда бу кўрсатув кўрона кўчириб олингану,

ўтказилган ўйинга таклиф этишди. Унда тажрибали саналган иштирокчилар 6:1 ҳисобда мағлубиятга учрашди. Айтмоқчиманки, ўйиннинг даражасини ҳисобга қараб белгилаб бўлмайди, аксинча, саволлар кучли бўлиши керак экан. Айнан ўзбек йигит-қизлари зеҳни, идроки билан қийин ҳолатлардан чиқиб кета олишадими, деган фикрни мақсад қилиб олганмиз. Ушанда тасмага ёзилган «Заковат» кўрсатувини намойиш этганимизда, улар бизга яна нималарга эътибор қаратишимиз кераклигини ва бошқа маслаҳатларни беришди. Айни дамда сараланган, шакланган 4 та гуруҳ иштирокчилари қизиқарли ўйин намойиш этиб келишмоқда. Бухоро жамоасининг ўйини қовушмаётганига машғулотлар яхши йўлга қўйилмагани сабаб бўлапти.

— Шу йўналишдаги кўрсатувлар бошқа давлатларда ҳам мавжудми?

— Албатта. Бундай интеллектуал ўйин Россия, АҚШ ва Арманистон телевидениеси орқали намойиш этилапти.

— Ўзбекистон телеви-

Бундай ўйинлар ҳам бўлиши керак, деб ўйлайман.

— «Заковат» иштирокчилари талабалардан иборат бўлиб қолмаётими?

— Кўрсатувда иштирок этиш учун ҳеч қандай чеклов йўқ. Марҳамат, ўз билимини синамоқчи бўлганларни саралаш машғулотларига таклиф этаман. Ютқазиб қўйишдан кўрқиб халқимизга хос хусусият. Аксарият кишиларда:



— Бир пайтлар телеомошабинлар меҳрини қозонган баъзи ўйинчилар нега дир кўринмай қолди?

— Илга-

билан хайрлашишга мажбур бўлдик.

— Шу билан бирга, билимдонларимизни нуфузли ташкилотларга ишга таклиф қилишгани бу бизнинг ютуғимиз, деб ўйлайман.

— Иштирокчиларга бериладиган саволлар қай йўсинда саралаб олинади?

— Келатган хатларнинг аксарияти саволлардан иборат. Баъзи юртдошларимизнинг қанақадир қоғоз парчасига ёзиб юборган саволи жуда мантиқли ва қизиқарли бўлади. Айримлар ўн талаб жумбоқлар жўнатишадия, лекин биронтаси ҳам тўғри келмайди. Саволлар ўйинга қўйилишидан аввал турли соҳа вакилларидан иборат бўлган экспертлар уларни саралаб олишда ёрдам беришади. Бу борада Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат юридик институти ва бошқа олий ўқув юрталари олимларининг кўмаги катта бўлмоқда. Билимдонларга бериладиган саволларга талабчанлик билан қаралади. Шу боисданми, савол борасида ҳанузгача бирорта эътироз билдирилгани йўқ.

— Кейинги пайтда ҳомийлар масаласида қийинчилик туғилаётганга ўхшайди...

— Тўғри айтдингиз, ҳомийлар топишда жуда қийиналяпмиз. Бош ҳомийларимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ва Ўзбекистон Миллий университети ҳисобланади. Ўтган йилдан бошлаб билимдонларни саралаб олиш ва ҳафтасига икки марта машғулотлар ўтказиш учун университет раҳбарлари алоҳида хона ажратиб беришди. Афсуски, маънавиятимиз, ёшлар келажиги билан боғлиқ бўлган кўплаб идора ва ташкилотлар бу масалага бефарқ қарашмоқда. Ваҳоланки, «Заковат» нафақат телеўйин, балки ёшларимизнинг ақлини чарқлатишга, дунёқарашини кенгайтирадиган, мушоҳада қилишга ундайдиган кўрсатув саналади.

— Кўрсатув янги жойда олиб борилаётганидан буён анча жозибали тус олди. Уни янада шакллантириш ниятингиз борми?

— Бор, албатта. Ҳозирда кўрсатув Ўзбекистон Миллий университети томонидан ажратилган хонада суратга олинмоқда. Баҳоли қудрат ёрдамлари ҳамда тайёрлаб берган студия учун дорилфунун раҳбариятига ташаккур айтмоқчиман. Насиб қилса, кўрсатувни янада шакллантириш ниятидамиз. Келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватловчилар янада кўпайишини истардим.

— Кўрсатув янги жойда олиб борилаётганидан буён анча жозибали тус олди. Уни янада шакллантириш ниятингиз борми?

— Бор, албатта. Ҳозирда кўрсатув Ўзбекистон Миллий университети томонидан ажратилган хонада суратга олинмоқда. Баҳоли қудрат ёрдамлари ҳамда тайёрлаб берган студия учун дорилфунун раҳбариятига ташаккур айтмоқчиман. Насиб қилса, кўрсатувни янада шакллантириш ниятидамиз. Келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватловчилар янада кўпайишини истардим.

— Кўрсатув янги жойда олиб борилаётганидан буён анча жозибали тус олди. Уни янада шакллантириш ниятингиз борми?

— Бор, албатта. Ҳозирда кўрсатув Ўзбекистон Миллий университети томонидан ажратилган хонада суратга олинмоқда. Баҳоли қудрат ёрдамлари ҳамда тайёрлаб берган студия учун дорилфунун раҳбариятига ташаккур айтмоқчиман. Насиб қилса, кўрсатувни янада шакллантириш ниятидамиз. Келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватловчилар янада кўпайишини истардим.

Қобилжон ШОКИРОВ суҳбатлашди.

«ЗАКОВАТ»



тезда назардан қолади, деган шубҳа бор эди. Лекин йиллар давомида кўрсатув қандай бўлиши, билимдонлар қай тарзда иштирок этиши, ҳатто мусиқасига ҳам ўйлаб, пиширтиб юрганым ундан фарқ қилишига асос бўлди. Кўрсатувнинг илк намойишидан уч кун ўтгач, хатлар бўлимидан кўнғироқ қилиб, 400 та мактуб келганини айтишди. Одамлар ўз номларида ушбу кўрсатувни соғиниб юришгани, ўзимизда ҳам интеллектуал ўйин ташкил этилганидан хурсанд бўлишганини ёзишганди. Бир ой ичида 20 минггача хат олишимиз менга янада илҳом бағишлади.

Ўтган йили «Нима? Қачон? Қаерда?» кўрсатувини ташкил этилганининг 30 йиллигига бағишлаб

дениесида «Интеллектуал ринг», «Қилни қирқ ёриб» каби бир қанча бошқа телеўйинлар намойиш этилапти. Уларга муносабатингиз қандай?

— «Заковат»ни ўзимча режалаштириб юрган кезларим орадан вақт ўтгач, яна қандайдир кўрсатувлар пайдо бўлади, деб ўйлардим. Яъни, рақобатчи бўлиши ва биз унга тайёр туришимизни ҳис қилганмиз. Ижодий рақобат юзига келгандагина кўрсатувларнинг даражаси ҳам ижобий томонга ўзгаради. Бирининг гоёсини иккинчиси ўғирлаши, такрорлаши, бир-бирига ўхшашга ҳаракат қилиши фақат зарар келтиради. Афсуски, яқинда ёпилган «Иқтидор» кўрсатувини ўз йўлини топа олмай, айнан «Заковат»га ўхшашга ҳаракат қилди. Шунинг учунми у муваффақият қозона олмади. «Қилни қирқ ёриб» ўз йўналишига эга, ҳуқуқий баҳс сифатида танилди. «Интеллектуал ринг»да эса хоҳлаган киши иштирок этиши, билими, салоҳиятини синаб кўриши мумкин. У кенг омма учун ташкил этилган.

катта бўлсам-да, ёш болаларга ютқазиб қўйиб чиқиб кетсам шарманда бўламан, обрўйимга путур етади», деган фикр ўрнашиб қолган. Талабаларда эса ютқазадиган ҳеч нарса йўқ. Баъзи билимдонлар 30-32 ёшга кирган бўлса-да, яхши ўйин намойиш этишмаяпти. Эсимда, кўрсатувни энди бошлаганимизда Москва, Киев университетларини тамомлаб келган, 40-45 ёшлардаги фан докторлари иштирок этмоқчи бўлишганди. Саволлар тузиб келиб, бир-икки машғулот ўтказдик. Машғулотлар чоғида улар ўзларини йўқотиб қўйишар, билганларини ҳам тушунтириб беришга қийналишарди. Экранга чиққандан кейин мулзам бўлиб қолишларини ўйлаб, қатнашмай қўйишди. «Заковат» — бу билимлар ринги. Унда қайсидир томон мағлуб бўлиши керак. Айниқса, билимдонларимиз ютқазиб қўйишса, бунинг ўзларига сингдиришлари қийин кечаяпти. Аксинча, мағлубиятни ҳам табиий ҳол, деб қараш лозим. Шунини таъкидлаш жоизки, ўтган йилдан бош-


рилар саволга тўғри жавоб берган билимдонни ўйин давомида тез-тез мақтаб турардим. Бу нарса айрим иштирокчиларнинг руҳиятига салбий таъсир қилди. Натижада улар «юлдуз»лик касалига йўлиқишди. Яхши ўйин намойиш этган йигит-қизлар мақтовлардан ҳаволаниб кетиб, янги иштирокчиларни ҳурмат қилмайдиган, атрофдаги таниш-билишларидан ўзларини устун қўядиган бўлишди. Мен улардан ҳаволаниб кетмасликни илтимос қилардим. Аста-секин хатоимни тушуниб етдим, айримларни ҳалдан ташқари мақтаб юборган эканман. Шу боис, улар



*Азиз мухтарийлар!
Баргангизки хоҳадимиз
га қаровончак ва тинчлик
Тилаб, или широк уйин-
гизки доим қаровон этиб
туруш.*
"Заковат" бошловчиси А.Абдуллаев




Bugun siz uchun bir oz murakkabroq bo'lgan boshqotirmalarni taqdim etmoqchiman. Zehningizni namoyon eting, diqqatingizni bir joyga to'plang, bor qobiliyatingizni ishga soling va albatta siz berilgan topshiriqlarning barchasini hal etasiz.




Ushbu chizmaning chap tomonidagi shaklli aylanalarni o'ng tomondagi tegishli harflar bilan almashtirib chiqsangiz, yaqindagina 670 yillik yubileyi nishonlangan buyuk bobomiz Amir Temur yozib qoldirgan hikmatlardan birini bilib olasiz.



Mana bu suratlarda esa ikki xil manzara tasvirlangan. Ammo rassomning mahorati bilan ularda 10 ta bir xil chizmalar bor. Ularni topishingizga ishonaman.




Gugurt cho'plaridan tuzilgan matematik jumboq sizni yanada qiziqtirishiga ishonchim komil. Gugurt cho'plariga tegmasdan, ya'ni ularning joylarini umuman o'zgartirmagan holda yig'indining 10 ga tengligini isbotlang. Ushbu matematik jumboqning javobini ikki usulda topish mumkin.



Ushbu boshqotirma kataklariga «Q» harfi bilan boshlanib, «Q» harfi bilan tugaydigan 6 ta so'zni topib, yozib chiqing. Eng qizig'i shundaki, barcha so'zlar o'ngdan ham, chapdan ham bir xil o'qiladi.



Bahorda eng sevimli mashg'ulotlarimizdan biri bu varrak uchirish, to'g'rimi? Gohida varraklarimiz ipi simyog'ochlarga o'ralib qolgan paytlar ham bo'lgan. Quyidagi rasmda ham uch tengdoshimizning varraklari bir-biri bilan chalkashib ketibdi. Ajratishga yordam bering.



Rebus qanday yechilishini bilsangiz kerak, hoynahoy. Bilmasangiz, kattalarni yordamga chaqirishingizga to'g'ri keladi. Siz hal etishingiz lozim bo'lgan rebusda ham hikmatli so'z yashiringan.



Quyidagi krossvordni chap tomondagi rasmlardan foydalanib, hal eting.



Хожа 1480 йили Нисо шахрида дунёга келган. У дастлаб отаси қўлида, сўнгра Нисо ва Марв мадрасаларида таълим олган. Ижтимоий фаолиятини темерийзодалардан Нисо вилояти хукмдори Кепак Мирзо хукуматида 1496 йили ёзида садр (ер ўлчовчи)лик вазифасида бошлаган. 1508 йили Нисо ва Обивард вилоятлари шайбонийлар томонидан забот этилганда Хожа етук шоир ва адиб сифатида танилган эди. Шу йили Шайбонийхон урушдан қайтаётганида Нисода тўхтаб, Хожани Дуррун вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди. Шайбонийхон ҳалокатидан кейин эса Хожа мамлакат ичкарисига — дастлаб Самарқанд, кейинроқ Бухорога келиб қўним топади.

ПОДШОХОЖА

Саййид Подшохожа ибн Абдулваҳобхожа мутафаккирниинг тўлиқ исми бўлиб, Хожа унинг тахаллусидир

У 1529 йили Бухоро ҳокими Убайдуллохон замонида қисқа вақт шайхулисломлик қилган. 1534 йили Убайдуллохон Нишопурга келганда Балх ҳокими Кистон Қаро ундан Хожани ўз хузурига юборишини сўрайди. Шундан сўнг Хожа Балхда аввал садрлик, кўп ўтмай эса шайхулисломлик вазифасини бажаради. 1543 йили ҳоким Кистон Қаро руҳий касалликка чалингандан кейин Хожа ўз вазифасидан кетиб, ижод билан машғул бўлди. У 1547 йили Бухорода вафот этади ва Баҳовуддин Нақшбанд мақбараси ёнига дафн қилинади.

Хожанинг бизгача Темур Султонга аталган «Мифтоҳ ул-адл» («Адолат қалити»), Кистон Қаро Одилта бағишланган «Гулзор» фалсафий-ахлоқий асарлари ва Жонибек Султон шаънига битилган «Мақсад ул-атвор» ахлоқий-дидактик маснавий-достони ҳамда бир неча газаллари этиб келган. Ҳасан-

хожа Нисорийнинг «Музаққир ал-аҳбоб» таъкирасида келтирилишича, Хожа «Лайли ва Мажнун» номли асар ҳам ёзган. Аммо бу асар ҳалигача топилгани йўқ. Хожа буюк мутафаккир-устоз Алишер Навоийга эргашиб, «Хамса» яратиш орзусида бўлган бўлиши мумкин. «Мифтоҳ ул-адл» асари ўн беш бобдан ташкил топган бўлиб: ҳар бир боб муайян ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий масалаларга бағишланган.

Хожа ҳар бир бобда инсоният маънавий тараққиётида барча даврлар учун муҳим аҳамиятга эга

бўлган муаммоларни изоҳлаб беришга ҳаракат қилган. Шоирнинг «Гулзор» асари ҳам мазмун ва кўтарилган муаммоларнинг долзарблиги билан «Мифтоҳ ул-адл»га ўхшаб кетади. Хожа ушбу асарини Балх давлатининг шайхулисломлари лавозимида фаолият кўрсатган пайтида ёзган. Дин ҳомийлари эса у пайтларда катта нуфузга эга бўлганлар. Бинобарин, Подшохожанинг асари ҳам беклар учун давлатни бошқариш,

ни инсофли, диёнатли, саховатли бўлишга чақириб, бева-бечоралар, камбағал-қашшоқлар ҳақидан кўрқмайдиган ситамгар, золим, қонхўр, хасис кишиларни фош қилади.

Хожа ўз даврининг етук мутафаккири, шоири бўлиб, дин ва тасаввуф илмларини ҳам чуқур эгаллаган, ўша даврда Мовароуннаҳрда кучли оқимга айланган яссавия, қаландария, нақшбандия тариқатлари моҳиятини тўла англаб етган

туфайли эришиш мумкин. Бунинг учун инсон ростгўй, ҳалол, диёнатли, инсофли, меҳр-шафқатли, камтар бўлмоғи, бошқаларга яхшилик қилиб, меҳр-оқибат кўрсатиш фикри билан яшамоғи, дилзорлик, ўғрилиқ, мунофиқлик каби ярамас иллатларни ақл-фаросат ва қаноат билан енгиб ўтмоғи керак.

Хожа жамиятда ижтимоий адолат барпо этилиши учун шу жамиятни бошқариб борадиган султон, бек ва йирик амалдор шахслар, дини ислом ҳомийларини инсоф ва диёнатга, тўғрилиқ ва ҳалолликка даъват этади, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқ ва бурчидан тўғри фойдалансин деган фикрга келади. Айниқса, унинг мукаммал жамиятда одамлар тенг ҳуқуқли бўлиши лозим деган фикри диққатга сазовордир.

Шоир инсон муайян ижтимоий муҳитда, таълим-тарбия натижасида яхши хулқли бўлиши мумкин, деб ўйлайди. У ўзининг «Мақсад ул-атвор» асарида дин ва илм кишини ростгўйликка, ҳалолликка, покликка, ёмонни яхшидан ажратишга олиб келади деган фикрни илгари суради.

XVI асрнинг етук шоирларидан Бобур Хожанинг бир неча газаллари билан танишиб, унга ижодкор сифатида ҳурмат билан қарайди ва маслаҳатлар бериб туради. Хожагон тариқатининг XVI асрдаги буюк тарғиботчиларидан бўлган мутасаввуф олим Махдуми Аъзам Косоний асарларида Хожани «юксак парвозли лочин» деб таърифлайди.

халқ билан қандай муносабатда бўлиш ҳақида битилган ўғитнома ҳисобланади.

Адибнинг «Мақсад ул-атвор» достони унинг дунёқарашини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. У инсонни фақат яхшилик қилиш учун яратилган деб билади, одамлаги иллатларни ақл-заковат ва донолик ёрдамида йўқотиш мумкинлигига ишонади. Хожа зеб-зийнат, бойлик ва мартаба инсонга маънавий фазилат бермайди деган хулосага келади. Шунинг учун ҳам у ўз қарашларида хон, бек ва катта мол-дунё эгалари бўлган кишилар-

шайхулислом даражасига кўтарилган сиймолардан бири эди.

Мутафаккир ер юзидаги барча инсонлар дини, жинси, ирқи, миллати, тилидан қатъи назар худо яратган бандалар, деб билади, одамларни тутган ўрни, мавқеи, мартабаси қанақа — шоҳми, галоми — Ҳақ таоло олдида тенг ва жавобгар эканлигини айтади. Шу боис, инсон нафсоний ҳавасларга берилиб, ўткинчи дунё ташвишларига муккасидан кетмаслиги, ботиний дунё гамини ҳам ёддан чиқармаслиги керак деган фикрни олға суради. Бунга руҳий комиллик

Зокир БОЛТАЕВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Пирмухамедов, Рафика, Рақс, Мориарти, Ис. Анқара, Нома, Лир, Сарвар, Улфат, Ов. Ара, Ага, Ефремов, Ибрат, «Орор», Наво, Ли, «Елкан», Така, Ари, Кулги, Идрис, Чили, По, Том, Ер, «Бақара», Довон, Равина, Ҳал, Марс, Астроход, Дакар, «Уфқ», Киви, От, Ов, Аки, Ми, Енг, Идрок, Остона, Денгиз, Иори, Қалдирғоч, У, Маржон, Рус, Ондатра, Ян, Лем, Гера, Антони, Ораз, Ма, Си, Нок, Ун, Тан, Коп, Салима.
БҮЙИГА: Параллелепипед, Академия, Росси, Нон, Ҷарор, Ҷура, Твен, Мис, Вена, Бодринг, Лат, «Манас», Гипотеза, Хамдамов, Бо, Воҳидов, Потти, Морава, Диалог, Инари, Орол, Немо, Акраб, Вудворд, Драп, Охра, Ки, Аа, Труба, Ка, Рат, Риал, Тут, Бамако, Раис, Фа, Акита, Аристофан, Афина, Откулоқ, Отар, Алимахсумов, Они, Оқим, Гол, «Ра», Фин, Ном, Асалари, Исмалок, Акустика.

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

(Боши ўтган сонларда).

ЖОЙ

Кимки, ўз уйини, ҳовлисини, ишхонасини тоза, саришта ҳолда кўрса — оиласи тинч, саломат, ишларининг яхшилигидан хабар. Бу жойлар ташландик, ифлос ҳолда кўринса, яқин кунларда хонадонига нотинчлик келишидан, ишхонасида ўзининг айби билан катта хатога йўл қўйилганидан даракдир. Аёл киши ўз уйини гўзал ва саришта ҳолда кўрса — тез кунда бахтини топади, агар оилалик бўлса — эрига юқори амал ва катта маблағ насиб этади.

ЖҲҲ

Кимки жўжани кўрса — ишида ва ҳаётида шошқоқлик ва эҳтиётсизлик қилаётганига ишора. Агар жўжаларни товук билан кўрса — фарзандлари таълим-тарбияли ва соғлом бўлишидан хабар. Бу тушни аёл кўрса — серфарзанд ва сердавлат бўлиши. Кимки кўп жўжаларни кўрса — қилаётган ишдан катта манфаат, ютуқ олишига белгидир.

ЖОДУГАР

Жодугарни тушда кўриш — нотинчликдан хабардир. Омадсизлик, гам-ташвиш келиши мумкин. Агар жодугар билан курашиб, уни енгса ёки узокларга ҳайдаб юборса — ёмонликдан халос бўлгани ва барча ишлари яхши тарафга бурилганидан дарак.

ЗИРАК

Ҳомиладор аёл кўрса — киз туғади. Бошқалар-

га эса қандайдир сирдан воқиф бўлишларига, совға олишларига ишора. Эр киши кўп зирак олса — тақлиф тушади, қилаётган ишидан яхши даромад олади. Аёл киши кўп зирак олса — яқин дугоналарга ва улкан бахтга эга бўлади. Сохта, жез зирак — алдов ва вақтинчалик шодлик.

ЗУМРАД

Кимки зумрад кўрса — хушxabар эшитади. Агар олса — меросга эга бўлади. Аёл кишининг қулоғида кўриш — жанжал, йўқотиш. Агар, аёл киши зумрад тақинчоқларга бурканиб кетганини кўрса — дўст-душманининг фарқи бормаётганлигининг, хушторлари кўплигининг белгисидир.

ЗУЛМАТ

Касаллик келаётганидан, ишларнинг пачава-си чиқа бошлаётганидан дарак. Зулматдан ёруғликка чиқиш — ҳамма нарсанинг ўз ўрнига тушиши.

ЗИЁФАТ

Зиёфат — яхшиликлардан хабар. Зиёфат устидан жанжал рўй бериши — қилиниши мумкин бўлган хатога, гуноҳга ишора. Туш соҳиби зиёфатда хизмат қилаётганини кўрса — яхши, даромадли ишга эга бўлади. Аёл киши ўзини зиёфатда меҳмон ҳолида кўрса — иғво ва ҳақоратга қолиши мумкин. Қиз бола ўзини ўз уйидаги зиёфатда кўрса — унинг тўйи бўлади.

(Давоми бор).

ТЕРГОВЧИ-ФУТБОЛЧИЛАР БАҲСИ

Республика ИИВ Тергов Бош бошқармасининг бўлимлари вакилларида тузилган 4 та футбол жамоаси ўртасида минифутбол турнири бўлиб ўтди. Олимпия ўйинлари тартибидега ўтказилган мусобақалар кескин ва муросасиз бўлиб, ҳар бир жамоа ғолибликни қўлга киритиш учун астойдил курашди.

Финалда ўзининг техник ва тактик маҳоратини ишга солиб, ғайрат, шижоат билан чиройли ўйин кўрсатган А. Эгамбердиев бошчилигидаги жамоа ғолиб деб топилди. Қолган жамоалар кейинги ўринларни ўзаро баҳам кўрдилар. Турнирда, шунингдек, энг яхши ўйинчи, энг яхши тўпурар, энг яхши ҳимоячи ва энг яхши дарвозабон номинацияси бўйича ғолиблар аниқланди.

Қ. НАБИЖОНОВ,
майор.

Суратда: ғолиб жамоа.



«НАТИЖАЛАРДАН МАМНУНМИЗ»

Аввал хабар берганимиздек, Чирчиқ шаҳрида иккинчи Умумармия спорт мусобақаларига старт берилганди. Кунни кеча беллашувларга якуни ясалди. Ушбу спорт мусобақаларида иштирок этган республика ИИВ Қоровул қўшинлари ҳарбий спорт жамоаси ҳам яхши натижаларга эришиб, ғолиблар қаторидан муносиб ўрин эгалладилар.

— Авваламбор, Умумармия спорт мусобақаларидан кўзланган асосий мақсад республика Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда

спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги, оммавий спортни тарғиб қилишни кучайтириш борасидаги қарорлари ижросини

таъминлаш ва ҳарбий хизматчиларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, бу билан уларнинг маҳорати ва жисмоний баркамоллигини янада оширишдан иборат, — деди Қоровул қўшинлари спорт жамоаси раҳбари, подполковник А. Ситин. — Спортчиларимизнинг кўрсатган натижалари кўнгилдагидек бўлди. Ўтган беллашувларда

битта олтин ва тўртта бронза медалига эга бўлгандик. Бу йил тўққизта олтин, учта кумуш, битта бронза медали ва эстафета мусобақаси учун битта биринчи даражали, офицерлар учкураши беллашувида иккита биринчи даражали дипломлар қўлга киритилди.

Офицерлар учкураши беллашувида майор Ш. Толипов, катта лейтенант Н. Гулбоев, ҳарбий-спорт мажмуига кировчи кўпкураш мусобақасида майор Т. Худойбергенов, енгил атлетика бўйича шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар — сержант Т. Йўлдошев, олдий аскарлар В. Смирнов, В. Вдовенко, А. Кучирбаевлар, кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, катта лейтенант В. Перетейко, мuddатли ҳарбий хизматчилар — олдий аскарлар Т. Омонов, Д. Чориев, Х. Набиев, Ш. Пўлатовлар Қоровул қўшинлари спорт жамоаси шаъни муносиб ҳимоя қилдилар.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
сержант.

Суратда: мусобақа иштирокчилари.



Навқирон, қадимий Қарши шаҳрида санокли кунлардан сўнг бошланган «Умид ниҳоллари» ўйинларининг республика босқичига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Бу нуфузли спорт тadbири боис, бир қатор замонавий спорт мажмуалари қад ростлаб, шаҳар кўркига кўрк қўшди. Олимпия захиралари коллежининг замонавий қиёфаси ўзгача чирой бахш этиб турибди. Унда ёшларимизнинг кўплаб спорт турлари билан шуғулланишлари


НАСАФ УМИДЛИ ЁШЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

ри ҳамда билимларини оширишлари учун қўлай имкониятлар яратилди. Ташкилий қўмитадан олинган маълумотларга қараганда, жами 32 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Шулардан 14 та спорт мажмуаси, 10 та ётоқхона ва 8 та ошхонада таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Спорт мусобақаларини кўнгилли ва мазмунли ўтказишда вилоят ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Ётоқхоналарда, машқ қилиш жойларида мунтазам назорат-кузатув постлари ташкил этилган. Беллашувлар ўтадиган ўйингоҳлар, спорт майдончалари ат-

рофида, жамоат тартибини сақлаш, биноларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, қатнов йўлларида ҳаракат маромини рисолагагидек таъминлаш мақсадида режалар ишлаб чиқилган.

Ўз мухбиримиз.
Суратларда: «Умид ниҳоллари» ўйинлари ўтказиладиган спорт қошоналари.



ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР»

ҲОЗИРЧА ПЕШҚАДАМ

Ўтган чоршанба кунни Осиё Чемпионлар лигасининг навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» футболчилари Эроннинг «Фулад» жамоасини қабул қилди. «А» гуруҳида «Пахтакор»нинг энг кучли рақиб деб ҳисобланган «Фулад» жамоаси ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ ташаббусни қўлдан бериб қўйди. «Пахтакор»чилар ўзига хос тарзда кетма-кет ҳужумлар уюштирдилар. Эронликлар эса, имконият бўлди дегунча ҳужумга ўтишга ҳаракат қилдилар.

Ўйиннинг 13-дақиқасида меҳмонлар дарвозабони билан яккама-якка чиққан Зайниддин Тожиев ҳисобни очди. Моҳирлик билан тепилган тўп дарвозабоннинг устидан ўтиб, тўрга тушди. 35-дақиқада эса яна Зайниддин Тожиевнинг дарвозага яқинлашиб келаётганини кўрган рақиблар ҳимоячиси унга нисбатан кўполлик ишлатди. Ҳакам ҳимоячи Сайид Алавини оғоҳлантириб, жарима тўли белгилади. Одатда мухлислар ана шундай вазиятда моҳир футболчи Миржалол Қосимовнинг кўп ҳолларда гол уришига ўрганиб қолганлар. Сервер Жепаров ҳам бу борада М. Қосимовдан қолишмаслигини исботлади. У тўпни чиройли тарзда дарвозага йўллади — 2:0.

Учрашувнинг иккинчи таймида ҳисоб ўзгармади. Учинчи турдан сўнг «Пахтакор» гуруҳда пешқаддам бўлиб турибди.

«МАШЪАЛ» ЭСА УЧИНЧИ ЎРИНДА

Бу йил биринчи марта қитъамиздаги нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Муборакнинг «Машъал» жамоаси ўтган икки учрашувда рақибларга муносиб қаршилик кўрсатиб, тўрт очко жамғарган эди. Навбатдаги учрашувни Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» футболчилари билан ўтказган муборакликлар мухлислар ишончини оқлай олмадилар.

Тўғри, «Ал-Ҳилол» ўз мамлакатининг энг кўп чемпиони бўлган жамоа, Осиёда ҳам кучлилар қаторида тилга олинади. Бироқ мутахассислар ҳам, ишқибозлар ҳам ўйин давомида дарвозабон Юрий Цойнинг кўпол хатоларга йўл қўйганини таъкидлашди. Шунингдек, ҳимоячиларнинг ўйини айрим ҳолларда қовушмай қолгани ҳам мезбонларга қўл келди. Моҳир футболчи Хайрулла Каримовнинг майдондан четлатилиши бундан ҳам ўтиб тушди. Шу кунни «Машъал» ўз дарвозасидан бешта жавобсиз тўп ўтказиб юборди...

Навбатдаги учрашувлар 26 апрель кунни бўлиб ўтади. «Пахтакор» Эронда «Фулад» меҳмони бўлади. «Машъал» эса «Ал-Ҳилол»ни қабул қилади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Минифутбол бўйича Ўзбекистон 10-миллий чемпионати ниҳоясига етди. Финалда «Ардус» ва «Строитель» жамоалари майдонга тушдилар. Муросасиз ўтган ўйинда «Ардус» ҳар томонлама устун эканлигини исботлади. «Жиззах-С» жамоаси эса бронза медали соҳиби бўлди.

Германия темирйўллари футбол бўйича Жаҳон чемпионати ўтказилиши муносабати билан мамлакат бўйлаб сафарларга 25 фоиз чегирмаларга кафолат берилган махсус карточкалар сотувини йўлга қўймоқда. Агар чемпионатда Германия ғолиб келса, карточкалар йил охиригача амал қилади.

Россия Федерацияси терма жамоасининг дарвозабони Игорь Акинфеев «Guerin Sportivo» ҳафтаномаси (Италия) томонидан 1986 йил 1 январдан кейин тузилган ўйинчилар орасида жаҳондаги энг яхши дарвозабон дея тан олинди.

Жаҳон Чемпионатининг финал ўйини тилла суви юритилган тўп билан ўтказилади. Ғолиб жамоа тўпни кейинги чемпионатгача ўзида сақлаб қолади ва тўрт йил мобайнида олтин тўпнинг худди шундай нусхасида ўйнайди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республика ИИВ ЖИЭББ бўлим бошлигининг ўринбосари, подполковник **Толибхўжа КАМОЛОВ**ни 40 ёшга тўлгани билан самимий кутлаймиз. Жигарбандимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида катта ютуқлар, мартабаси янада улуг бўлишини тилаймиз.

Эҳтиром ила,
КАМОЛОВЛАР оиласи.

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ хузуридаги алоҳида милиция батальони взвод сардори, лейтенант **Абдусайд МУСАЕВ**ни туғилган куни билан табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, доимо омад ер бўлишини тилаймиз.

Ҳамкасблари.

Республика ИИВ «Жар» ССМ бўлим бошлиғи, подполковник **Раҳматулла РЎЗИМАТОВ**ни 50 ёши билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, оилавий хотиржамлик, ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

«Жар» ССМ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси муассислигида нашр этиладиган «Ўзбекистон матбуоти» журналининг жорий йилдаги ilk сони босмадан чиқди.

Ҳар доимгидек, журналнинг бу галги сони ҳам долзарб мавзуларни ўзига қамраб олган мақолаларга бойлиги билан ўқувчилар эътиборини тортишига шубҳа йўқ. Айниқса, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломовнинг «Ижодий танловлар — маҳорат кўриги», Хуршид Дўстмухаммаднинг «Журналист — шахс» деб номланган мақолаларида «олу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юривчи беҳаловат инсон» (таъриф

«Ўзбекистон матбуоти»нинг ушбу сонидан олинди)лар — журналистлар фаолияти ва ҳаёти изчил ёритиб берилгани диққатга сазовордир. Шунингдек, «Маънавият соати», «Боқий мерос», «Таҳлил ва сабоқ», «Мўйқалам мўъжизаси» каби рунклар остида ҳам бугунги ҳаётимизга оид бир қатор мавзулар қаламга олинган.

«Ўзбекистон матбуоти» кутубхонаси туркумидан чоп этиладиган китоб ва рисоалар сони яна биттага кўпайди. Журналнинг ушбу сонидан ана шу

«Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир».

Амир ТЕМУР.

«Саодатни ҳунарға ёр қилғил,
Ҳунардин бизни хабардор қилғил»

ХОРАЗМИЙ.

Халқнинг етуғи сахий кишидир. Сахийлик шараф, мартаба ва гўзалликни орттиради.

Аҳмад ЮГНАКИЙ.

Камол аҳш аро, албатта, топғай иззати олиш,
Ҳар қайси касбида ҳар кимсаким қилди ҳунар ихлос.

ОГАҲИЙ.

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ



2006 ' 1

мўъжизагина китобча ҳам чоп этилган. У «Кўш қанот» деб номланади.

Куйида журнал саҳифаларидан ўрин олган ҳикматли сўзларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

ОЛТИН УЗУККА – ЁҚУТ КЎЗ

Вариант: «Гулни гулга кўш». Бу мақоллар билан: «Қизингни муносиб кўёвга узат, ўғлингни муносиб келинга уйлантир», демокчи бўладилар.

ОЛТИН ЧИРИМАС, ДАЪВО ҚАРИМАС

Буни: «Даъво қаримайди, яъни сира ҳам эскирмайди. Орадан кўп йиллар ўтиб кетса ҳам, даъвогаринг сенга ўз даъвосини пеш қилади, гина-кудуратини кўзгайди, сенга ўтиб қолган ҳақини қайтаришингни талаб қилиб туриб олади. Шундай экан, авваламбор даъво-жанжалларга сабабчи бўладиган иш, хатти-ҳаракат, гап-сўз қилма», деган маънода қўллайдилар.

ОЛТИН ЎТДА ТОБЛАНАР, ОДАМ – МЕХНАТДА

(Тобланар - чиниқар, маъносида). Вариант: «Олтин ўтда билинар, одам – меҳнатда»; «Сувдан кечган – ҳўл бўлур, меҳнат чеккан – зўр бўлур»; «Меҳнат суйган – қаримас».

ОЛТИНДАН ОМОЧ БЎЛМАС, МИСДАН – ПИЧОҚ

Олтин шундай қадрли, қимматли бўлгани билан, бари бир омовч бўлиб, ерни ҳайдай олмайди. Мис ҳам темирға қараганда қимматбаҳо бўлгани билан пичоқни ундан эмас, темирдан, ясайдилар. Чунки, пичоқ мисдан ясалса, тезда ўтмас бўлиб, ейлиб кетади. Мазкур мақолни мажозан: «Ҳар бир нарса ва кимса ҳар қанча баланд ё паст саналмасин, кучини, фойдасини, самарасини, афзаллигини ўз ўрнида, ўз жабҳасидагина кўрсата олади», деган маънода қўллайдилар.

ОЛТИН ҲАЛҚАДАН КЕЧ – ҚУЛОҚ ОҒРИТСА, ЗАРДЎЗИ ЭТИКДАН КЕЧ – ОЁҚ ОҒРИТСА

Бу билан: «Агар сенинг қадринга етмаса, жонингга оро кирмаса, дилингга озор берса, вафодорлик қилмаса, олдинда «дўст» кўриниб, орқандан душманинг ишини қилиб юрса – ҳар қанча яқин, азалий, қадрдон бўлмасин, бари бир бундай ёр-дўстингнинг баҳридан ўт, ундан «қўлингни ювиб, қўлтигингга ур», кечиб юбор», демокчи бўлганлар. «Олтин эгаринг отга ботса, олтинни олда, ўтга ёқ» деган мақолни ҳам шу маънода қўллаганлар.

ОЛТМИШ КУН АТОН БЎЛГУНЧА, ОЛТИ КУН БУҒРА БЎЛ

(Атон – ахта туя; буғра – туянинг айғири; беш ёшдан ошган, кучли, бақувват, икки ўрқачли эркак туя). Мазкур мақол билан мажозан: «Қўлидан бир иш келмайдиган, ожиз, заиф одам бўлиб узоқ яшаганиндан кўра, кучли, серғайрат, серҳаракат, шиддатли, жўшқин, жасур одам бўлиб қисқароқ умр кўрганинг афзал», дейилмоқчи.

ОЛТМИШГАЧА ОШИР, ЕТМИШДАН СЎНГ ЯШИР

Бу мусулмонча одатдан келиб чиқиб айтилган гап. Мусулмонлар орасида киши Муҳаммад пайгамбар ёшига етмаган (яъни олтмиш учга тўлмаган) бўлса, пайгамбардай умр кўриш орзусида ёшини бир икки ёш катта қилиб айтиш, агар пайгамбар ёшидан ошган бўлса, бир ёш кичик қилиб айтиш ёки умуман айтмаслик одати бор.

ОЛКИШЛАМА, ОЛҚИШЛА!

Итти итга уруштирганда «Ол киш – ол киш!» деб жадаллаб, тезлаб, «ғус-ғуслаб» турадилар. Мақолдаги «Олкишлама сўзи» шундан олинган бўлиб: «Сен кишиларни бир-бирига ёмонлаб, чақиб, «ғиж-ғижлаб», олқишлаб, уриштирининг пайида бўлма, аксинча уларга яхшилик қил, яши ниятлар тилаб, олқишла», деган маънода насиҳат қиладилар.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

- КҮЙ. 21 март – 20 апрель**
Ташкилотчилик қобилиятингизни намоён этолмайсиз. Шунга қарамай принципиал масалаларда омад кулиб боқади. Қийинчиликларни ҳазил-мутойиба билан энгиш мумкинлигини унутманг. Шунингдек тутинги, белгиланган вазибаларни дарҳол бажармаганингиз маъқул. Келгуси душанбагача кайфиятингиз кўтарилади.
- СИГИР. 21 апрель – 20 май**
Ушбу ҳафта йилнинг энг сермаҳсул давридир. Ёдингизда қоладиган воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Ҳар қандай амалий ишлар осонгина бажарилади. Катта миқдорда сарф-харажатлар қилмасликка ҳаракат қилинг. Якшанба куни бироз нафас ростлаб, ҳордиқ чиқаришни маслаҳат берамиз.
- ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь**
Ушбу ҳафтада руҳингиз анча тетиклашади. Ҳамкасблар ва оила аъзоларингиз билан муносабатлар яхшиланади. Юзага келган муаммолар ечимига ўзгача ёндашасиз. Катта хатоларга йўл кўйишдан эҳтиёт бўлинг.
- ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль**
Ўз мавқеингизни мустаҳкамлаш учун қулай даврдир. Оиладаги обрўингизни яхшилаш чораларини кўриб, ота-онангизга яқиндан ёрдам берасиз. Йирик амалий лойиҳаларни бажаришда муносиб ўрин эгаллаш имконияти бор.
- АРСЛОН. 23 июль – 23 август**
Саъй-ҳаракатларингиз туфайли талайгина ишларни амалга оширишингиз мумкин. Бунинг учун сабртоқат талаб этилади. Муҳим йўналишларда фаолият юритишингиз мақсадга мувофиқдир. Бу ижтимоий аҳволингиз яхшиланиб, обрў-эътибор топишингизга олиб келади.
- БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь**
Мазкур ҳафта кўнгилдагидек ўтади. Ниҳоят илгари зиммангизга олган мажбуриятлардан халос бўласиз. Ўзингиз ёки хонадон учун бирор нарса харид қилишингиз мумкин. Саломатлигингиз бироз панд бериши эҳтимолдан холи эмас. Бизнес соҳасида муайян узилишлар кутилмоқда.
- ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь**
Фаол ҳамкорлик ва атрофингиздаги одамларнинг кўмагига ҳар қачонгидан кўпроқ эҳтиёж сезасиз. Вазиятни ўз фойдангизга ўзгартириш учун барча имкониятлар мавжуд. Хушхабарлар эшитасиз. Билдирилган таклифларни қабул қилишдан аввал жиддий ўйлаб кўринг.
- ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь**
Жамоа бўлиб бажариладиган ишларда яхши натижаларни қўлга киритасиз. Кенг омма билан алоқа боғлашингиз зарур. Шу боис, ҳар қандай таклифни иккиланмай қабул қилишингиз мақсадга мувофиқдир. Бой тажрибангиз атрофингиздаги одамларга асқотади. Дам олиш кунлари янгиликлардан хабар топиб, кўнглингиз кўтарилади.
- ЎЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь**
Ушбу ҳафтада қувончли воқеалар рўй беради. Турли ҳужжатларни расмийлаштириш анча вақтингизни олади. Кераксиз туюлган сафарларга бормаганингиз маъқул. Шахсий муносабатлар кескинлашишдан эҳтиёт бўлинг.
- ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь**
Амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш имконияти бор. Оилангизда тотувлик ҳукм суради. Белгиланган режаларни қийинчиликсиз амалга оширасиз. Жамоада обрўингиз ошиб, мавқеингиз яхшиланади.
- ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль**
Уйга жиҳозлар харид қилиш, кўнгилли ҳордиқ чиқариб, куч-қувват тўплаш учун қулай даврдир. Амалий масалаларда омад кулиб боқади. Саъй-ҳаракатлар туфайли даромадингизни кўпайтириб оласиз.
- БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март**
Ушбу ҳафтада ҳаётингизда катта ўзгаришлар рўй беради. Моддий аҳволингиз яхшиланади. Дўстлар билан мулоқот кутилмоқда. Асосий учрашувлар, харидларни душанба, чоршанба ва шанба кунларга режалаштирганингиз маъқул.

Одамлар қизик-да. Доимо ўзларига саргузашт излаб юришади. Бу дунёда бошларига неки савдо тушса, барига ўзлари сабабчи эканликларини кеч тушунишади. Гоҳо яхшилик деб ўйлаган нарсалари, бемаънилик ёки бошқалар учун жони зарар эканлигини тасаввур ҳам этишолмайди. Бундоқ ўйлаб қараганда охирини ўйламай қилинган яхшиликнинг ёмонликдан фарқи бўлмас экан.

Сарвар билан Нодира жуда соддадил одамлар, уч ўғил, икки қизнинг ота-онаси. Сарвар пахта заводида ишлайди, обрўи баланд. Ўзиям кўнгилчан, одамшинаванда-да. Бирам болажонки... Болалар бошқаларникига ҳайиқиброқ остона хатлашса уларникига бемалол, худди ўз уйларидек кириб келишаверади. Сарварнинг ўзиям темир-терсақлар ишқибозиди, ҳовлига қачон қараманг болаларнинг ҳали велосипед тузатаётгани, камерасини ямаётгани, мопедми ёки бошқа бир нарсани йиғиш билан овора эканлигини кўрасиз. Сарварнинг кўли очик, асбоб-ускуналар ҳамиша уларнинг ихтиёрида, қизганиш нелигини билмайди.

Кўз очиб юмгунча болаларнинг каттаси вояга етиб, ҳарбий хизматга чақирилди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, уйли-жойли қилишди. Кўп ўтмай тўнғич қизни турмушга узатишди. Кенжа ўғилни эса ҳарбий хизматга юборишди.

Маҳалладаги Нурали ҳам ҳарбий хизматдан қайтди. Онаси унга иш сўраб Сарварнинг олдига борди. Сарвар уни жуда яхши билади. Раҳматли Йўлчи аканинг тўнғич ўғли. Иллизини сўраб-суриштирсангиз, бир учи Сарварларга ҳам туташ. Отадан етти фарзанд ёш қолишган. Отаси раҳматли, мана-ман деган ошпаз эди. Капгиру пичоғини ҳамиша ёнида олиб юрарди. Бир куни кечаси тўйдан қайтаётганида оти хуркиб кетиб, муккасида опичлаб, кўни-кўшнининг кўрпа-тўшақларини қавиб, уч-тўрт сўм ишлаб, рўзгорини тебратди. Шўрлик меҳнатдан сира қочмади. Мана, фарзандининг олди вояга етиб, ишлаб пул топадиган бўлибди. Нурали деярли Сарварнинг кўз ўнгида, болалари қаторида ўсган. Қаранг-а, хаш-паш дегунча вақт ўтиб, ҳарбий хизматни ҳам адо этиб, ўқтам, ҳавас қилгули, зарбадист йигитга айланибди. Холбиби янгасига йўқ дейиш, мевали дарахтга сув куймай қуритиш билан баробар.

Нурали заводда ишлаш билан бирга хўжалик шийпониди қоровулчилик ҳам қила бошлади. Шу боис, Холбиби янгани Сарвар ҳар куни учратадиган бўлди. Қорда, ёмғирда юпун кийинган, кўйлагининг ранги ўчиб кетган, оёғида юпка пайпоқ, кавушда, эгнида пахтали, ранглари униқиб кетган нимча.

— Йўл бўлсин, янга! Тонг саҳарлаб, югуришни машқ қилаяпсизми?

ҳазиллашади Сарвар. «Устингиз юпун-ку, шундай совуқда қалинроқ кийинсангиз бўлмайдим», дегиси келади азбаройи раҳми келганидан, аммо билиб туриб ярасига туз сепишдан андиша қилади.

— Нон ёпгандим, Нуралининг нонуштасига иссиқ нон олиб кетаяпман, — дейди ҳар сафар кўлларини кўксига босганча янгаси.

Ноннинг иссиғи сал бўлса-да баданини иситади, кўнглидан ўтказди Сарвар. Ишқилиб, болаларининг бахтига ётиб қолмасин-да... Худо

ди. «Яхши жойдан чиқса, мол-дунёси керак эмас, жиянинг Муҳайёни узатиб юборар эдим. Сепини ҳаммадан ортиқ қилиб қўйганман. Қуда томонни унчалик қийнамасдим ҳам. Берганига рози бўлардим», деган эди у. Опасининг оиласи чиндан топармон-тутармон, кенжаси Муҳайёдан борини аямайди. Жияни ҳам оқила, саранжом-сариштали, кенжа бўлса-да тантик, кеккайган эмас. Опасини яхши билади — мард. Қуда тараф ёқса, майда-чуйдасига қарамай, тўйини ўзи ўтказиб юборавради. Агар Холбиби янгаси рози бўлса, бу камбағал оилага опаси ёрдам берарди, албатта. Ўғли ҳам рўзгорда анча ўзини тиклаб оларди. Зап иш бўларди-да.

Муҳайёнинг кўли очик, қайсингилларидан борини аямасди.

— Янга, Хулкар опамнинг кенжа қизи бор. Жуда меҳнаткаш, одобли, шуни

тақиллади. Эшик тагида кўзларида чексиз мунг, изтироб ва аламли кўз ёшлари билан Холбиби янга турарди. Унинг қоқсуяк танаси қалт-қалт титраб, эгнида яна ўша ранги униқиб кетган кўйлак ва нимча. Куни кеча тўй қилган, келин туширган онага сира ўхшамасди.

— Нима гап, тинчликми? — ваҳима босди Сарварни.

— Сизларга нима ёмонлик қилган эдик-а? У гарчи ўзини тутишга уринса-да, ич-ичидан алам вулкони беихтиёр отилиб чиқиб келаварарди. У шунча ҳаракат қилмасин ўпкаси йиғига тўлганидан сира гапира олмаётганди.

— Уйга кириб, тушунтиринг, нима бўлди ўзи?

Холбиби кўни-кўшнининг кўзи тушмасин дедими, остона ҳатлади, аммо ичкарига кирмади.

— Нима қасдингиз бор эдики, оппоқ пахтадек тоза, покиза ўғлимга жувонни раво кўрибсизлар, — у гапини тугата олмай ўкириб йиғлаб юборди. —

Эҳ, хом сут эмган банда. Нималар қилиб қўйдим-а? У ўз фарзандига шундай нобакорни раво кўришни тасаввур қилдию ўртаниб кетди. Бу разиликдан нима қиларини билмай, изиллаб йиғлаб турган янгасининг ўрнига хотини Нодирани кўз олдига келтираркан, кўз ўнги қорайиб, боши говлади. У тили калмага келмай, боши қотганча, анча турди. Миясида чарх ураётган минг бир хил хаёл оғушида Холбиби янгасининг юм-юм йиғлаши, ундан бу хиёнатга жавоб кутаётганини бир зум унутди. Ўзига келгач, «юринг» деди. Тўппатўғри янгасини опаси Хулкарникига олиб борди. Опаси: «Илло, ўлимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ, бу қизимга тўхмат», деб қизини оқлашга тушди. Поччаси эса жим. Аслида бу хонадонда эркакнинг гапи ҳеч нарсани ҳал қилмас, ҳаммаси опасининг измида эди. Шу боис, у билан гаплашишга ҳожат йўқ эди. Хулкар эса бутун

қарайди. У эса кўзини олиб қочади. Кетишяпти-ю янгасининг кўз ёши тинмайди. Сарвар эса ўзини қўярга жой тополмайди. Нима деб юпатсин, бояқшани. Унинг забун ҳолати, ҳатто янгасининг бошқа хотинлар сингари шаллақилик нелигини билмаслиги шу билан бирга ўта соддадиллиги уни баттар юрагини эзар, ачиниш, раҳм-шафқат туйғуси вужудини ўртарди. Сарвардан жўяли гап чиқмагач, Холбиби юм-юм йиғлаганча унга бир оғиз сўз демай, уйига кетди.

Сарвар қош қўяман деб, кўз чиқарганидан ич-этини ер, раҳматли Йўлчивой ака бекорга тушига кирмаганини англади. Янгаси айтганидек, ер тирнаб, чанг ютиб, тунни кунга улаб, тиним билмай йиғиб-терганларини ҳаромга чиқарганларнинг бири — ўзини сира кечира олмади. Камбағалчилик курсин, кетган пулларига ачинибми, маҳалла-кўй гап-сўзларидан истиҳола қилибми, Муҳайёни қолдиришибди. Буни эшитган Сарварнинг ичига ўт тушди, гўё.

Сарвар эргалаб янгасини учратиб қолишдан уялиб бошқа кўчадан йўл солди. Ишхонада эса Нуралига дуч келишдан орқилиб, хонасидан чиқмайдиган бўлди. Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан бари бир учрашади, деганларидек бир куни Нурали унга бақамти келиб қолди. Унинг ранглари синиққан, «гуноҳим не эди» деган илтижолу нигоҳлари, сочлари тўкилиб, сийраклашиб қолгани негадир Сарварнинг юрагига ханжардек ботди. Шундай хушқомат йигитнинг сўлиб бораётгани уни баттар азобга солди. Шу-шу қандайдир кўз илгамас бир ҳиссиёт кун-тун таъқиб этадиган, ўғилларига қараган сайин юрагида оғриқ туриб, виждони қийналадиган бўлди. Орадан олти ой ўтар-ўтмас Сарварнинг миясига қон куйилиб, ётиб қолди. Шифокорлар «инсульт» дейишди.

— Мен сизни қармагандим, менам хафа бўлманг, — деди кўзда ёш билан кўрганга келган Холбиби янгаси. — Илоё, соғайиб кетинг.

... Сарвар яна эски йўли билан кетаётганмиш. Қаҳратон совуқ, Узокдан Холбиби янгаси кўринибди. Яна ўша-ўша энгил кийинган: оёғида кавуш, эгнида одмигина кўйлак, ранглари униқиб кетган пахтали нимча. Икки кўлини қўлтиғи орасига олган. Афтидан қўлтиғидаги иккита ноннинг иссиғи унга далда. «Манг, бирини олинг, йўлда ҳамроҳ бўлади», — дейди у ноннинг бирини узатиб. «Йўқ, энди унга ноннинг кераги йўқ», — дейди йўғон овоз. Бу таниш овоз кимники, Сарвар тушунмай, юқорига кўз тикади. Ҳа-я, ахир бу Йўлчивой аканинг овози-ку.

«Энди унга ноннинг кераги йўқ», — дейди у яна. Ва индамай йўл бошлади. Сарвар сассиз унга эргашади. Ортда рўмолининг учини тишлаганча, янгаси бошини сарак-сарак қилиб уни кузатиб қолади...

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

ЯХШИЛИКНИНГ ДУЧЧИҚ, НЕЪМАТИ

кўрсатмасин, бирор қорхон бўлса, шўрлик болалар кўчада қолишади-я! Сочлари оқариб, юзларига ажин тушиб кетибди бояқши янгасининг. Шундайям ҳаётдан нолимайди, уни кўриши билан узоқдан жилмайиб келиб сўрашади. Барака топсин. Ишқилиб, болаларининг роҳатини кўрсин-да. Ҳар сафар янгаси билан дуч келганда уни гамгин ўйлар исканжага олади. Тортаётган азоб-уқубатларини юзидан уққандек бўлиб, кўнгли бузилиб кетади. Ҳа, эркак бўла туриб базиди рўзгор юкидан ўзиям дод деб юборай дейди-ю янгасига қойил қолмай бўладими. Етти жон-а...

Бир куни янгаси Сарварни йўқлаб келди.

— Сарваржон, иним, заводдан гаплашиб бир той пахта олиб берсангиз. Насиб бўлса, Нуралининг тўйига атаб олиб қўйсам.

— Янга, сиз илтимос қиласиз-у мен йўқ десам мусулмончиликдан бўлмас. Қачон десангиз олиб бераман. Тўй қачон?

— Худо хоҳласа, кузга, пишиқчиликка бориб ўтказсам девдим.

— Келин бўлмиш тай-ёрми? Ишқилиб, кам-кўстингизга, бор-йўгингизга чидайдиган бўлсин-да.

— Менга қолса, кўриб-билиб юрганларимни олиб берардим...

Янгасининг гапларини тингларкан Сарварнинг хаёлига куни кеча опаси Хулкар билан бўлиб ўтган суҳбат кел-

бир Нуралига кўрсатсақ қандай бўларкин? Орамиздаги қариндошлик ришталари янаям мустаҳкамланармиди?

Холбиби бироз ўйланиб туриб, сўз қотди:

— Сарваржон, жуда яхши ўйлабсиз-да. Энди Нурали билан ўзингиз гаплашасиз.


— Ҳа, ҳа, буёғини менга қўйиб беринг.

Қиз билан йигит, қуда тараф бир-бирига ёққанидан, савоб ишга қўл урганидан Сарваржоннинг боши кўкка етди.

Опаси сарпо-сарупо, олди-берди борасида ҳеч бир эътироз билдирмади, шароитини тушунди, берганига кўнди. Кузда бўладиган тўй баҳорнинг охирида ўтди. Сарвар оиласи билан янгасининг тўйида «қамишдан бел боғлаб» хизмат қилди. Шу билан бир шўрликнинг оғирини энгил қилганидан бениҳоя бахтиёр эди. Раҳматли Йўлчивой аканинг олдида ўз қариндошлик фарзини адо этгандек туюларди унга.

Тўйни ўтказиб чарчаган Сарвар эртаси куни қилган ишидан қониқиб билан ўринга чўзилди. Саҳарга яқин тушига раҳматли Йўлчивой ака кирибди. Қошлари чимирилган, юзи тунд: «Ҳаҳ, сеними... хонумомини куйдирган, бориб бир адабингни бериб қўяй», дермиш одатдагидек сўкиш аралаш, дағдаға билан.

Кўрган тушидан Сарварнинг кўнгли хира тортиди. Нима гуноҳ қилибманки, менга дўқ уради, хаёлидан ўтказди у. Ҳали туриб юзини ювмай, эшик



Бир бечорани мазах қилиб, болаларимни устидан қулиш... ахир ўғлим... ўғлим...

Сарварнинг миясига ток ургандек бўлди. Нега, нима учун бундай дейди, ахир опаси... жияни... У эшитганидан қарахт бўлиб қолди. Қандай қилиб шундай муштипар аёлни алдаш мумкин? Нега бунчалар шафқатсизлик, фирромлик?! Бу кўргиликка қандай чидайди бояқши?. Унинг айби нима?! Нуралинингчи? Опаси бунга биларми-кан? Сўнг бирдан миясига бир фикр келди. У билган. Билгани учун ҳам олди-бердисида фирринг деб эътироз билдирмаган.

санъатини ишга солиб, қизини ҳимоя қиларди.

— Бўлар иш бўлди, гишт қолипдан кўчди, агар истасангиз, тўй харажатингизни тўлайман. Бари бир ўлингиз уйланди, деган номга қолди. Маҳаллада гап-сўз бўлиб, ўз сирингизни очганингиз қолади, холос. Ундан кўра ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолган яхши эмасми. Майли, ўғлингиз яна бир хотин қилсин устига. Менинг қаршичилигим йўқ.

Умрида биров билан уришиб-тортишмаган, меҳнат, болаларининг ташвишидан ортиқ нарсани билмаган Холбиби янга жовдираб, Сарварга

БОШ МИЯ ЧАЙҚАЛИШИ

«Postda» газетасида ёритиладиган «Саломатлик» саҳифасини мунтазам ўқиб, йиғиб бораман. Бош мия чайқалиши, унинг сабаблари, даволаниш ҳамда асоратлари ҳақида ҳам маслаҳат беришларингизни сўрайман.

Р. ҚИРГИЗОВ,
Фарғона вилояти, Кува шахри.

Бу ҳақда бошқа муштарийларимиздан ҳам саволлар тушди. Уларга жавоб бериш учун республика Нейрохирургия илмий маркази клиникаси бош шифокори, олий тоифали нейрохирург Шухрат ИСЛОМОВдан илтимос қилдик.

Бош мия инсон ақли-идрокини, ҳаракатини, ички аъзолар функциясини бошқариб турадиган асосий аъзодир. У бош ва орқа миёга бўлиниб, оқ ва кулранг моддалар билан фарқланади. Кулранг модда асосан асаб хужайралари (нейронлар) йиғиндисидан, оқ модда эса асаб хужайралари ўсимталари йиғиндисидан иборат. Мия таркибига асаб хужайралари ва ўсимталаридан ташқари нейролгия ҳам киради.

Бош мия касалликлари икки турга бўлинади. Булар жароҳатланиш орқали бош миянинг шикастланиши ҳамда бош миёда ўсма пайдо бўлиши, шамоллаш, инсулт кабилардир. Кейинги пайтларда бош миянинг қаттиқ жароҳат олиши кўп учрамоқда. Бунга эса биринчи галда йўл-транспорт ҳодисаларига дучор бўлиш, оғир тан жароҳати олиш

(муштлашиш, ўзаро жанжал туфайли), йиқилиш, маиший (гурмушда ортирилган) жароҳатлар сабаб бўлмоқда.

Бу касалликларнинг энг энгил тури бош мия чайқалишидир. Бунда калла суяги шикастланиши натижасида мия пардалари зарарланади. Шуни таъкидлаш лозимки, мия тўқималарининг яхлитлиги бузилмайди, аммо хужайралари ва бўлаклари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик вақтинча йўқолади. Бу эса бош мия функциясининг бузилишига олиб келади.

Мия чайқалишнинг оғир-енгиллигига қараб бир неча дақиқадан бир неча соатгача хушдан кетиш билан намоён бўлади. Жароҳатланган одам хушига келгач, кўнгли айниб, қусади. Ранги оқариб, совуқ тер босади, безовталаниб, ўзини қўярга жой тополмай


қолади, томир уриши тезлашади.

Мия чайқалиши, одатда, ташқи таъсир туфайли бошнинг жароҳат олиши натижасида рўй беради. Бироқ катта тезликда кетаётган автотранспорт кескин тормоз берганда ҳам унинг ичида ўтирганларда мия чайқалиши юз бергани таҳлиллардан маълум.

Бош мия чайқалиши ва унинг қай даражадалигини фақат мутахассис шифокорлар аниқлайди. Бунинг учун беморнинг шикастланиш даражаси рентген ёки ультратовуш ёрдамида аниқланади. Айрим ҳолларда эса бемор компьютер томографияси ёрдамида текширилади ва натижасига қараб касаллик оғирроқ бўлса, касалхонага ётқизилади. Енгилроқ бўлса, уйда даволаниш чоралари белгиланади.

Даволаш муолажаларини фақат мутахассис шифокор тайинлайди. Бунинг учун беморга оғриқ қолдирувчи, кўнгил айниши ва қусишни тўхтатувчи, бош айланишини тўхта-тиб, тинчлантирувчи дорилар тавсия қилинади.

Бош мия чайқалиши оғирроқ бўлса, уни фақат касалхонада даволаш зарур. Мия енгилроқ чайқалиб, бемор уйга юборилганда у камида бир ҳафта-ўн кун қимирламай ётиши ва мутахассис шифокор тавсия қилган дори-дар-



монларни қабул қилиши шарт.

Бош миям енгил чайқалибди, холос-ку? Ётишга имкониятнинг йўқ ёки фалончи шифокорга бориб, миям чайқалгани учун энг қиммат дориларни ёздириб олдим, деганлар афсуски, кейинини ўйламасдан, бош мия чайқалиши асоратини хаёлига келтирмасдан иш қўрувчи одамлардир.

Бош мия чайқалиши вақтида даволанмаганда бемор бир умр бош оғриги ёки бош мия ичи қон босимининг ошиши, энг даҳшатлиси, мия атрофияси (шикастланган хужайра ёки аъзонинг озиб,

қуриши юз бериши)га дучор бўлиши мумкин.

Мия чайқалишининг олдини олиш кўпроқ инсоннинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун кўчада юрганда йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш, бирор иш (масалан, қурилиш ва бошқалар) бажарганда, спорт билан шугулланганда, транспорт воситасини бошқарганда айниқса, ёш болаларга ҳамиша эҳтиёт бўлиш зарур. Амалдаги қоидаларга риоя қилиш нафақат мия чайқалиши, балки бошқа касалликлар, тасодифий жароҳатланишларнинг ҳам олдини оловчи асосий омилдир.

ТАБИБЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

● Мия чайқалиши асорати сифатида бош оғригидан бинафша гулидан тайёрланган дамлама 150 гр. дан овқатдан олдин ичилади. Даволаниш муддати 2 йил.

● Калина дарахти танасини тилиб, олинган шарбатни ичиш ҳам ана шундай бош оғригида шифо бўлади.

● Қорағат (смородина)дан сиқиб олинган шарбат чорак стакандан кунига уч маҳал ичилганда, кучли бош оғригини қолдиради.

● Сурункали бош оғригида хом тухумни чақиб, қайнаш ҳолига келган (лекин қайнамаган) бир стакан сут билан яхшилаб аралаштирилади ва ҳар куни ичилади.

● Касаллик асорати сифатида (ёки умуман) қаттиқ бош оғриганда, бир дона картошка иккига бўлинади ва бўлаклар пешонага ёпиштирилади.

● Бош оғриётган пайтда уни дераза ойнасига «ёпиштириб» турилса, оғриқ пасаяди ёки қолади.

● Бир хил миқдордаги (10 гр. дан) ялпиз ва янтоқ майда тўғралиб, бир стакан қайноқ сувда 10 дақиқа қайнатилди. Бир соат дамланиб, овқатланишдан ярим соат олдин қайноқ чой сифатида ичилади.

● Бош доимий равишда оғриганда янги картошканинг суви сиқиб олиниб, ҳар куни чорак стакандан ичилса, оғриқ босилади.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Баҳор ойларида баъзи кишилар «Ҳаром қон тинчлик бермаяпти, юз-қулоқларим лўқиллаб оғриydi, яра тошиб кетади» дея тиббиёт зулугини излаб қолишади.

Тиббиётдан маълумки, инсоннинг қон томирлари «деворлари»нинг шамоллаши, яллиғланиши сабабли айрим қисмларида тўсиқлар пайдо бўлади. Натижада қон томирдан меъёрида ўтмайди. Зулук эса тўсиқни излаб топади ва қуюлиб қолган қонни сўриб олади. Пировардида қон айланиши изга тушади.

Интернет хабарларига кўра, америкалик бир боланинг қулогини ит тишлаб, узиб олади. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қулоқ жойига тикилади. Аммо ҳадеганда уланган қулоқ супрасига қон юрмайди. Шунда зулук ёрдам беради, қулоқда қон айланиши тикланади.

Яқин-яқингача ҳам шифокорлар зулукдан юрак хасталикларидан тортиб, то бугин касалликларини даволашгача фойдаланишар эди. Зулукни муайян даражада фан-техника тараққиётининг қурбони деса бўлади. Чунки қисқа вақт ичида уларнинг ўрнини мукамал деб тахмин қилинган доривор воситалар эгаллади. Аммо бир неча йил муқаддам бир қатор Фар-

бўлди. Рой Соьер техника ва доришуносликнинг энг сўнгги ютуқлари ҳам зулуклар ўрнини боса олмайди, деган хулосага келди.

Шифокор Р. Соьер ўз тажрибалари билан зулукларнинг асосий сири уларнинг нодир компонентлари бўлган сўлақларида эканлигини исботлади. Юрак-қон томирлари, тромбоблебит, гипертония касалликлари ва жарроҳликдан сўнг қон айланишини тиклашда, шунингдек, бир қатор бошқа хасталикларда зулуклар хизматидан фойдаланиш мумкин. Дарҳақиқат, тош асрига оид даволаш усули ушбу асрада ҳам асқотмоқда.

Шуниси қизиқарлики, зулуклар асосида янги дори тури

ҚОН ТОЗАЛОВЧИ ЖОНЗОТ

бий Европа мамлакатларида ва АҚШда зулуклар яна эл оғзига тушиб қолди. Бунга Уэльс шаҳрида зулукларни кўпайтириш ва ўрганиш бўйича махсус лаборатория ташкил этган инглиз шифокори Рой Соьер илмий тадқиқотлари ва тажрибалари туртки



«Пиявит» яратилди. Бу янги дори тромбоблебитда, парিশонхотирликка қарши, қон босимини пасайтиришда малҳамдир. Лекин бу дори ҳозирча оммавий равишда ишлаб чиқарилгани йўқ, синовдан ўтказилмоқда. Тиббиёт зулуги Кавказ, Украина, Молдовада кўплай учрайди. Москвада махсус биофабрикада зулуклар кўпайтирилади. Зулуклар қўлмак ёки сув

ўти кўп бўлган, лекин оқадиган сувларда ҳаёт кечиради. Унинг танаси чўзиқ, ясси, бир томонга қараб торайиб борувчи бўлиб, 90-100 та халқадан ташкил топган. Бош томони ингичка бўлиб, иккита сўрғичи бор.

Дорихонадан олинган зулуклар махсус шиша идишларда сақланади. Идишдаги сувни ҳар куни янгилаб туриш лозим. Кудуқ ёки

ичимлик суви зулук учун зарарли. Бундай сувнинг оз миқдордагиси ҳам уни нобуд қилиши мумкин.

Одатда, тимқора зулуклар ишлатилмайди. Ҳар бир зулукка бир маротаба қон сўрдирилади, холос. У қон сўраётганида ўзидан қоннинг ивимайдиган гирудин ферментини ишлаб чиқаради. Бу фермент зулук қон сўраётганда, унинг сўлаги билан бирга кишининг томирига ўтади ва қоннинг ивишига йўл қўймайди.

Шунингдек, зулукнинг бир қатор фойдали томонлари бор. Хусусан, уни қуришиб, асалга солиб яланса, томоқ оғригини қолдиради, буйракдаги тошларни майдалашда ёрдам беради. Туйиб алоэ билан омухта қилинса, бавосил ярасини қурилади. Сурқалганда эса доғларни кетказади. Булар Шарқ табиблари томонидан синаб кўрилган ва синовдан муваффақиятли ўтган. Шуни унутмаслик керакки, зулук қўйгандан кейин совуқ сув ичмаслик керак. Аччиқ, шўр нарсалар ҳам истеъмол қилинмайди. Зулукни қўйгач, унинг шишганига қараб тўйди деб гумон қилиб, куч билан ажратишга уринмаслик керак. Тўйгандан сўнг ўзи тушиб кетади. Эслатиб ўтамиз, зулукни албатта шифокор маслаҳатига кўра қўллаш керак.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

Бугунги кунда гиёҳвандликка қарши кураш жаҳон ҳамжамияти олдига турган долзарб вазифадир. Бу борада вилоят ички ишлар ходимлари томонидан аниқ ва пухта режалар асосида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Биргина «Қорадори» тадбири давомида ўнлаб гиёҳвандлик моддаси истеъмолчи ва савдоси билан шуғулланувчи фуқароларнинг қилмишига чек қўйилмоқда. Андижон вилояти Избоскан тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан аниқланган қуйидаги воқеа тафсилоти ана шундай ҳолатларнинг бир кўриниши, холос.

Чувама қишлоғида яшовчи Мансур икки фарзанднинг отаси. Ёши қирққа яқинлашган, яхши билан ёмоннинг фарқини фарзандларига уқтирадиган бир пайтда ўзининг салбий ҳаракатлари билан ота номига доғ туширди. Аввал оғу истеъмол қилиб келган Мансур, энди унинг савдоси билан машғул бўлишни ихтиёр этди. У шундоққина ҳовлисининг ёнида ўсаётган ёввойи наشا ўсимлигини эътибордан четда қолдирмаган эди. Ўсимлик барглари териб, ўзи билган махсус усул-

лар орқали марихуана тайёр-лади. Уни бир литрлик шиша идишга солиб, уйига яширди. Ана энди уни сотиб, пул ишлаши мумкин. Фақат харидор топса бас. Мансур «марихуана»ни ёнида олиб юриб қишлоқ кўчаларида бемалол истеъмол қила бошлади. Мансурнинг ҳолати, ундан анқийган нотабий ҳид ҳар қандай кишининг эътиборини ўзига жалб этар эди. Шу боис ҳам харидорнинг топилиши қийин кечмади.

Кўргонтепалик нота-ниш йигит унга яқинла-шиб, иккиланиб мурожа-

ат қилди. Мақсадини ту-шунтиргач, Мансур савдо-ни бошлаб юборди. Улар кеч соат 19.00 да учра-шишга келишиб олдилар.

Харидор белгиланган вақтда тайин этилган жойга келиб, Мансурга келишилган пулни берди.

— Санаб олинг, ака, — деди у.

— Санаш шарт эмас.

Мансур шундай дея у берган пулни чўнтагига солиб, шиша идишдаги «марихуана»ни узатди.

— Ўзим тайёрлаган-ман. Сифатига гап йўқ, — кафиллик берди у.

— Сифатини текши-риб кўриш бизнинг ишимиз.



КЕЛТИРГАН КАЙФУ



Мансур ёнгинасида пайдо бўлган уч-тўрт йи-гитни кўриб, ҳайрон бўлди:

— Сизлар кимсизлар?

— Биз туман ички иш-лар бўлими ходимларимиз, — хизмат гувоҳномаларини кўрсатишди йигитлар.

Шундай қилиб, яна бир оғуфурушликнинг олди олинди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, гиёҳвандликка қарши кураш биргина ички ишлар ходимлари-нинг вазифасими? Бу бо-рада барча бир ёқадан бош чиқариши лозим эмасми?

Улугбек ИБРАГИМОВ,
подполковник.

ДЎСТ КУЛФАТДА БИЛИНАДИ, АММО...



— Оғайни, эшитдинг-ми, Мирзабек (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳибсада эмиш? — деди Ҳолик.

— Ҳа. Бир хабар олиб қўйсак бўларди, — таклиф киритди Самижон.

Беш оғайни — Ҳолик, Самижон, Воҳид, Файрат, Жўрабеклар Мирзабекнинг хонадонига ки-риб келишди. Оила аъзо-

ларидан ҳол-аҳвол сўрагач, давом этаётган суд натижа-лари билан қизиқишди. Ҳозирча ҳеч қандай ўзга-риш йўқлигини айтган Худойберди ака укасини қан-дай қилиб бўлса ҳам қутқ-ариб қолиш лозимлигини бот-бот такрорларди. Мир-забекнинг турмуш ўртоғи Азиза бу борада таниш-би-лиши йўқлигидан афсус-ланди.

— Мана, Воҳид судда ишлаган, кириб гаплаша-ди, — деди Файрат. Гап ай-ланиб пулга тақалаётгани-ни сезган хонадон бекаси ҳозирча моддий аҳволи яхши эмаслиги, бироқ бу-нинг иложини қилишини эслатиб, қанча кераклиги-ни сўради.

— Тахминан икки мил-лион сўм, — деди Воҳид. Азиза турмуш ўртоғи-нинг тезроқ ёнига қайти-ши учун барча харажатлар-ни кўтаришга тайёр эди. Наманган шаҳрилик За-фаржон исмли шахснинг Мирзабекдан 850 АҚШ доллари қарздор эканлиги-дан хабардор бўлган аёл ўша пулни олиб келиб, Воҳиднинг қўлига тутқаз-ди. Қолганини ҳам тўғри-лаб бериш керак. Уйдаги жиҳозлар аста-секин кўча-га «йўрғалай» бошлади. Тўртта гилам 160 мингга, «Самсунг» телевизори ва видеомагнитофон 120

минг сўмга сотилди. Хари-дорларни эса турган гап-ки, оғайнилар топишган-ди.

Бир йилдан ортиқроқ вақт ўтса-да, эрининг қамоқдан чиқиши дарағи бўлмагач Азиза берилган пуллари қаерга кетгани билан қизиқди. Ўз дўстининг турмуш ўртоғини алдаб, кўп миқдордаги мулкни қўлга киритиб, фирибгар-лик қилган Воҳид Нурбе-ковга нисбатан жиноят иши кўзгатишганда эса, у ўз қилмишидан пушаймонли-гини билдиришдан нарига ўта олмади.

— Азизага турмуш ўртоғи Мирзабекни қамоқдан чиқариб бера-ман деб, ундан 850 АҚШ доллари ҳамда 390 минг сўм пул олдим ва ўша пай-тдаёқ ишлатиб юбордим. Аслида Мирзабекни қамоқдан чиқариш қўлимдан келмасди. Бу пуллари алдаб олганим тўғри, — дея судда кўрсат-ма берди айбланувчи.

Муқаддам судланиб, бундан тегишли хулоса чиқармаган, 3 нафар фар-занднинг отаси яна қора курсига ўтирди. Оғир кун-да дўстини чув тушироқ-чи бўлган фирибгар қил-мишига яраша жазо олди.

Абдусалом ЭРМАТОВ,
подполковник.

АКС САДО

«ОХИРАТИ КУЙГАН ОТА»

«Postda» газетасининг 2006 йил 25 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилин-ган мақолани ўқидиму, таъсирланиб, чуқур ўйга толдим. Чунки унда аянчли воқеа — бир ота ўз қизининг номусига тегиб, бадном қилгани ҳақида гап борарди.

Умуминсоний қадриятларга кўра Шарқ халқлари, умуман бутун дунёда ота фарзанд учун табаррук зот-лардан бири саналади. У оила таянчи, устун, дея эъзо-лланади. Ўғил-қизларнинг бахт-саодати, келажак учун масъул бўлган ана шундай зотнинг қилмиши ҳар қан-дай кишининг нафратини кўзгатади. Бу унинг жир-канч, пасткаш, миллий қадриятларимизни менсимай-диган инсон эканлигини кўрсатиб турибди.

Биз ҳали ёшмиз, ҳаётнинг паст-баландини кўрганимиз йўқ. Айни маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан барчамизга ўрнак бўладиган инсон маҳалла-қўй, қарин-дошлари, таниш-билишлари олдида шарманда бўлиб, суднинг қора курсисидан бош эгиб ўтирса, бундан ортиқ жазо борми, дунёда? Мақолада таъкидланишича, ота дейишга нолойиқ, манқурт кимсага муносиб жазо бе-рилган. Лекин шу билан чекланиб қолмаслик керак. Ўзлигини унутган бундай шахсларнинг ахлоқи маҳал-ла аҳли ўртасида муҳокама қилиниб, тегишли баҳо бе-рилиши зарур. Токи бўлажак ота ёки оналар оиладаги, фарзандлар олдидаги бурчларини чуқур англаб етиш-син. Қолаверса, бунинг маънавиятимиз покляниши-даги аҳамияти катта, деб ўйлайман.

Рустам САГАТОВ,

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети талабаси.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Республика ИИБ Молия-иқтисод бошқар-маси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Н. Шукуровга онаси
НОРБЕГИМ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, бошқарма марказлаштирилган бухгал-терия ҳисоблаш гуруҳи ҳисобчи-газначиси, кат-та сержант С. Ашуровга синглиси
Саломат АШУРОВАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий тар-киби Уртачирчиқ тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинимаси ходими, сафдор
Исроилжон ДАДАМЕТОВнинг
фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан мар-ҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдар-длик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шах-сий таркиби Боеғод тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ш. Маҳрамовга онаси
МАҲБУБАХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.


Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, бошқарма алоқа бўлими тезкор алоқа тармоғи бошлиғи, майор Р. Санокүловга падари бузруквори
ЭРГАШ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳам-дардлик билдирадилар.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ИХХБ навбатчилик қисми катта навбатчиси, майор У. Тураевга онаси
ОЙЗОДА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳам-дардлик билдирадилар.


Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий тар-киби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфолиги подполковник Х. Юсуловга онаси
БУХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдар-длик изҳор қиладилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шах-сий таркиби бошқарма ҲООБ бўлинима бошлиғи, майор А. Юлдашевга онаси
Умаржон ЮЛДАШЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳам-дардлик изҳор этадилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН!



**Нигоҳлар узоқни кўзлайди,
Юраклар севгидан сўзлайди.
Юзида бахт зоҳир шундоғам,
Уяна неларни излайди?..**



Газетамиз саҳифаларида реклама

ёки эълон беришни истайсизми?

Марҳамат!

Мурожаат

учун телефонлар:

139-73-88

139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



ИЯ, НАҲОТКИ?!

Якшанба куни отам билан сугир сотиб олиш учун бозорга бордик. Мол бозори одамлар билан гавжум. Ичкарига кирверишда харидорлар семизгина, зотдор бир сугирни савдолашишяпти. Биз ҳам уларга яқинлашдик.

— Икки юз эллик минг сўмга сотасизми? — деди сугир атрофини айланаётган отахон.

— Йўқ! — деди эгаси. — Жуда арзон сўраясиз.

— Икки юз олтмиш минг!

— Бўлмайди! Одамлар орасида турган мўйловли киши сугирнинг ипини қўлига олди-да:

— Икки юз етмиш минг! — деди.

— Уч юз эллик мингдан камига бермайман! — деди аччиқланган сотувчи. — Эрта-индин туғадиган сугир. Уни арзон баҳога сотолмайман. Олсаларинг шу!

Хуллас, сугирни 300 мингга сўрашди. Аммо эгаси айтган нархда туриб олди. Жониворни обдон кўздан кечирган отам қулоғимга шивирлади:

— Бозорда бунақанги зотдор сугир йўқ. Шунини оламиз.

Тортишиб ҳам ўтирмай сугирни 340 минг сўмга олиб, уйга қайтдик. У семизлигидан зўрга юрарди. Уйга яқинлашимиз билан онам бизга пешвоз чиқди.

— «Туф-туф» кўзга яқин экан. Тезроқ ичкарига олиб кинринглар. Йўл бўйи қанчадан-қанча одамларнинг назарига тушгандир. Дарҳол исириқ тайёрланглар!

Сугирни ичкарига олиб кириб, исириқ тутатдик. Сўнгра унинг олдига беда ташлаб, сув қўйдик. Жонивор ўтга қайрилиб ҳам қарамади.

— Бозоргир бўлсин деб, роса ем беришганга ўхшайди, — деди отам сугирни силаб. — Майли, ҳали замон ўтга қарайди.

Сугир кечкурун-гача ҳам ҳеч нима емай тураверди. Эрта тонгда молхонага кирган онам «дод» деб юборди.

— Сугиримизни ўғирлаб, ўрнига бошқасини боғлаб кетишибди!

Биз ҳам югуриб молхонага кирдик. Озгинликдан суякларни терисини тешиб чиққудек бўлиб турган жонивор молхона паҳсасига суянганча зўрга турарди.

— Кеча сотиб олган сугиримизга ўхшайди, — деди отам унинг атрофини айланаркан. — Мана, думи билан пешонасида оқи бор эди.

— Ахир кеча олиб келган сугирингиз филдек эди-ку! — деди онам йиғлаганча. — Энди нима қиламиз?

Отам нима дейишини билмай елка қисди.

— Дарҳол мол дўхтирни олиб келинг! Эгасини топганимизча ўлиб қолмасин, тагин.

Отам кўчамизда яшовчи мол дўхтирини бошлаб келди. Сугирни текшириб кўрган Собир дўхтир ўнг туёғи орасидаги елимга кўзи тушди ва уни қисқич билан олиб, ўша оёғидаги ипни ечиб ташлади. Шу заҳоти сугир бир сесканиб тушди.

— Сугирни туёғидан дам бериб сотишибди, — деди Собир дўхтир қўлидаги елим ва ипни бизга кўрсатиб. — Ҳавоси чи-

қиб кетмаслиги учун мана бу ип билан боғлаб ҳам қўйишган.

— Ё, алҳазар! — деди отам ҳайратдан орқага тисарилиб. — Шундай бераҳм, бағритош кимсалар ҳам бор экан-да!

Собир дўхтир зудлик билан сугирга укол қилиб, дори-дармон ичирди. Сўнгра кечкурун хабар



олишини айтиб, уйга кетди. Биз отам билан милиция таянч пунктига бориб, бўлган воқеани қишлоғимизнинг про-филаттика инспекторига айтдик.

Кўшни қишлоқда ҳам

худди шундай воқеа содир бўлган, — деди профилактика инспектори. — Сизлар шов-шув кўтармасдан, ҳеч нима билмагандай бемалол юраверинглар. Фақат ўелингиз биз билан бозорга бориб, сугир сотган фирибгарни топишда ёрдам берамиз.

Хуллас, фуқаро кийимидаги ички ишлар ходимлари билан мол бозорига чиқа бошладик. Лекин қанча борсак-да, ўша сотувчи учрамади. Орадан бир ой ўтди. Якшанба куни яна мол бозорига бордик. Не кўз билан кўрайки, ўша киши семизгина сугирни харидорларга кўз-кўз қилганча турарди. Бу сафар ёнимдаги ички ишлар ходимлари сугирга харидор бўлишди. Сотувчи пулни санаб олаётганда сугирнинг ёнида Собир дўхтир пайдо бўлди. У жониворнинг ўнг туёғидаги елимни тортиб олганида писиллаб ҳаво чиқиб кетди. «Дирдир» қалтираётган жонивор оғриққа чидолмаётганиданми, «мў-ў-ў»лаб юборди. Сири фош бўлган сотувчи жуфтакни ростламоқчи бўлди. Аммо хушёр изкуварлар уни дарҳол қўлга олишди. Бу фирибгар «Боғишамол» қишлоғида яшовчи Пўлат шилқим бўлиб чиқди. Суд унинг қилмишини атрофлича кўриб чиқиб, қонуний жавобгарликка тортди.

Худойберган ЖАББОРОВ.

ЮРИДИК АТАМАЛАР ИЗОҲИ

АШЁВИЙ ҲУҚУҚ — бошқа шахснинг мол-мулкига қонунда белгиланган тартибда эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш имконияти бўлиб, у одатда мулкдорнинг розилигига асосан белгиланади. Мулкдор ўз қорхонасини бошқа шахсга бошқаришга бериб қўйиши мумкин. Ашёвий ҳуқуқни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи; 2) оператив бошқариш ҳуқуқи; 3) мерос қилиб қолдирилган ер участкасига умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи; 4) ер участкасига доимий

эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи; 5) сервитутлар.

БАНКРОТ — шахснинг қарзларни тўлашга қурби етмаслигидир. Хўжалик субъектларининг банкрот бўлиши деганда, қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулки қийматидан ошиб кетганлиги сабабли товарларга, бажарилган ишларга ёки хизматларга ҳақ тўлаш юзасидан кредитор (қарз берувчи)ларнинг талабларини қондира олмаслиги, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни тўлашга қодир эмаслиги тушунилади. Банкрот деб эълон қилиш икки усул-

да: 1) хўжалик судининг қарори билан ва 2) хўжалик субъекти ихтиёрий равишда тугатилганда унинг ўзи банкрот бўлганини расман эълон қилиш йўли билан амалга оширилади.

БЕВОСИТА ДЕМОКРАТИЯ — ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда, давлат ишларида бевосита, яъни шахсан иштирок этишидир. Бевосита демократиянинг турларига сайловда овоз бериш, референдумда (умумхалқ овози) иштирок этиш, давлат органларига таклифлар киритиш ва бошқалар кирарди.

(Давоми бор).

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамыз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнғироқ қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

Телефон: (371) 139-73-88

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib **Erkin SATTOROV**

Navbatchi: **Qobiljon Shokirov**
Sahifalovchilar: **Zokir Boltayev**
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: **Gulnora Sodiqova**

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankingning
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2277. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55948 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.